



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2020 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

Тошкент 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ.....	4
I. 2020 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР.....	9
1.1. 2020 йилда кузатилган ички иқтисодий шароитлар	9
1.1.1. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаоллигининг шаклланиши	9
1.1.2. Иқтисодиётда ички талаб шаклланиши омиллари.....	14
1.1.3. Меҳнат бозоридаги ҳолат ва тенденциялар	19
1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши	22
1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар	24
1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар.....	28
1.2.3. Глобал иқтисодиётнинг тикланиши ва кутилмалар.....	29
1.3. Инфляцион жараёнлар ва кутилмалар.....	31
1.4. Тўлов баланси ва ташқи қарз таҳлили.....	36
II. 2020 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ	40
2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги таҳлили.....	40
2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятлари сифати ҳамда улардаги таркибий ўзгаришлар	47
2.1.2. Пандемиянинг банк тизимига таъсири ва тизимнинг инқирозларга қарши бардошлилигини ошириш бўйича кўрилатган чоралар.....	53
2.1.3. Давлат дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати	55
2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари.....	62
2.3. Банк тизими инфратузилмаси.....	65
2.3.1. Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари.....	65
2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти	65
2.3.3. Гаров реестри фаолияти.....	68
2.3.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими.....	70
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари	71
2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	76
2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш.....	76
2.5.2. Таваккалчиликка асосланган банк назоратини такомиллаштириш	79

2.5.3. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	81
2.5.4. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати	82
III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ.....	85
3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш.....	85
3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ҳамда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли	85
3.1.2. 2020 йилда пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар ва пул-кредит шароитлари.....	88
3.1.3. Трансмиссион механизмнинг фоиз каналини янада ривожлантириш ва мавжуд муаммолар	91
3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари	96
3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили	99
3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили.....	99
3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили	102
3.2.3. Валютага оид қонунчилик ҳужжатларини соддалаштириш борасида амалга оширилган ишлар	108
3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият	110
3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили.....	111
3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати	121
IV. ТЎЛОВ ТИЗИМИ ИШЛАШИНING БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	125
4.1.Тўлов тизимлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш.....	125
4.1.1. Тўлов тизимларини такомиллаштириш	125
4.1.2. Масофавий банк ва замонавий тўлов хизматларини ривожлантириш	129
4.1.3. Чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини кенгайтириш	131
4.1.4. Тўлов хизматлари бозоридаги субъектлар фаолияти	135
4.2. Нақд пул муомаласини ташкил этиш	140
4.2.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар	140
4.2.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши	144
4.2.3. Банк карталари орқали амалга оширилган пул айланмалари	147
4.3. Кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш	150

V. МОЛЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ	152
5.1. Молявий хизматлар оммабоплигини ошириш	152
5.2. Аҳолининг молявий саводхонлигини ошириш	154
5.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	157
5.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш.....	159
VI. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	163
6.1. Халқаро моля институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик	163
6.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молявий ташкилотлар билан ҳамкорлик.....	166
VII. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ.....	167
7.1. Ташкилий тузилма	167
7.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш	167
7.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази фаолиятини ривожлантириш.....	170
7.4. Пул-кредит ва молявий статистикани такомиллаштириш	172
7.5. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш	174
7.6. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти	176
VIII. ИЛОВАЛАР	178

КИРИШ СЎЗИ

2020 йилда Марказий банк фаолияти коронакризис таъсирида глобал иқтисодий фаолликнинг пасайиши, ноаниқликлар ва хатарларнинг сақланиб қолиши, халқаро таъминот занжирининг узилиши натижасида ташқи талабнинг қисқариши, ички талаб ҳамда ишлаб чиқариш фаоллигининг сустрлашиши шароитларида амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор, ички нархлар ўсишини секинлаштириш орқали аҳолининг харид қобилиятини сақлаб қолиш, коронакризиснинг тадбиркорлик субъектлари ва банкларни молиявий ҳолатига салбий таъсирини юмшатиш ҳисобига иқтисодиётда мувозанатлашган молиявий барқарорликни таъминлаш ва айни пайтда иқтисодий фаолликни ҳам қўллаб-қувватлаш чораларини ўзаро мувофиқлашган ҳолда амалга оширишга қаратилди.

Биринчи навбатда, ҳар томонлама асосланган макроиқтисодий таҳлил ва прогнозларни амалга ошириш, ички ва ташқи иқтисодий шароитлардаги ўзгариш ва кутилмаларни мунтазам кузатиб бориш ҳамда хатарларни олдиндан баҳолаш орқали қарорлар қабул қилиб борилди.

Хусусан, ҳисобот йилининг I чорагида **нархлар барқарорлигини таъминлаш** мақсадида “қатъий” пул-кредит сиёсати юритилган бўлса, пандемия оқибатида инфляцияга талаб омиллари таъсири ҳамда иқтисодий фаолликнинг пасайиши натижасида қатъий пул-кредит шароитлари бироз юмшатилиб, **“нисбатан қатъий”** фазага ўтиш бошланди.

Бунда банклараро пул бозори фоиз ставкаларини самарали тартибга солиш ва уларнинг Марказий банк асосий ставкасига яқин даражада ва фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлаш мақсадида янги пул-кредит инструментлари тўплами амалиётга жорий этилди.

2020 йил апрель ойидан пандемия шароитида банкларни ликвидлик билан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг жорий шароитларга мослашувчанлигини ошириш мақсадида Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операциялари устувор равишда тижорат банкларига зарур бўлган молиявий ресурсларни тақдим этишга қаратилди ва бу орқали банк ва тўлов тизимларининг барқарор фаолият юритиши таъминланди.

Хусусан, мажбурий захиралашнинг ўртачалаш коэффициенти 2020 йил апрель ва июнь ойларида **25** фоиздан **75** фоизгача оширилиши ҳисобига жами **3 трлн.** сўмлик узоқ муддатли ликвидлик тижорат банкларига қайтарилди.

Инфляциянинг пасаювчи тенденцияси ва унинг прогноз динамикасида ҳамда макроиқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, нархлар барқарорлигини

таъминлаш бўйича мақсадлар доирасидан чиқмаган ҳолда 2020 йилнинг апрель ва сентябрь ойларида Марказий банкнинг асосий ставкаси **1** фоиз банддан (йиллик 16 фоиздан 14 фоизгача) пасайтирилди ҳамда мақбул фоиз ставкалар механизми жорий этилди.

Асосий ставканинг пасайтирилиши ва мақбул фоиз ставкалар механизмининг қўлланилиши иқтисодиётдаги пул-кредит шароитларини бироз юмшатиб, карантин чекловлари юмшатиладиган кейинги даврда инфляция даражасига хавф туғдирмаган ҳолда **иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга** хизмат қилди.

2020 йил якунида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси **11,1** фоизни ташкил этиб, 2019 йил кўрсаткичига (15,2 фоиз) нисбатан **4,1** фоиз бандга пасайди ва Марказий банк прогноз коридорининг қуйи чегарасига яқин даражада шаклланди.

2020 йилда жаҳон бозорида олтин нархининг сезиларли даражада ошиши халқаро захираларнинг 5,7 млрд. АҚШ долларига кўпайишига ҳамда олтин ишлаб чиқарувчилардан қўшимча солиқлар тушиши ҳисобига бюджет даромадлари ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга замин бўлди.

Бунда Марказий банк томонидан ички валюта бозорига интервенциялар “олтин-валюта захиралари нейтраллиги” тамойили асосида амалга ошириб борилиши миллий валюта алмашув курсининг фундаментал бозор омиллари таъсирида шаклланишига шароит яратди.

Коронавирус пандемияси таъсирида иқтисодиётда ноаниқликлар ва хатарларнинг юзага келиши шароитида кредиторлар, қарз олувчилар, омонатчилар ҳамда банк тизимининг бошқа иштирокчиларида юзага келган хавотирларни камайтириш мақсадида Марказий банк томонидан турли коммуникация каналларидан фойдаланган ҳолда пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, пул-кредит ва банк тизимидаги ўзгаришлар доимий равишда ёритиб борилди.

2018-2019 йиллар давомида банк тизимида капитал ва ликвидлик захираси бўйича макропруденциал буферлар шакллантирилганлиги коронавирус пандемияси даврида иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондиришга ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада сақлаб қолишга замин яратди.

Хусусан, 2021 йил 1 январь ҳолатига банк тизими капитали етарлилиги кўрсаткичи **18,4** фоизни (минимал талаб 13 фоиз), қисқа муддатли

ликвидликни қоплаш кўрсаткичи **224,5** фоизни (минимал талаб 100 фоиз) ва узок муддатли ликвидликни молиялаштириш кўрсаткичи **109,9** фоизни (минимал талаб 100 фоиз) ташкил этиб, белгиланган минимал меъёрлардан юқори даражада сақлаб қолинишига эришилди.

Пандемиянинг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида кредит ташкилотларига аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари кредитларини қайтариш имкониятларини ҳар бир миждоз бўйича тўлиқ ва пухта ўрганиб чиқиш асосида кредит бўйича тўловларни қайтариш муддатларини **2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш** тавсия этилди. Кредитлар муддатини жарима санкциялари қўлланмаган ҳолда кечиктирилиши ҳамда ундирувни кредит таъминотига қаратмаслик, шунингдек, қайтариш муддатлари узайтирилган даврга кредитларни қайта таснифламаслик имконияти тақдим этилди.

Шунингдек, пул тушуми кескин камайган тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолати ҳудудларда тадбиркорлар билан бевосита учрашган ҳолда ўрганилиб, улар фаолиятини тиклаш чоралари кўрилди.

Хусусан, 2020 йилнинг март-декабрь ойларида банклар томонидан **59 235** та хусусий сектор корхоналарига айланма маблағларни тўлдириш учун **26,8 трлн.** сўмлик револьвер кредитлар ажратилиши мазкур корхоналарнинг молиявий ҳолати яхшиланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Айни пайтда банкларда муддати ўтган кредитлар ҳажмининг ошиш хавфи вужудга келиши шароитида банк тизими капитал етарлилиги кўрсаткичининг барқарорлигини таъминлаш билан бир вақтда муддати ўтган кредитлар бўйича тегишли захира яратиш мақсадида тижорат банкларига Марказий банк кўрсатмаси берилмагунга қадар банк акциядорларига дивидендлар тўлаш орқали фойдани тақсимлашга йўл қўймаслик юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

2020 йилда давлат банкларини трансформация қилиш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ташкил қилиш ҳамда банк тизимида хусусий капитал иштирокини кенгайтириш ва рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 5992-сонли Фармони билан **2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тасдиқланди.**

Банклар фаолиятини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан биргаликда банклар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, корпоратив бошқарув ва риск-менежмент

тизимини такомиллаштириш, уларнинг ташкилий тузилмаси ва бизнес-моделларини оптималлаштириш бўйича ишлар бошланди.

Хусусан, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Ипотека-банкда 5 нафар, Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Халқ банки ва Туронбанкда 4 нафардан, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Микрокредитбанкда 3 нафардан ва Миллий банкда 1 нафар банк-молия соҳасида етук малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар банк кенгашига мустақил аъзо сифатида жалб этилди.

2020 йилда кузатилган ижтимоий-иқтисодий ҳолат тўлов тизимлари инфратузилмасини янада кенгайтириш, унинг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришни тақозо этди.

Шунингдек, жорий этилган карантин чекловлари ҳамда иқтисодий фаолликнинг пасайиши шароитида нақд пуллар айланмаси таркибида кузатилган ўзгаришлар, яъни 2020 йилнинг I ярмида тижорат банклари кассаларига келиб тушган нақд пуллар миқдорининг сезиларли камайиши тижорат банклари ликвидлигига салбий таъсир кўрсатиб, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Ушбу йўналишлардаги ишларни янада такомиллаштириш доирасида Марказий банкнинг **Тезкор тўловлар тизими** ишга туширилиб, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тўловларни туну-кун 24/7 режимида амалга ошириш имконияти яратилди.

Шунингдек, чакана тўлов инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўламини ошириш мақсадида тўловларни QR-код, Touch to Phone ва NFC технологиялари орқали қабул қилиш тизими жорий қилинди ҳамда маҳаллий тўлов тизимларининг **VISA, Mastercard, UnionPay** ва **МИР** халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграцияси амалга оширилди.

Тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтириш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан **20** та юридик шахсга тўлов ташкилоти ҳамда **2** та юридик шахсга тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тақдим этилди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва электрон пулларнинг муомалада бўлиши

қоидаларини тартибга солувчи янги идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди. Электрон пулларга оид ҳуқуқий асоснинг яратилиши тўлов хизматлари бозорида янги инновацион хизматларни таклиф этувчи иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлади.

Масофавий банк хизматларининг ривожланиши, тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши билан бирга банк-молия соҳасида **ахборот киберхавфсизликни** таъминлаш, молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш ва текширишнинг таъсирчан воситаларини яратиш борасидаги чора-тадбирлар доирасида банк ва молия-кредит тизими муассасаларида фирибгарлик ва компьютер ҳужумларини аниқлаш ҳамда текшириш фаолияти билан шуғулланувчи **FinCERT марказини** ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди.

Ҳисобот йилида банк тизими, валютани тартибга солиш ҳамда тўлов тизимлари билан боғлиқ қонуности ҳужжатларини янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунларга мувофиқлаштириш, бир-бирини такрорловчи нормаларни қисқартириш, уларнинг амалиётда турлича талқин қилинишининг олдини олиш борасидаги ишлар якунига етказилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Марказий банк томонидан банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

I. 2020 ЙИЛДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАР

1.1. 2020 йилда кузатилган ички иқтисодий шароитлар

2020 йилда мамлакатда макроиқтисодий ҳолат коронавирус пандемияси таъсирида ички ва ташқи талабнинг пасайиши, глобал ноаниқликларнинг сақланиб қолиши ҳамда карантин чекловларининг жорий қилиниши билан иқтисодий фаолликнинг секинлашиши шароитларида шаклланди.

Коронавирус пандемиясининг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар, макроиқтисодий барқарорликнинг сақлаб қолиниши, шунингдек, ташқи бозорларда асосий экспорт товарлари (олтин, мис, кумуш) нархларининг юқори шаклланиши мамлакатда ижобий иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, нархлар барқарорлиги ҳамда аҳоли даромадлари камайиб кетишини олдини олишга хизмат қилди.


1.1.1. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаоллигининг шаклланиши

Ҳисобот йилида ишлаб чиқариш фаоллиги карантин чекловларининг жорий қилиниши натижасида ялпи талабнинг қисқариши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ қайта тиклашга уринишлар шароитида шаклланди.

2020 йилда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми **580,2 трлн. сўм**ни ташкил қилиб, ЯИМнинг реал ўсиш суръати 2019 йилдаги 5,8 фоиздан **1,6** фоизгача секинлашди.


1.1.1.1-чизма

Иқтисодиёт тармоқларининг ЯИМ ўсишига қўшган ҳиссаси, *фоизда*



1.1.1.2-чизма

Иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари, *фоизда*



1.1.1.1-жадвал

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил
Ялпи ички маҳсулот (млрд. сўм)	510 117,2	580 203,2
ЯИМнинг реал ўсиши (фоизда)	5,8	1,6
ЯИМ дефлятори (фоизда)	18,6	11,9
Истеъмол нархлари индекси (олдинги йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда)	15,2	11,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд. сўм)	195 927,3	202 000,1
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	38,1	-8,2
Товар ва хизматлар экспорти (млн. АҚШ доллари)	17 468,6	15 127,8
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	24,8	-13,4
Товар ва хизматлар импорти (млн. АҚШ доллари)	24 280,0	21 171,5
олдинги йилга нисбатан реал ўсиш (фоизда)	25,0	-12,8
Ташқи савдо сальдоси (млн. АҚШ доллари)	-6 811,4	-6 043,7

Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида шакллантирилди

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш ишлари соҳасида ўсиш суръати ҳисобот йилида ижобий иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омилларидан бўлди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш реал ўсиши 3 фоизни, қурилиш ишлари 9,2 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 0,7 фоизни ҳамда хизматлар соҳаси 0,1 фоизни ташкил қилди.

2020 йилда ЯИМнинг 1,6 фоизлик ижобий ўсишининг 0,8 фоиз банди қишлоқ хўжалиги соҳаси, 0,6 фоиз банди қурилиш ишлари соҳаси, 0,2 фоиз банди саноат тармоғи ҳиссасига тўғри келди.

2020 йилда қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиш суръати 2019 йилдаги 4,8 фоиздан 3,4 фоизгача секинлашган бўлсада, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ўсиш суръати 1,6 фоиздан 2,1 фоизгача ошди.

Ҳисобот йилида деҳқончилик маҳсулотлари таркибидаги полиз экинлари (3,2 фоиз), сабзавотлар (2,4 фоиз), донли экинлар ва картошка (1,7 фоиздан), мевалар (4,0 фоиз) ҳамда узум (2,2 фоиз) етиштиришнинг ўсиши кузатилди.

Шунингдек, чорвачилик маҳсулотлари таркибидаги гўшт етиштириш (2,1 фоиз) ва сут ишлаб чиқаришнинг (2,8 фоиз) ўсиш суръати жадаллашган бўлса, тухум етиштиришнинг ўсиши (0,7 фоиз) сустлашди.

1.1.1.3-чизма

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмларининг ўзгариши, фоизда



Таъкидлаш жоизки, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиш суръатининг секинлашиши қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳсулот етиштиришни диверсификациялаш ва ислоҳ қилиш борасидаги тадбирлар натижаларининг таъсири соҳада ҳали тўлиқ кўринмаётганлиги билан ҳам изоҳланади.


Пандемия шароитида қурилиш ишлари соҳаси ўсиш суръатининг бошқа тармоқларга нисбатан юқори шаклланишига йирик саноат объектларида бажарилган қурилиш ишлари ўсишининг 2019 йилдаги 8,5 фоиздан **33,1** фоизгача жадаллашганлиги муҳим омил бўлди.

Шу билан бирга, кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ўсиш суръати 2019 йилдаги 29,5 фоиздан 4,1 фоизгача ҳамда норасмий сектор томонидан бажарилган қурилиш ишлари ўсиш суръати 8,3 фоиздан 3,7 фоизгача секинлашди.

Таркибий нуқтаи назардан жами қурилиш ишлари ҳажмининг **52,8** фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар, **27,6** фоизи йирик корхоналар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳиссасига тўғри келди.

1.1.1.4-чизма

Қурилиш ишлари ҳажмининг бажарувчи субъектлар бўйича ўзгариши, фоизда




Саноат тармоғида ишлаб чиқариш ўсишининг секинлашиши тоғ-кон саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг **21,9** фоизга қисқарганлиги (2019 йилда 0,6 фоизга камайган) билан боғлиқ бўлиб, мазкур ҳолат глобал иқтисодий фаолликнинг пасайиши шароитида жаҳон бозорида табиий газга бўлган талабнинг кескин камайиши билан изоҳланади.

Табиий газ ва газ конденсати қазиб олиш ҳажми мос равишда 17,8 ва 33,5 фоизга камайган бўлса, кўмир ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 фоизга, нефть ишлаб чиқариш 4,9 фоизга ошди.


1.1.1.5-чизма

Саноатда ишлаб чиқаришнинг асосий соҳалар бўйича ўзгариши, фоизда



1.1.1.6-чизма

Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши, фоизда



2020 йилда саноат соҳасида юқори ўсиш суръати асосан қайта ишлаш саноатида (7,1 фоиз) кузатилди. Бунда тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши 2019 йилдаги 4,7 фоиздан 12 фоизгача, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш 0,3 фоизлик пасайишдан сўнг 7 фоизгача, фармацевтика маҳсулотлари 8,5 фоиздан 13,4 фоизгача ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 4,5 фоиздан 8 фоизгача ошди.

Шунингдек, 2020 йилда кўрсатилган **бозор хизматлари** ҳажми ўсиш суръатлари 2019 йилдаги 13,2 фоиздан 2,3 фоизгача секинлашди. Мазкур ҳолат 2020 йилнинг апрель ва июль ойларидаги карантин чекловларининг кучайтирилиши шароитида йўловчи ташиш бўйича транспорт катновларининг чекланиши ҳамда чегараларнинг ёпилиши натижасида ички ва халқаро туризмнинг қисқарганлиги, умумий овқатланиш, кўнгилочар масканлар фаолиятининг вақтинча тўхтатилганлиги билан боғлиқ.


Хусусан, яшаш ва овқатланиш хизматлари ҳажми 2019 йилга нисбатан 13,5 фоизга, транспорт хизматлари 8,4 фоизга ҳамда тиббий хизматлар 10,1 фоизга пасайди.

Бунда ҳаво транспорти хизматлари ҳажми қарийб 50 фоизга қисқарган бўлса, темир йўл транспорти хизматлари 11,6 фоизга, автомобил транспорти хизматлари ҳажми 3,5 фоизга ўсган.

Коронавирус тарқалиши кучайган шароитларда енгил касалликларни даволаш, соғлиқни тиклаш ҳамда тиббий кўрик каби хизматларга талабнинг пасайиши тиббий хизматлар ҳажми камайишининг асосий омилларидан ҳисобланади.

1.1.1.7-чизма

Хизматлар соҳаларининг ўсиш суръатлари, *фоизда*



Шунингдек, ҳисобот йилида молиявий хизматлар (25,6 фоиз), таълим (7,4 фоиз), савдо (1,7 фоиз) ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш (15,3 фоиз) хизматлари соҳаларида ижобий ўсиш суръатлари кузатилди.

Бунда банк хизматлари сифати ва оммабоплигини ошириш мақсадида олиб борилган ишлар, хусусан, барча банкларда масофавий банк технологияларининг (интернет-банкнинг ва мобил-банкнинг), базавий банк хизматлари ҳамда замонавий тўлов хизматларининг кенг татбиқ қилинганлиги (тезкор тўловлар тизимининг ишга туширилиши) пандемия шароитида банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини таъминлаб, ҳисобот йилида молиявий хизматлар ҳажмининг юқори ўсишига хизмат қилди.

Таълим хизматлари ҳажмининг ошиши анъанавий таълимнинг чекланиши шароитида масофавий таълим хизматларининг ривожланиши билан боғлиқ бўлса, савдо хизматларининг ўсиши онлайн савдонинг ривожланиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, карантин чекловларининг жорий этилиши натижасида онлайн савдо, масофавий банк ва замонавий тўлов хизматларининг ҳамда масофавий таълим хизматларининг ривожланиши, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларига бўлган талабнинг ошишига ҳамда мазкур соҳада ўсиш суръатларининг жадаллашишига сабаб бўлди.

1.1.2. Иқтисодиётда ички талаб шаклланиши омиллари

Ҳисобот йилида ташқи талабнинг сезиларли даражада пасайиши шароитида ялпи ички талабнинг ижобий шаклланиши асосан ички омиллар ҳисобидан таъминланди. Бунда иқтисодиётда ялпи талаб таркибида инвестицион талабнинг камайиши кузатилган бўлса, истеъмол талаби ўсувчи тенденцияга эга бўлиб, мамлакатда ижобий иқтисодий ўсиш суръатларини сақланиб қолишига ёрдам берди.

Пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирлар, иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи солиқ-бюджет ҳамда пул-кредит сиёсатининг юритилиши ички талабни қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлди.

Бунда коронавирус инфекцияси тарқалишининг дастлабки кунларидан бошлаб **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** ташкил этилиб, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мамлакат аҳолисининг даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида манзилли харажатларнинг амалга оширилиши ҳамда иқтисодиёт субъектларига кредит ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича

кечиктиришларнинг жорий этилиши ички талабни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилда иқтисодиётга жами **13,4 трлн. сўм** маблағлар йўналтирилди, умумий фискал харажатлар **185,9 трлн. сўм**ни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан **11,7** фоизга ўсди. Натижада, умумий фискал харажатлар ЯИМга нисбатан 2019 йил даражасида шаклланиб, 32 фоизни ташкил этди ҳамда умумий фискал баланснинг ЯИМга нисбати **-3,9** фоиздан **-4,4** фоизгача ошди. Умумий фискал баланс дефицити асосан ташқи маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган.

Ҳисобот йилида пул-кредит шароитларидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк асосий ставкасининг 2 марта 1 фоиз банддан пасайтирилиши, мақбул фоиз ставкаларининг жорий этилиши ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари бўйича муддатларининг узайтирилиши иқтисодиётда ички талабни рағбатлантирувчи асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, 2020 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредитлар ҳажми 127 трлн. сўмни ташкил этиб, пандемия шароитларига қарамасдан қарийб 2019 йил даражасида ўзгаришсиз қолди. Натижада, иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи йил бошига нисбатан **34,3** фоизга ёки ЯИМ номинал ўсишига нисбатан 2,5 баробарга юқори ўсиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 280,4 трлн.сўмга етди.

Бунда жисмоний шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қарийб **1,4** баробарга ҳамда юридик шахсларга ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса **1,3** баробарга ошди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан кредит бўйича тўлови мавжуд бўлган жисмоний шахсларнинг **75** фоизига ва юридик шахсларнинг **40** фоизига фоиз ва асосий қарз тўловлари бўйича 6 ойлик кечиктиришлар (2020 йил 1 октябрга қадар) берилди ва мос равишда кредит муддатлари узайтирилди.

Пандемия билан боғлиқ давлат харажатларининг сезиларли ошиши натижасида инвестицион лойиҳалар ижросини келгуси даврларга қолдирилиши ҳисобига иқтисодиётда асосий капиталга киритилган инвестицияларда сезиларли таркибий ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан, жами молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилган асосий капиталга инвестициялар ҳажми **202** трлн. сўмни ташкил этиб, **марказлашган манбалар** ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар **53,9** трлн. сўмдан **39,3** трлн. сўмгача ёки реал ҳисобда **34,9** фоизга қисқарган

бўлса, **марказлашмаган манбалар** ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар 142 трлн. сўмдан **162,7** трлн. сўмгача ёки реал ҳисобда **2,0** фоизга ошди.

1.1.2.1-жадвал

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши, млрд.сўмда

Молиялаштириш манбалари	2019 йил	2020 йил	Ўзгариши
Жами инвестициялар	195 927,3	202 000,1	6 072,8
Марказлашган инвестициялар	53 923,8	39 310,2	-14 613,6
Бюджет маблағлари	19 368,9	15 028,5	-4 340,4
Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	6 681,7	1 814,6	-4 867,1
Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар	27 873,2	22 467,1	-5 406,1
Марказлашмаган инвестициялар	142 003,5	162 689,9	20 686,4
Корхоналарнинг ўз маблағлари	41 718,9	51 911,3	10 192,4
Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	57 564,0	64 179,9	6 615,9
<i>шу жумладан,</i>			
<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>	<i>38 154,6</i>	<i>28 740,5</i>	<i>-9 414,1</i>
Аҳоли маблағлари	15 715,3	18 077,8	2 362,5

Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида тайёрланган

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда таркибий ўзгаришнинг юзага келиши иқтисодиёт субъектларининг инвестиция учун ички манбалардан фойдаланишига туртки бўлди. Хусусан, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестициялар реал ҳажмда **11** фоизга ўсиб, **марказлашмаган** инвестициялар ўсишининг асосий омили бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, хориждан пул ўтказмалари ҳажмининг 2019 йил даражасида шаклланганлиги ҳамда аҳоли реал даромадлари ўсишининг ижобийлиги таъминланганлиги ҳисобига аҳолининг инвестицион харажатларининг реал ҳисобдаги ҳажми ҳам деярли ўтган йил даражасида сақланиб қолди.

Пандемия шароитида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, хусусан, манзилли ёрдам пулларининг берилиши, моддий ёрдам олувчи оилалар сонининг ҳамда пенсия, нафақалар миқдорининг

оширилиши аҳоли реал даромадларининг ижобийлигини таъминлаб, истеъмол талабини қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

2020 йилда аҳолининг умумий даромадлари 401,5 трлн. сўмни ташкил этиб, унинг реал ўсиши 2019 йилдаги 7 фоиздан **2,6** фоизгача секинлашди.

Аҳоли жон бошига умумий даромадлар эса 11,7 млн. сўмга етиб, ўтган йилга нисбатан **0,7** фоизга ўсди (2019 йилдаги ўсиш 5 фоиз).

Ҳисобот йилида аҳоли даромадларининг номинал ўсиши **15,9** фоизни ташкил этиб, мазкур ўсишнинг **14,8** фоизи аҳоли умумий даромадлари таркибида юқори улушга эга бўлган меҳнат фаолиятидан олинган даромадларнинг (15,1 фоизга) ҳамда трансфертлардан олинган даромадларнинг (17,4 фоизга) ўсиши ҳисобига шаклланди.

Инвестицион талабнинг пасайиши ва истеъмол талабининг сустрлашиши импортга бўлган талабнинг ҳам қисқаришига олиб келди.

Хусусан, 2020 йилда жами импорт ҳажми 21,2 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 3,1 млрд.АҚШ долларига ёки **12,8** фоизга камайди.

Импорт ҳажмининг қисқариши, асосан, инвестицион товарлар импортининг (жами импортнинг 44,6 фоизи) 2019 йилга нисбатан 1,8 млрд.АҚШ долларига ёки **19,3** фоизга камайганлиги билан изоҳланади.


Ҳисобот йилида истеъмол маҳсулотлари импорти 500 млн. АҚШ долларига ёки **10** фоизга, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти **14** фоизга ҳамда фармацевтика маҳсулотлари импорти **25** фоизга ошди.

Истеъмол товарлари импортининг ошиши ички ишлаб чиқариш ўсишининг секинлашиши шароитида ички бозорда озиқ-овқат ва бирламчи истеъмол маҳсулотлари нархларига босимнинг нисбатан пасайишини таъминлади. Натижада, инвестицион ва истеъмол товарлари импортига бўлган талабда таркибий ўзгаришлар кузатилди.

Хусусан, инвестицион товарлар импорти 2019 йилда ўзининг узок муддатли трендидан юқорида шаклланган бўлса, 2020 йилда унинг ўз трендидан пастга тушиши кузатилди. Истеъмол товарлари импорти эса 2020 йилда ўзининг узок муддатли трендидан юқори миқдорларда шаклланди.


1.1.2.1-чизма

Инвестицион товарлар импортининг ойлик ҳажми, млн.АҚШ.долл.



1.1.2.2-чизма

Истеъмол товарлари импортининг ойлик ҳажми, млн.АҚШ.долл.




Изоҳ: Мавсумийлик таъсири чиқариб ташланган

Шу билан бирга, коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини минималлаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар, карантин чекловларининг юмшатиб борилиши ҳам иқтисодиётда истеъмол талабининг тикланишига хизмат қилди.

1.1.2.3-чизма

Савдо айланмаси ўзгариши ва ўзини-ўзи яққалаш индексининг шаклланиши, фоизда



¹ Ўзини-ўзи яққалаш индекси Яндекс компанияси томонидан Тошкент шаҳар йўлларидаги фаолликни аниқлаш йўли билан ҳисобланган

Хусусан, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги чакана савдо айланмасининг сезиларли даражада пасайишдан сўнг июль ойидан тикланиши кузатилиб, йил якунида ўсиш суръати **3,2** фоизни ташкил қилди. Улгуржи савдо айланмаси ҳам ўзининг апрель ойидаги кескин пасайишидан сўнг тикланиши кузатилиб, йиллик ўсиши **6,2** фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, ўзини-ўзи яқкалаш индекси динамикаси таҳлили ҳам март-апрель ойларидаги иқтисодий фаолликнинг кескин пасайишидан сўнг декабрь ойида 2020 йилнинг февраль ойи даражасига яқин қайта тикланганлигини кўрсатди.


1.1.3. Меҳнат бозоридаги ҳолат ва тенденциялар

Ишсизлик даражаси ва бандлик

2020 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олишга қаратилган кучайтирилган тартибдаги карантин чекловларининг жорий этилиши, иқтисодийнинг айрим тармоқларидаги корхоналар фаолиятининг вақтинчалик тўхтатилиши, ички ҳамда ташқи талабнинг сустлашиши мамлакатда ишсизлик даражасининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

1.1.3.1-чизма

Иқтисодийда бандлик кўрсаткичлари ўзгариши



Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида тайёрланган

Хусусан, 2020 йил якунида жами банд аҳоли сони 13,2 млн. кишини ташкил этиб, ишсизлик даражаси 2019 йил якунидаги 9,1 фоиздан **10,5** фоизгача ошди. Бунда ишсизлик даражаси ошишининг энг юқори кўрсаткичи ҳисобот йилининг II чорагида кузатилиб, мазкур даврда ишсизлар сони 672 мингтага ошиб, ишсизлик даражаси 13,2 фоизга етди.

1.1.3.1-жадвал

2019-2020 йилларда иқтисодиёт тармоқлари кесимида банд аҳоли сони ўзгариши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда

Тармоқлар	2019 йил				2020 йил			
	I	II	III	IV	I	II	III	IV
Қишлоқ хўжалиги	-2,8	-0,6	0,2	0,2	1,3	7,3	2,6	0,5
Саноат	-0,3	1,0	0,7	0,4	0,3	-11,1	-6,3	-1,2
Қурилиш	-0,3	1,4	3,0	9,9	8,7	-8,4	-2,4	-4,3
Савдо	0,7	1,4	4,7	2,5	2,6	-19,2	-7,1	-5,0
Ташиш ва сақлаш	1,1	2,1	3,5	0,0	1,0	-19,4	-4,4	-3,5
Таълим	0,5	0,5	3,7	1,9	3,3	0,7	-0,2	2,4
Соғлиқни сақлаш	0,8	0,8	2,7	2,1	5,0	1,2	3,4	5,7
Бошқа фаолият	8,7	4,5	4,0	2,2	-6,2	-8,1	-8,0	-6,9

Манба: Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида тайёрланган

Тармоқлар кесимида қаралганда, савдо (5,0 фоиз), қурилиш (4,3 фоиз), ташиш ва сақлаш (3,5 фоиз), саноат (1,2 фоиз) соҳаларида бандликнинг қисқариши кузатилган бўлса, соғлиқни сақлаш (5,7 фоиз), таълим (2,4 фоиз) ҳамда қишлоқ хўжалиги (0,5 фоиз) соҳаларида бандлик даражаси ошди.

Иқтисодиётда иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигининг шаклланиши

2020 йилда корхоналарнинг молиявий қийинчиликка дуч келиши ҳамда ишсизлик даражасининг ошиши натижасида ортиқча ишчи кучи таклифининг вужудга келиши шароитида меҳнат бозорида иш ҳақи ўсиш суръатининг секинлашиши кузатилди.

Хусусан, 2020 йилда ўртача номинал иш ҳақи ўсиши 2019 йилдаги 27,5 фоиздан 14,7 фоизгача секинлашди. Бунда инфляция даражасининг пасайиши ҳам иш ҳақи реал ўсишининг ижобийлиги таъминланиб, **3,2** фоизни (2019 йилда реал ўсиш 7,5 фоиз) ташкил этди.


Ҳисобот йилида пандемия шароитида корхоналарнинг тўлиқ қувватларда ишламаганлиги, меҳнат ресурслари ҳаракатларининг чекланганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги пасайиш тенденциясига эга бўлди.

Хусусан, меҳнат унумдорлиги ўсиши 2020 йилнинг I чорагида 2019 йилнинг I чорагига нисбатан секинлашган бўлса, II ҳамда III чоракларда мос равишда 1,1 ва 1,9 фоизга пасайди. 2020 йилнинг III чорагидан карантин чекловларининг юмшатилиши, иқтисодий фаолликнинг тикланиши

шароитида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичининг ҳам ижобий ўзгариши кузатилиб, IV чорагида унинг ўсиши 1,8 фоизни ташкил қилди.

1.1.3.2-чизма

Меҳнат унумдорлиги ва реал иш ҳақи ўзгариши, фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари

Меҳнат унумдорлигининг пасайиши, айрим корхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар кўрсатиш) ҳажмининг пасайиб кетиши шароитида ҳам иш ўринларини сақлаб қолишга қаратилган ҳаракатлар билан изоҳланади.

1.2. Ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши


2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти учун ташқи иқтисодий шароитлар пандемия натижасида дунё бўйлаб “локдаун” жорий этилиши, истеъмол ва инвестицион фаолликнинг сусайиши, халқаро таъминот занжирининг узилиши, жаҳон бозорида асосий хомашё товарлари нархларининг ўзгарувчанлиги шароитида шаклланди.

Халқаро валюта жамғармасининг 2021 йилнинг апрель ойида эълон қилган ҳисоб-китобларига кўра, юқоридаги омиллар таъсирида жаҳон иқтисодиёти 2020 йил якуни бўйича **3,3** фоизга қисқарди (2008 йилда юз берган Глобал молиявий инқироз даврида иқтисодий ўсиш 1,7 фоизга қисқарган).

Коронакризиснинг хизмат кўрсатиш соҳасига, жумладан, туризм, меҳмонхона бизнеси, ҳаво ва қуруқлик транспорти ҳамда умумий овқатланиш соҳаларига салбий таъсири иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан кучлироқ сезилди.

1.2.1-чизма

Жаҳон иқтисодиётининг йиллик ўсиш суръати ва хизматлар соҳаси учун глобал PMI индекси динамикаси



Манба: IMF WEO JAN2020, IHS Markit, Global Purchasing managers' index report.


Хусусан, жаҳон иқтисодиётининг хизматлар соҳасидаги иқтисодий фаолликни ўзида акс эттирувчи глобал *PMI service* индекси¹ 2020 йилнинг апрель-май ойларида 2008 йилги Глобал молиявий инқироз давридаги энг паст кўрсаткичдан ҳам пастроқ шаклланди.

¹ PMI (Purchasing Managers Index)

Дунё бўйлаб карантин чекловларининг жорий этилиши ва чегаралар ёпилиши натижасида глобал ишлаб чиқариш занжирида узилишлар кузатилиб, халқаро савдо ҳажми 9,2 фоизга қисқарди. Бунда халқаро савдо ҳажми қисқаришининг энг паст кўрсаткичи (16,4 фоиз) 2020 йилнинг II чорагида юз берди.

1.2.2-чизма


Жаҳон бўйича товарлар ташқи савдоси ўзгариши, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан фоизда



Халқаро молия бозорларда асосий индексларнинг (Dow Jones, FTSE 100) нобарқарор шаклланганлиги инвесторларда рискдан қочиш кайфиятини юзага келтириб, жаҳонда инвестицион фаолликнинг сусайишига ҳамда тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг қисқаришига олиб келди.

1.2.3-чизма

Жаҳон бўйича ўртача кунлик нефть ишлаб чиқариш ва истеъмоли ҳажми ҳамда бир баррель нефть нархи



Манба: IMF Commodity market outlook, US Energy Information Administration

Жаҳонда ишлаб чиқариш фаоллигининг пасайиши кўплаб мамлакатларда энергия маҳсулотларига талабнинг қисқаришига олиб келди. Хусусан, 2020 йилнинг апрель ойида нефть маҳсулотларининг жаҳон бўйича кунлик истеъмоли ўзининг энг паст нуқтасига етиб, 2019 йилнинг декабрь ойига нисбатан **21,3** фоизга камайган бўлса, май ойидан нефть истеъмолининг тикланиш тенденцияси кузатилди ҳамда 2020 йил декабрь ойида пасайиш **6,6** фоизни ташкил этди.


1.2.1. Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиётидаги ўзгаришлар

2020 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор мамлакатларидаги иқтисодий шароитлар ҳам коронавируснинг тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин чекловларининг жорий этилиши ҳамда глобал иқтисодий фаолликнинг пасайиши натижасида ишлаб чиқариш ва ички талабнинг сустрлашиши шароитида шаклланди.

Хусусан, **Хитойда** иқтисодий ўсиш 2019 йилдаги 6,1 фоиздан 2020 йилда 2,3 фоизгача секинлашди. Бунда иқтисодий фаолликнинг энг паст шаклланиши 2020 йилнинг I чорагида кузатилиб, мазкур даврда ЯИМ ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,8 фоизга қисқарди.

1.2.1.1-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлардаги иқтисодий ўсиш суръатлари динамикаси, *фоизда*



Россияда жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши шароитида карантин чекловларининг босқичма-босқич юмшатилиши иқтисодиёт айрим тармоқларининг қайта тикланишини таъминлаб, пандемиянинг мамлакат

иқтисодиётига салбий таъсирини камайтирди. 2020 йилнинг биринчи ярим йиллигида ЯИМ ҳажми 4,2 фоизга қисқарган бўлса, 2020 йил якунига келиб мазкур кўрсаткич -3,1 фоизни ташкил этди.

Пандемиянинг иқтисодий фаолликка салбий таъсири ҳамда кўплаб мамлакатларда энергия истеъмолининг камайиши натижасида жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши ҳисобига 2020 йил якуни бўйича **Қозоғистонда** ЯИМ ҳажми 2,6 фоизга қисқарди.

Туркияда эса талаб ва таклиф тарафдан вужудга келган шоклар мамлакат иқтисодиётини биринчи ярим йилликда 9,9 фоизлик кескин қисқаришига олиб келган бўлса, йилнинг иккинчи ярмида иқтисодиётни рағбатлантиришга қаратилган фискал, пул-кредит ва молиявий чоралар натижасида иқтисодий ўсиш тикланиб, 2020 йилнинг якуни бўйича 1,8 фоизни ташкил этди.

Коронакризиснинг салбий таъсирини камайтириш ҳамда иқтисодий фаолликни тиклаш мақсадида асосий савдо ҳамкор мамлакатларда рағбатлантирувчи пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати юритилди.


Хусусан, Россия Марказий банки томонидан асосий ставка 2020 йилнинг апрель ва август ойларида мос равишда 0,5 ва 1,25 фоиз бандларга йиллик 4,25 фоизгача пасайтирилди. Қозоғистонда эса, асосий ставка 2020 йилнинг апрель ойида йиллик 12 фоиздан 9,5 фоизгача, июль ойида эса йиллик 9,5 фоиздан 9 фоизгача пасайтирилди.

Туркия Марказий банки томонидан ҳисобот йилининг январь-сентябрь ойларида асосий ставка йиллик 12 фоиздан 8,25 фоизгача туширилган бўлса, 2020 йилнинг сентябрь ойидан иқтисодиётда инфляция босимнинг ортиши ҳамда миллий валютанинг кескин қадрсизланиши шароитидан келиб чиқиб, асосий ставка йиллик 8,25 фоиздан 17 фоизгача оширилди.

2020 йилда асосий савдо ҳамкор мамлакатларда коронакризисга қарши фискал рағбатлантириш чораларининг кенгайтирилиши натижасида умумий фискал баланс тақчиллигининг ЯИМга нисбати Россияда 2019 йилдаги 1,9 фоиз профицитдан -5,3 фоизгача, Қозоғистонда -0,6 фоиздан -5,3 фоизгача, Туркияда -5,6 фоиздан -7,9 фоизгача ҳамда Хитойда -6,3 фоиздан -11,9 фоизгача ошди.

Юқоридаги омиллар таъсирида ҳамда пандемия шароитида транспорт-логистика билан боғлиқ қийинчиликларнинг юзага келиши ҳисобига асосий савдо-ҳамкор мамлакатларда инфляция даражасининг 2020 йил учун мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар коридоридан юқори даражада шаклланганлиги кузатилди.


1.2.1.2-чизма

Асосий савдо ҳамкорларда йиллик инфляция даражаси, *фоизда*

Хусусан, ҳисобот йилида инфляция даражаси Россияда 4,9 фоизни (таргет – 4 фоиз), Қозоғистонда 7,3 фоиз (4-6 фоиз), Туркияда 14,6 фоизни (5 фоиз) ташкил этди.

Ҳисобот йилида асосий савдо ҳамкор ҳисобланган давлатлар миллий валюталари курсларида ҳам сезиларли қадрсизланиш кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон сўми АҚШ долларига нисбатан 10,1 фоизга қадрсизланган бўлса, Россия рубли 19,0 фоизга, Қозоғистон тенгеси 9,9 фоизга, Турк лираси 25,0 фоизга қадрсизланди, Хитой юани эса мазкур даврда 5,8 фоизга мустаҳкамланди.

1.2.1.3-чизма

Асосий савдо ҳамкор давлатлар миллий валюта курслари ўзгариши ва реал самарали алмашув курси (РСАК) динамикаси, *фоизда*


Ўзбекистонда миллий валюта курсининг қадрсизланиши бошқа ҳамкор давлатларга нисбатан пастроқ даражада бўлганлиги ҳамда инфляция даражасининг юқорироқ шаклланганлиги ҳисобига сўм реал эффектив алмашув курси 2020 йилда деярли ўзгаришсиз қолди.

Иқтисодий фаолликнинг пасайиши, мамлакатлараро чегара постларида кучайтирилган тартибдаги карантин чекловлари натижасида транспорт қатновларининг ҳамда савдо муносабатларининг қийинлашиши Ўзбекистон экспортига салбий таъсир кўрсатди.

Хусусан, ҳисобот йилида товар ва хизматлар экспорти (олтин ҳисобга олинмаганда) ҳажми 9,3 млрд.АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан **25,6** фоизга ёки 3,2 млрд.АҚШ долларига қисқарди. Бунда мазкур камайишнинг 1,8 млрд.АҚШ доллари (56,1фоизи) табиий газ ҳамда 1,4 млрд. АҚШ доллари (43,9 фоиз) хизматлар экспортининг қисқариши ҳисобига шаклланган.

1.2.1.4-чизма

Ўзбекистон экспортининг мамлакатлар бўйича тақсимланиши, *фоизда*



Мазкур камайиш давлатлар кесимида қаралганда, **1,0** млрд.АҚШ доллари (31,2 фоизи) Россия ҳисобига, **600** млн.АҚШ. доллари (18,9 фоизи) Хитой ҳисобига, **500** млн.АҚШ. доллари (15,6 фоизи) Қозоғистон ҳисобига ҳамда **200** млн.АҚШ. доллари (6,3 фоизи) Туркия ҳисобига шаклланди.

1.2.2. Жаҳон хомашё бозоридаги ўзгаришлар ва тенденциялар


Ҳисобот йилида жаҳон бўйича ишлаб чиқариш соҳасининг қисқариши шароитида дунё фонд бозорларида инвестицион активлар нархининг кескин тушиши, ривожланган давлатлар марказий банклари, шу жумладан, АҚШ Федерал захиралар тизими томонидан фоиз ставкаларининг пасайтирилиши ҳамда пандемия билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолиши натижасида муқобил инвестицион актив ҳисобланган қимматбаҳо ва рангли металллар нархлари ўсувчи тенденцияга эга бўлди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг асосий экспорт товари ҳисобланган **олтиннинг** 1 троя унцияси нархи 2020 йил 1 январь ҳолатидаги 1 519,5 АҚШ долларидан ҳисобот йилининг якунида 1 893,6 АҚШ долларигача ўсди. Бунда олтиннинг ўртача йиллик нархи 1 772 АҚШ долларни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан **27,1** фоизга ошди. Йил давомида олтин нархи ўзининг тарихий максимум даражасига август ойида (2 067,2 АҚШ долл.) чиқиши кузатилди.

Шунингдек, жаҳон бозорида **кумушнинг** 1 троя унциясининг ўртача йиллик нархи 2019 йилга нисбатан **26,7** фоизга ошиб, 20,5 АҚШ долларини ташкил этди.


1.2.2.1-чизма

2019-2020 йилларда жаҳон бозорида олтин ва кумуш нархларининг ўзгариши, АҚШ доллари/троя унцияси



1.2.2.2-чизма

2019-2020 йилларда жаҳон бозорида мис ва пахта нархларининг ўзгариши, АҚШ доллари/тонна



Ҳисобот йилининг биринчи ярим йиллигида глобал иқтисодий фаолликнинг сустлашиши натижасида жаҳон бозорида **миснинг** ўртача нархи **11** фоизга пасайган бўлса, 2020 йилнинг II ярим йиллигида эпидемиологик вазиятнинг барқарорлашиши ҳамда ишлаб чиқариш саноатининг тикланиши

натижасида мисга бўлган талабнинг ошиши мазкур хомашё нархининг 2019 йилга нисбатан **3,1** фоизга ўсишига олиб келди.

Шунингдек, **пахта толаси** ўртача нархининг пасайиш кўлами ҳисобот йилининг I ярим йиллигидаги **14,6** фоиздан ҳисобот йили якунига келиб **8** фоизгача қисқарди.

Энергия маҳсулотларига бўлган талабнинг қисқариши ҳамда Россия ва Саудия Арабистони ўртасидаги “нефть нархи уруши” жаҳон бозорида нефть нархининг 2019 йилга нисбатан **36,6** фоизга ҳамда табиий газ нархининг **33,9** фоизга пасайишига олиб келди.

1.2.3. Глобал иқтисодиётнинг тикланиши ва кутилмалар

2021 йилда жаҳон иқтисодиёти **бир томондан** COVID-19 га қарши вакцинанинг яратилиши ва аҳолини эмлаш жараёнларининг бошланиши натижасида жаҳон иқтисодиёти тикланиши бўйича кутилмаларнинг яхшиланиши, **иккинчи томондан** вируснинг мутациялашган янги штампларининг пайдо бўлиши ҳамда касалланишнинг янги тўлқинлари бошланиши сабабли пандемия билан боғлиқ глобал ноаниқликларнинг сақланиб қолиши шароитида шаклланиши кутилмоқда.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан юқоридаги омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 2021 ва 2022 йилларда мос равишда 6,0 ва 4,4 фоизни ташкил этиши башорат қилинмоқда.

Бунда йирик иқтисодиётларда, жумладан, АҚШ ва Японияда фискал қўллаб-қувватлаш дастурларининг амалга оширилиши кутилаётганлиги ҳамда Европа иттифоқи томонидан “Next Generation EU” қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида йирик миқдордаги пул маблағларининг иқтисодиётга киритилиши глобал иқтисодий фаолликнинг тикланишини тезлаштириши кутилмоқда.

Шунингдек, ХВЖ прогнози бўйича Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида ҳам иқтисодий ўсишнинг ижобий шаклланиши, хусусан:

- **Россияда** 2021 йилда аҳолини оммавий вакцинация қилишни бошланиши ҳамда жаҳон бозорида нефтга бўлган талабнинг ошиши шароитида иқтисодий ўсиш 3,8 фоизгача тезлашиши ҳамда 2022 йилда ҳам 3,8 фоизга ўсиши;

- дунёнинг йирик иқтисодиётларида фаолликнинг яхшиланиши, иқтисодий ўсишни оширишга қаратилган фискал чораларнинг давом

этирилиши ҳисобига ташқи ва ички талабнинг ошиши натижасида **Хитойда** 2021 йилда ЯИМ ҳажми 8,4 фоизга, 2022 йилда 5,6 фоизга ўсиши;

- **Туркиянинг** асосий савдо ҳамкор мамлакатларидаги иқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши, туризм соҳасининг тикланиши ҳамда пандемиянинг салбий таъсирини камайтиришга қаратилган фискал чораларнинг давом этирилиши ҳисобига 2021 йилда иқтисодий ўсиш 6 фоизни ҳамда 2022 йилда 3,5 фоизни ташкил этиши;

- **Қозоғистонда** нефтга талабнинг ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, коронакризис таъсирида вақтинчалик тўхтатилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида 2021 йилда мамлакат иқтисодиёти 3,2 фоизга, 2022 йилда 4,0 ўсиши прогноз қилинмоқда.

Глобал иқтисодиётнинг тикланиши билан бирга пандемия билан боғлиқ ноаниқликларнинг сақланиб қолаётганлигини ҳамда ички шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистонда 2021-2023 йилларда макроиқтисодий ривожланишнинг 3 хил – асосий, тезкор иқтисодий тикланишга (оптимистик), ва ташқи иқтисодий хатарлар кучайишига (хатарли) асосланган сценарийлари ишлаб чиқилди.

Хусусан, макроиқтисодий ривожланишнинг асосий сценарийсида 2021 йилда иқтисодий ўсиш 4,5-5,5 фоизни, 2022 йилда эса 5-6 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Мазкур ҳисоб-китоблар республикада пандемия билан боғлиқ вазиятнинг босқичма-босқич яхшиланиб бориши, ташқи савдо ҳамкорларидаги иқтисодий фаолликнинг бир маромда тикланиши, олтин нархининг барқарор, секин суръатларда пасайиб бориши шароитларини инобатга олган ҳолда амалга оширилган.

Хатарли сценарийда макроиқтисодий ҳолат жаҳонда пандемия билан боғлиқ вазиятнинг кескинлашиб бориши натижасида глобал “локдаун” 2021-2022 йилларда ҳам давом этиши, асосий савдо ҳамкорлари иқтисодиёти тикланишининг секинлашиши ҳамда хавфсиз инвестицион актив сифатида олтин нархининг ошиб бориши шароитлари шаклланиши кўзда тутилган бўлиб, 2021 йилда иқтисодий ўсиш 0-1,5 фоиз, 2022 йилда 3-4,5 фоиз оралиғида бўлиши прогноз қилинмоқда.

1.3. Инфляциян жараянлар ва кутилмалар


2020 йилда мамлакатимизда инфляция даражаси коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз, ички ва ташқи шароитларнинг салбий шаклланиши, ялпи талаб ва таклиф тебранишларининг бир пайтда юзага келиши ҳамда асосий озиқ-овқат таклифидаги маълум бир узилишлар фониди шаклланиб борди.

Йил давомида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси пасаяувчи тенденцияга эга бўлди ва йил якуни бўйича **11,1** фоизни ташкил этиб, Марказий банк прогноз коридорининг қуйи чегарасига яқин даражада шаклланди.

Шунингдек, иқтисодиётдаги инфляция даражасининг муқобил кўрсаткичлари – ЯИМ дефлятори ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси кўрсаткичлари 2019 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайди. Хусусан, ЯИМ дефлятори 2020 йил якуни бўйича **11,9** фоизгача (2019 йилда 18,6 фоиз), ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси эса **7,1** фоизгача (2019 йилда 28,2 фоиз) пасайди.

1.3.1-чизма

Инфляция кўрсаткичлари динамикаси
(ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда)




Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

2020 йилнинг I ярим йиллигида инфляциянинг шаклланишида озиқ-овқат ва бирламчи эҳтиёж товарларига бўлган юқори талаб, 2019 йилги тартибга солинадиган нархлар ошиши иккиламчи таъсирининг сақланиб қолиши, апрель ойидаги миллий валюта курсининг девальвацияси ҳамда июнь ойида мева ва сабзавотлар нархлари мавсумий пасайишининг кутилганидан кўра секинроқ юз берганлиги каби омиллар муҳим ўрин тутди.

1.3.2-чизма

**Йиллик инфляция ва базавий инфляция динамикаси,
ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоби

Жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат нархларининг ошиши, мавсумий ҳамда август ойи якунидаги карантин чораларининг юмшатилиши натижасида кечиккан талаб 2020 йил II ярим йиллигида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

2020 йилда **озиқ-овқат маҳсулотлари** нархлари ўсиши умумий инфляция даражасидан сезиларли даражада юқори шаклланиб, йил якуни бўйича **15,3** фоизни ташкил этди. Бунда умумий инфляция даражасининг **6,5** фоиз банди озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўзгариши ҳисобига содир бўлди.

Ҳисобот йилида картошка нархи – 42 фоизга, тухум – 38 фоизга, мой ва ёғлар – 27 фоизга, шакар – 21 фоизга, гўшт маҳсулотлари – 18,1 фоизга ва нон маҳсулотлари – 15,2 фоизга кўтарилди. Бу ўз навбатида, жаҳон бозорларида ушбу маҳсулотлар нархларининг ошиши ҳамда ички бозорда таклиф омилларининг қисқариши билан изоҳланади.


Хусусан, ёғ маҳсулотлари нархининг ўсиши асосий хомашёсини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи давлатларда қурғоқчилик бўлганлиги натижасида кунгабоқар ишлаб чиқариш ҳажмининг камайганлиги билан боғлиқ.

Картошка нархининг юқори даражада ўсиши, асосан, пандемия сабабли аҳоли томонидан картошка маҳсулотига юқори талабнинг сақланиб

қолганлиги, ёз мавсумида бозорларда эски ва янги ҳосил орасидаги узилиш даврида таклифнинг қисқариши билан изоҳланади.

1.3.3-чизма

ИНИ асосий таркибий қисмлари динамикаси,
ўтган йилнинг мос ойига нисбатан, фоизда



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2020 йилда **ноозиқ-овқат маҳсулотлари** нархларининг йиллик ўсиш суръати 2019 йилдаги кўрсаткичга (10,9 фоиз) нисбатан пасайиб, **8,8** фоизни ташкил этди. Хусусан, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархи ҳисобот йилининг I ярим йиллигида барқарор даражада шаклланиб, август ойида ўзининг сўнгги уч йилдаги минимал кўрсаткичи – 8 фоизгача пасайди.

Пандемия шароитида **дори-дармон воситаларига** бўлган талабнинг ортиши ҳисобига II чорақдан бошлаб ушбу маҳсулотлар нархида ўсувчи тенденция кузатилди ва йиллик ўсиш **13,3** фоизни ташкил этди. Ноозиқ-овқат маҳсулотлари инфляцияси ошишига **кийим-кечак маҳсулотлари** (8,6 фоиз) ҳамда **қурилиш материаллари** (11,2 фоиз) нархлари ошиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Қурилиш материаллари нархининг юқори суръатларда ўзгариши, асосан, III чорақка (август ойига) тўғри келиб, карантин чекловларининг юмшатилиши натижасида қурилиш соҳасидаги кечиккан талабнинг юзага чиқиши билан боғлиқ.

Ҳисобот йилида истеъмол нархлари индекси саватининг **хизматлар гуруҳида** инфляция **7,1** фоизни (2019 йилда 15,2 фоиз) ташкил этиб, ўзгарувчан динамикага эга бўлди.


Хусусан, январь ойида хизматлар инфляцияси йиллик **15** фоизни ташкил этиб, 2019 йилдаги тартибга солинадиган нархлар оширилиши таъсирининг камайиб бориши ҳисобига йил давомида пасаяувчи тенденция ҳосил қилди. Бунда ушбу гуруҳ инфляциясига **коммунал хизматлар** (совуқ ва иссиқ сув) тарифларининг оширилиши ҳамда карантин даврида **транспорт хизматлари** нархининг қимматлашиши оширувчи босим кўрсатди.

Инфляцион кутилмалар

2020 йилда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ўзгарувчан тенденцияни ҳосил қилди. Март ойида карантин чекловларининг жорий қилиниши натижасида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин ошиши сабабли аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари сезиларли даражада ошди.

1.3.4-чизма

Инфляцион кутилмалар динамикаси, йиллик ўзгариши фоизда



Манба: Марказий банкнинг инфляцион кутилмалар сўровлари асосида ҳисоб-китоблари

2020 йилнинг апрель-август ойларида аҳоли ва бизнес субъектларининг инфляцион кутилмалари кескин тебранишлардан сўнг сентябрь-декабрь ойлари давомида барқарор тенденцияга эга бўлди. Бунда инфляцион кутилмалар умумий инфляциядан сезиларли даражада юқори шаклланди.

Шунингдек, ҳисобот йилининг IV чораги давомида энергия таъминотида кузатилган узилишлар натижасида тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари аҳолининг инфляцион кутилмаларига нисбатан бироз юқори даражада шаклланди.

Хусусан, 2020 йилнинг декабрь ойида аҳолининг инфляцион кутилмалари 17 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1 фоиз бандга пасайган бўлса, тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришсиз сақланиб қолди ва 18 фоизни ташкил этди.

2020 йилда ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар томонидан келгуси даврларда нархларнинг ўсиши, асосан, миллий валюта курсининг қадрсизланиши, пандемия таъсири ҳамда монопол товарлар ва хизматлар нархларининг қимматлашиши билан боғлиқ бўлиши қайд этилди.

1.3.1-жадвал

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларининг омиллари, иштирокчилар улуши, фоизда

Аҳоли инфляцион кутилмаларининг омиллари	2020 йил								Тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларининг омиллари
	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ	I чорақ	II чорақ	III чорақ	IV чорақ	
Алмашув курсининг ошиши	56	55	45	45	57	63	51	49	Алмашув курсининг ошиши
Коронавирус таъсири	-	65	57	36	-	64	58	34	Коронавирус таъсири
Монопол нархлар ошиши	-	40	33	30	-	42	38	32	Монопол нархлар ошиши
Рақобат муҳитининг ёмонлашиши	15	36	28	23	16	41	33	24	Рақобат муҳитининг ёмонлашиши
Мавсумий омиллар	23	21	20	22	22	16	20	23	Мавсумий омиллар
Айрим товарлар импорти чекланиши	15	35	26	21	17	36	26	22	Айрим товарлар импорти чекланиши
Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши	14	31	23	17	26	22	18	18	Солиқ юкининг оширилиши
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	56	11	13	16	17	31	24	18	Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши
Солиқ юкининг оширилиши	20	16	13	15	28	25	20	16	Транспорт харажатлари ошиши
Транспорт харажатлари ошиши	22	20	19	15	45	11	13	15	Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши
Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши	37	14	12	13	42	17	13	14	Энергия ресурслари ва коммунал хизматларнинг қимматлашиши
Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши	12	14	11	11	13	12	9	11	Аҳолини кредитлаш ҳажмининг ошиши

Манба: Марказий банкнинг инфляцион кутилмалар сўровлари асосида ҳисоб-китоблари

Пандемия билан боғлиқ чекловларнинг босқичма-босқич юмшатиб борилиши натижасида айрим товарлар ва хизматлар импортига жорий қилинган чекловларни ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми камайишини келгусида нархлар ошишининг асосий омиллари сифатида қайд этган аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари улуши камайиб борди.

1.4. Тўлов баланси ва ташқи қарз таҳлили


2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси пандемия таъсирида глобал иқтисодий фаолликнинг секинлашиши, ички ва ташқи бозорлардаги ўзгаришлар ҳамда молиявий хатарларнинг ортиши шароитида шаклланиб борди.

Тўлов баланси статистикасини шакллантириш ҳамда эълон қилиш Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) методологиясига (ТБҚ-6, 2009 й.) мувофиқ амалга оширилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил якуни бўйича тўлов баланси **жорий операциялар ҳисобининг манфий сальдоси** 2019 йилга нисбатан 7 фоизга қисқариб, **3,1 млрд. АҚШ долларини** ёки ЯИМга нисбатан **5** фоиз доирасида шаклланди.

1.4.1-чизма

Жорий операциялар ҳисоби динамикаси, млн. АҚШ долларида



Жорий операциялар ҳисоби манфий сальдосининг қисқариши Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари қаторига кирувчи номонетар олтин нархининг 2020 йилда юқори шаклланганлиги (2019 йилга нисбатан йиллик ўртача нархи 27,1 фоизга ўсган) ҳамда мамлакатга юборилган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг 2019 йил даражасида сақланиб қолганлиги билан изоҳланади.

Ҳисобот йилида товар ва хизматлар экспорти **14,5** фоизга камайиб, **14,5 млрд. АҚШ долларига**, товар ва хизматлар импорти эса **15,0** фоизга камайиб, **22,6 млрд. АҚШ долларига** тенг бўлди. Бунда товарлар экспорти

7,7 фоизга камайиб, **12,8 млрд. АҚШ** долларини, товарлар импорти эса **10** фоизга камайиб, **19,0 млрд. АҚШ** долларини ташкил этди.²

2020 йилда глобал эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви, мамлакатларда коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олишга қаратилган карантин чекловларининг жорий этилиши ҳамда темир йўл ва ҳаво транспортларида йўловчи ташиш хизматларининг тўхтатилиши натижасида туризм (саёҳат) билан боғлиқ халқаро хизматларнинг сезиларли даражада пасайиши кузатилди.

Хусусан, 2020 йилда халқаро хизматлар савдосининг манфий сальдоси **1,8 млрд. АҚШ** долларини (2019 йилдаги 2,3 млрд. АҚШ доллари) ташкил этди. Бунда хизматлар экспорти **45** фоизга камайиб, **1,7 млрд. АҚШ** долларини, хизматлар импорти эса **35** фоизга камайиб, **3,5 млрд. АҚШ** долларини ташкил қилди.

Тўлов баланси таркибида резидентларнинг хориждан олган **бирламчи даромадлари** 2019 йилга нисбатан **44** фоизга камайиб, 1,7 млрд. АҚШ долларини, норезидентларнинг **бирламчи даромадлари** бўйича тўловлар эса **14** фоизга қисқариб, 1,9 млрд. АҚШ долларини ва натижада бирламчи даромадларнинг манфий сальдоси **241 млн. АҚШ** долларини ташкил этди.

Мазкур манфий сальдо бирламчи даромадларнинг асосий манбаи (бирламчи даромадлар келиб тушишининг қарийб 91 фоизи) ҳисобланган қисқа муддатга хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида кетган Ўзбекистон фуқаролари томонидан олинган иш ҳақи кўринишидаги даромадларнинг **43** фоизга, норезидентларнинг Ўзбекистонга киритган инвестициялари, шу жумладан, жалб қилинган кредитлар ва қарзлар, шунингдек, Ўзбекистоннинг суверен облигациялари ва тижорат банкларининг евробондларидан олган даромадларининг (норезидентларга бирламчи даромадлари бўйича тўловларнинг 95 фоизи) **18** фоизга қисқариши ҳисобига шаклланди.

Ўз навбатида, иккиламчи даромадларнинг келиб тушиши 2019 йилга нисбатан **8** фоизга камайиб, **5,6 млрд. АҚШ** долларини, улар бўйича тўловлар эса **24** фоизга камайиб, **445 млн. АҚШ** долларини ҳамда **иккиламчи даромадларнинг** ижобий сальдоси **5,1 млрд. АҚШ** долларини ташкил этди.

Иккиламчи даромадларнинг ижобий сальдоси узоқ муддатли меҳнат мигрантларининг трансчегаравий пул ўтказмалари ҳисобига таъминланди. Бунда карантин чоралари ўрнатилиши муносабати билан жисмоний

² Шу жумладан, мокилик импорти, яъни резидент - жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонга сотиш мақсадида чет элдан олиб кирилган маҳсулотлар қиймати ҳисобга олинган (ХВЖнинг ТБҚ-6 методологиясига асосан)

шахсларнинг давлатлараро ҳаракатланиши билан боғлиқ чекловларнинг киритилиши натижасида нақд валюта оқимлари кириб келишининг камайиши, резидентларга келиб тушган трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми 2019 йил даражасида сақланиб қолишининг асосий сабабларидан бўлди.

Ҳисобот йилида жорий операциялар ҳисобининг манфий сальдоси асосан ташқи қарзлар ҳисобига молиялаштирилди. Хусусан, 2020 йилда **ташқи қарз бўйича мажбуриятларнинг соф ўсиши 9,2 млрд. АҚШ долларини** ташкил қилди. Бунда мажбуриятлар ортишининг **5,5 млрд. АҚШ доллари** давлат сектори, **3,7 млрд. АҚШ доллари** тижорат банклари ҳисобига тўғри келади.

“Тўлов баланси қўлланмаси”га (ТБҚ-6) мувофиқ ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг соф ўсиши ҳисобот йили якуни бўйича **1,7 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди.

2020 йилда ҳукумат томонидан **555 млн. АҚШ доллари** ва **2 трлн. сўмлик** ҳамда ТИФ Миллий банки ва Ипотека-банк томонидан ҳар бири **300 млн. АҚШ доллари** миқдоридagi евробондлар халқаро капитал бозорларида жойлаштирилиши ҳисобига **портфел инвестициялар бўйича соф мажбуриятлар 1,4 млрд. АҚШ долларига** етди.³

Ҳисобот йилида коронакризиснинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини юмшатиш ҳамда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини молиялаштириш учун янги қарзларнинг жалб қилиниши натижасида давлат ташқи қарзининг ўсиш тенденцияси кузатилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг **ялпи ташқи қарзи**⁴ 2020 йил бошига нисбатан **37** фоизга ёки **9,2 млрд. АҚШ долларига** ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига **33,8 млрд. АҚШ долларига** етди.


Ялпи ташқи қарзнинг **63** фоизи (21,3 млрд. АҚШ доллар) давлат сектори, **19** фоизи (6,3 млрд. АҚШ доллар) банк сектори, **13** фоизи (4,4 млрд. АҚШ доллар) энергетика сектори ҳамда **5** фоизи (1,8 млрд. АҚШ доллар) бошқа секторлар ҳиссасига тўғри келади.

³ Қимматли қозғаларнинг бозор нархларини инобатга олганда.

⁴ Давлат ва давлат томонидан кафолатланган ҳамда хусусий қарзни, шу жумладан қарз бўйича ҳисобланган фоизларни ўз ичига олади.

1.4.2-чизма


Ўзбекистон Республикасининг ялпи ташқи қарзи таркиби, фоизда



2020 йилда ялпи ташқи қарз таркибида давлат ташқи қарзи бўйича мажбуриятлар қолдиғи **34,5** фоизга ва банк сектори бўйича қарийб **2** баробарга кўпайган бўлса, энергетика секторидан **8,6** фоизга камайган.

1.4.3-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позицияси



2020 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг ялпи ташқи қарзи ЯИМга нисбатан **59** фоизни, жумладан, давлат ташқи қарзи ЯИМга нисбатан **37** фоизни ташкил қилиб, бунда, давлат сектори ва бошқа секторлар соф кредитор, банк сектори эса соф қарздор ҳисобланади.

Давлат сектори ва банк сектори томонидан ташқи қарзларнинг жалб қилинишига қарамадан, олтин нархининг юқори суръатларда ўсиши ҳисобига халқаро олтин валюта захираларининг ортиши натижасида соф инвестицион позициянинг яхшиланиши кузатилди.

II. 2020 ЙИЛДА БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ ВА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИ

2.1. Банк тизимининг молиявий барқарорлиги таҳлили

2020 йилда коронакризис таъсирида иқтисодий фаолликнинг пасайиши ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимлари қисқариши ҳамда тўлов қобилиятининг ёмонлашиши оқибатида кредитларни қайтармаслик билан боғлиқ рискларнинг кучайиши банк тизими молиявий барқарорлиги борасидаги хавотирларнинг ортишига сабаб бўлди.


Шу билан бирга, 2018-2019 йилларда банк тизимида капитал ва ликвидлик захираси бўйича макропруденциал буферлар шакллантирилганлиги коронавирус пандемияси даврида иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондиришга ҳамда молиявий барқарорлик кўрсаткичларини мақбул даражада сақлаб қолишга замин яратди.

Бунда банклар капиталлашув даражаси 2020 йил давомида **7,3 трлн. сўмга** ёки **14,3** фоизга ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига **58,4 трлн. сўмни**, устав капитали миқдори эса **2,8 трлн. сўмга** ёки **6,6** фоизга ошиб, **44,7 трлн. сўмни** ташкил этди.

Ҳисобот йилида банклар томонидан иқтисодиётга **127 трлн. сўм** миқдоридан кредитлар ажратилиб, кредит портфели қолдиғининг **31** фоизга ўсиши натижасида, банк тизими бўйича капитал монандлиги кўрсаткичи йил бошидаги **23,5** фоиздан 2021 йил 1 январь ҳолатига **18,4** фоизгача пасайди. Шунга қарамай, капитал монандлиги кўрсаткичининг ўрнатилган пруденциал меъёрга (13 фоиз) нисбатан юқори шаклланиши таъминланди.

2.1.1-чизма

Банк тизимида кредит портфели қолдиғи ўсишининг капитал монандлигига таъсири динамикаси




Капитал монандлиги кўрсаткичининг 5 фоиз бандга пасайиши, кредитлашнинг юқори суръатларда ўсиши натижасида активлар билан боғлиқ таваккалчилик даражаси суръатининг (42 фоиз) регулятив капитал ўсишига (11 фоиз) нисбатан юқори шаклланганлиги билан изоҳланади.

Капитал монандлиги кўрсаткичи давлат улуши мавжуд банкларда 6 фоиз бандга камайиб, **18** фоизни ташкил этган бўлса, хусусий банкларда эса ушбу кўрсаткич 1 фоиз бандга ошиб, **19** фоизга етди.

Бунда давлат улуши мавжуд банкларда капитал монандлиги кўрсаткичининг сезиларли пасайганлиги мазкур банкларда қўшимча капитални яратишга нисбатан кредитлашнинг жадалроқ суръатларда ўсганлиги билан изоҳланади.

2.1.2-чизма

Банк тизимида I даражали капитал монандлик кўрсаткичи динамикаси



Шунингдек, банкларнинг жорий фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашда асосий манба ва банкларнинг кутилмаган стрессларга бардошлилик даражасини кўрсатувчи **I даражали капитал монандлиги кўрсаткичи** банк тизими бўйича 2020 йил бошига нисбатан **4** фоиз бандга камайиб, ҳисобот санасида **15** фоизни ташкил этди (*ушбу кўрсаткич бўйича ўрнатилган меъёр 10 фоиз*).

Келгусида мазкур салбий ҳолатларнинг кучайишини олдини олиш мақсадида:

- ажратилган кредитларни устувор равишда аввал берилган кредитларнинг қайтиши ҳисобидан амалга ошириш орқали кредит

кўйилмалари ўсишининг ЯИМ номинал ўсиши доирасида шаклланишини таъминлаш;

- банклар томонидан 2020 йил якунлари бўйича олинган соф фойдани банклар капиталини оширишга йўналтириш орқали банкларнинг капитал буферини мақбул даражада сақлаб қолишга шароит яратиш;

- лойиҳаларни молиялаштиришда уларнинг самарадорлиги, кўшимча қиймат ва янги ишчи ўринлари яратиш имкониятларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда лойиҳа ташаббускорларининг камида **30** фоиз ўз маблағи билан иштирок этиш бўйича ўрнатилган талабга қатъий риоя этилишига эришиш;

- кредитлаш ҳажмини банкларнинг молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда уларнинг йиллик бизнес-режаларида белгилаб олиш ҳамда банк кенгашлари томонидан бизнес-режа параметрларини бажарилишини қатъий назоратга олиш каби макропруденциал чоралар кўриб борилади.

2020 йилда коронакризис туфайли 26,6 трлн.сўмлик кредит тўловлари муддатларининг кечиктирилиши, банклар томонидан жалб қилинган ташқи қарз бўйича мажбуриятларини ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш зарурияти Марказий банк томонидан банк тизими ликвидлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратишни тақазо этди.


Хусусан, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, банклар фаолиятида мажбуриятларнинг ижроси билан боғлиқ стресс ҳолатларда барқарор ликвидлиликни сақлаб қолиш чоралари кўриб борилди.

Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши 2020 йил якунлари бўйича йил бошига нисбатан 3 фоиз бандга ошиб, **14** фоизга етди. Мазкур ҳолат юқори ликвидли активлар ҳажмининг **19,5 трлн. сўмга** (63 фоизга) ошиши билан изоҳланади.

Юқори ликвидли активлар ҳажмининг кўпайиши активлар таркибида давлат қимматли қоғозларининг **2,1 трлн. сўмга** (2 баробарга ўсган), банк кассаларидаги нақд пулларнинг **3,2 трлн. сўмга** (49 фоизга), Марказий банкдаги маблағларнинг **2,5 трлн. сўмга** (17 фоизга), бошқа банклардаги маблағларнинг **8,3 трлн. сўмга** (98 фоизга) ошиши ҳисобига шаклланди.

Таъкидлаш жоизки, банкларда ликвидлилик ҳолати барқарорлигини таъминлашда давлат қимматли қоғозлари бозорининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этди. Миллий валютадаги юқори ликвидли активлар таркибида давлат қимматли қоғозлари улуши банк тизими бўйича 11 фоиздан **17** фоизга етди.


2.1.3-чизма

Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши, *фоизда*

Шунингдек, пандемия шароитида банкларнинг ликвидлилик ҳолатини қўллаб-қувватлаш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банкларини чақириб олинмайдиган кредит линиялари очиш орқали кредитлаш (белгиланган даврда тижорат банкларининг кредит олиш бўйича тақдим этилган аризалари Марказий банк томонидан тўлиқ қаноатлантириладиган кредитлар) амалиёти жорий этилиб, мазкур механизм доирасида тижорат банклари билан **3,4 трлн.** сўм миқдоридagi маблағларни ажратиш тўғрисида шартномалар имзоланди.

2.1.4-чизма

Энг йирик депозиторлар маблағларининг юқори активларга нисбати динамикаси*




*)Евробонд орқали жалб қилинган Молия вазирлиги депозит маблағлари чегирилган

Банкларда мақбул даражада ликвидлик буферлари яратиш чоралари энг йирик депозиторлар билан боғлиқ хатарларни пасайтиришга имкон берди. Хусусан, энг йирик депозиторлар маблағларининг юқори ликвидли активларга нисбати банк тизими бўйича 2020 йилда 42 фоиздан 35 фоизгача пасайди.

2.1.5-чизма

Ликвидлиликни қоплаш меъёри кўрсаткичи динамикаси




Банкларда юқори ликвидли активлар ҳажмининг ўсиш суръати 30 кунлик соф чикимлар ўсиш суръатларидан юқори шаклланганлиги ҳисобига банк тизими бўйича **ликвидлиликни қоплаш меъёри** ҳисобот йили бошига нисбатан 28 фоиз бандга ошиб, **107** фоизга (минимал талаб 100 фоиз) етди. Бошқача қилиб айтганда, банк тизимида **қисқа муддатли ликвидлилик** ҳолати мижозлар олдидаги мажбуриятларнинг эҳтимолий чиқиб кетишига бардошли эканлигини билдиради.

Банклар томонидан амалга оширилаётган узоқ муддатли молиялаштириш ҳажмига мос равишда барқарор манбаларни шакллантириш чораларининг ҳам кўриб борилиши банк тизимида **соф барқарор молиялаштириш меъёри** мақбул даражада сақланишини таъминлаб, барча валюталар бўйича **110** фоизни, миллий валютада **113** фоизни ҳамда хорижий валютада **107** фоизни ташкил этди.

2.1.6-чизма

Соф барқарор молиялаштириш меъёрий кўрсаткичи динамикаси



Келгусида, ҳар бир тижорат банкида ликвидлик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш ва тўловлар узлуксизлигини таъминлаб бориш мақсадида:

- банкларда мижозлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида бажариш ҳамда иқтисодиётда юзага келиши мумкин бўлган хатарларга банкларнинг бардошлилигини ошириш учун ҳар бир банкда босқичма-босқич **пул маблағлари захираларини шакллантириш;**

- банклар томонидан корпоратив кредитларни ажратишда эҳтиёткор кредит сиёсатини юритиш, шу жумладан, фақатгина аниқ молиялаштириш манбаларига эга мижозларга кредит ажратиш чоралари кўрилади.

Банкларнинг рентабеллик кўрсаткичлари


Ҳисобот йилида карантин чекловларига қарамай банк тизимининг узлуксиз фаолият юритиши, барча базавий банк хизматлари кўрсатилиши, хусусан, кредитлаш амалиётининг юқори суръатларда давом эттирилиши натижасида банкларнинг рентабеллик кўрсаткичлари ҳам ижобий шаклланди.

Хусусан, 2020 йилда тижорат банкларининг жами **соф фойдаси 5,6 трлн.сўмни** ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 21 фоизга ошди.

Натижада, банклар томонидан активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи **активлар рентабеллиги** кўрсаткичи 2020 йил якуни бўйича **2,2** фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич давлат банкларида **1,8** фоизга, хусусий ва хорижий банкларда эса **4,4** фоизга тенг бўлди.

2.1.7-чизма


Банк тизими активлари рентабеллиги динамикаси



Шунингдек, банк тизимида **капитал рентабеллиги** кўрсаткичи ҳисобот йилида 2019 йилдаги 13,8 фоиздан **10,3** фоизга пасайди. Бунда капитал рентабеллиги кўрсаткичи давлат банкларида **8,5** фоизга, хусусий ва хорижий банкларда **21** фоизга тенг бўлди.

2.1.8-чизма

Банк тизими капитал рентабеллиги кўрсаткичи динамикаси



Давлат банклари ва хусусий банкларнинг активлар ҳамда капитал рентабеллиги кўрсаткичлари орасидаги тафовутнинг юзага келиши банклар кредит портфелида имтиёзли шартлар асосида ажратилган кредитларнинг (жами кредит портфелдаги улуши 46 фоизи) асосий қисми (97 фоизи) давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келганлиги билан изоҳланади.


2.1.1. Банк тизимининг активлари ва мажбуриятлари сифати ҳамда улардаги таркибий ўзгаришлар

Марказий банк томонидан банк тизимининг молиявий ҳолати, активлар сифатининг ўзгариши доимий равишда стресс-тестлар ўтказиш орқали баҳоланиб, вужудга келиши мумкин бўлган хатарларнинг салбий таъсирини юмшатиш юзасидан зарур пруденциал чоралар кўриб борилди ва активлар сифатини мақбул даражада сақлаб қолинишига эришилди.

Хусусан, 2021 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит портфелининг **87** фоизи “стандарт”, **11** фоизи “субстандарт” ҳамда **2,1** фоизи “қоникарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” кредитлар сифатида таснифланган.

2.1.1.1-чизма

Тижорат банклари кредит портфелининг таснифланиши, *фоизда*



Шунингдек, пандемия даврида молиявий қийинчиликларга дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредит тўловлари муддатининг узайтирилиши натижасида банк тизимида муаммоли кредитлар улуши (90 кундан ортиқ муддатга кечиктирилган) **0,6** фоиз бандга ошиб, 2020 йил якуни бўйича **2,1** фоизни (5,8 трлн. сўм) ташкил этди.

Маълумот учун: Тижорат банклари кредит портфелида миқдорлар пул оқимларининг кескин камайиши натижасида потенциал муаммога айланиши мумкин бўлган кредитлар бўйича ўтказилган стресс-тест натижалари муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши бир неча баробар юқори бўлиш хатарлари (июнь ойи якуни стресс-тест натижалари бўйича – 8,1 фоиз, август – 7,4 фоиз) мавжудлигини кўрсатган.


Бунда жами муаммоли кредитларнинг **73** фоизи (4,2 трлн. сўм) тадбиркорлик субъектлари, **17** фоизи (961 млрд. сўм) жисмоний шахслар,

10 фоизи (586 млрд. сўм) давлат ва бюджет ташкилотлари ҳиссасига тўғри келди.

Жисмоний шахсларнинг муаммоли кредитлари таркибида ипотека кредитлари улуши **42** фоизни (405 млрд. сўм), истеъмол кредитлари **20** фоизни (194 млрд. сўм), микроқарзлар **14** фоизни (132 млрд. сўм), автокредитлар **7** фоизни (59 млрд. сўм) ташкил этди.

2.1.1.2-чизма

Муаммоли кредитларнинг ҳажми ва жами кредитлардаги улуши



2021 йил 1 январь ҳолатига муаммоли кредитларнинг таркибида иқтисодиёт тармоқлари кесимида саноатнинг улуши **28** фоизни, савдо ва умумий овқатланиш **13** фоизни, қишлоқ хўжалиги **11** фоизни, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш **8** фоизни, қурилиш **5** фоизни, транспорт ва коммуникация, моддий ва техник таъминотни ривожлантириш **1** фоизни ҳамда бошқа соҳаларнинг улуши **32** фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда банк тизими етарлича капитал захира билан таъминланган бўлиб, қўшимча **17** трлн. сўм ёки банк тизими кредит портфелининг **6,1** фоизи миқдорида кредитлар тўлиқ муаммога айланган тақдирда ҳам улар бўйича захира шакллантириш имкониятига эга.


Тижорат банклари кредит портфели сегментацияси

Тижорат банклари кредит қўйилмалари қолдиғи ҳисобот йили давомида 65 трлн. сўмга ёки 31 фоизга ўсиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 277 трлн. сўмга етди. Натижада, банклар кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати 2019 йилдаги 42 фоиздан 48 фоизгача ошди.

Кредит портфели таркибида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар улуши **20** фоизни, корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар эса **80** фоизни ташкил этди.

2.1.1.3-чизма


Кредит қўйилмаларининг тармоқлар ва кредит мақсадлари бўйича тақсимланиши, фоизда



Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг асосий қисми, яъни 46 фоизи **саноат** тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар бўлса, 13 фоизи **қишлоқ хўжалиги**, 12 фоизи **транспорт ва коммуникация**, 9 фоизи **савдо ва умумий овқатланиш**, 3 фоизи **қурилиш** ҳамда 17 фоизи бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.1.4-чизма

Аҳолига ажратилган кредит қўйилмаларининг таркиби, фоизда



Ўз навбатида, кредит қўйилmalarининг 42 фоизи асосий воситалар харид қилиш, 17 фоизи айланма маблағларни тўлдириш, 3,6 фоизи Ҳукуматнинг айрим қарорлари асосида берилган кредитлар, 20 фоизи жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар ҳамда 17 фоизи бошқа мақсадлар учун ажратилган.


Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 54,9 трлн. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан **1,4** баробарга, хусусан, ипотека кредитлари **1,4** баробарга, микроқарзлар **1,8** баробарга, истеъмол кредитлари қолдиғи **1,2** баробарга ошди.

Аҳолига ажратилган кредитлар қолдиғи таркибида ипотека кредитлари 51,6 фоизни, автокредитлар 14,1 фоизни, микроқарзлар 10,5 фоизни, истеъмол кредитлари 8,2 фоизни ҳамда бошқа чакана кредитлар 15,7 фоизни ташкил этди.

2020 йилдан тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида кредитлаш механизмининг жорий этилиши натижасида **имтиёзли кредитларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши** ҳисобот йилида 2019 йилдаги 58 фоиздан **46** фоизгача пасайди.

2.1.1.5-чизма


Тижорат банклари кредит портфели таркибида имтиёзли кредитлар улуши



Банклар кредит портфелининг долларлашув даражаси ҳисобот санасига **50** фоизни ташкил этиб, долларлашувнинг нисбатан юқори кўрсаткичлари **Ўзсаноатқурилишбанк** (69 фоиз), **Ўзмиллийбанк** (68 фоиз), **Асака банк** (66 фоиз) ҳамда **Туронбанкда** (62 фоиз) шаклланган.

2.1.1.6-чизма

Банк тизими кредит портфели долларлашув даражаси динамикаси



Келгусида банкларнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш мақсадида тижорат банклари хорижий валютада маблағлар жалб қилишда эҳтиёткор сиёсат юритиши ҳамда кредитлашнинг асосий қисмини миллий валютада амалга ошириш бўйича чоралар кўриб борилади.

Тижорат банклари мажбуриятлари ва улардаги таркибий ўзгаришлар

2020 йилда банк тизимининг жами мажбуриятлари **86 трлн. сўмга** ёки **39** фоизга ўсиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига **308 трлн. сўмни** ташкил этди. Ушбу ўсиш бошқа молиявий инструментлардан кредит линияларининг **46,5 трлн. сўмга** (44 фоиз), депозитларнинг **23,7 трлн. сўмга** (26 фоиз) ҳамда тижорат банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг **6,7 трлн. сўмга** (2,3 баробар) ортиши билан изоҳланади.

Банк тизими мажбуриятлари таркибида жалб қилинган депозитлар 2021 йил 1 январь ҳолатига **115 трлн. сўмни** (жами мажбуриятларнинг 37,3 фоизи) ташкил этиб, шундан **24** фоизи ёки **27 трлн. сўми** аҳоли омонатлари ҳисобига тўғри келади.

Жалб қилинган депозитлар таркибида талаб қилиб олингунча депозитлар улуши 39 фоиздан **43** фоизгача, 3 ойгача депозитлар улуши 10 фоиздан **11** фоизгача ошган бўлса, 3 ойдан 1 йилгача депозитлар улуши 19 фоиздан **18** фоизгача ҳамда 1 йилдан юқори депозитлар улуши 32 фоиздан **28** фоизгача пасайди.

2.1.1.1-жадвал

Тижорат банклари депозитларининг муддат ва валюта турлари бўйича тақсимланиши


	Жами	Депозитлар қайтариш муддатига кўра							
		Талаб қилиб олингунча		3 ойгача		3 ойдан 1 йилгача		1 йилдан юқори	
		сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда	сумма	улуши, фоизда
01.01.2020 й.	91 009	35 189	39	8 937	10	17 373	19	29 511	32
миллий валютада	51 040	20 827	41	5 778	11	10 774	21	13 661	27
хорижий валютада	39 969	14 362	36	3 159	8	6 598	17	15 849	40
01.01.2021 й.	114 747	49 153	43	12 831	11	21 207	18	31 556	28
миллий валютада	65 318	28 578	44	8 267	13	14 068	22	14 406	22
хорижий валютада	49 429	20 575	42	4 563	9	7 140	14	17 151	35

2020 йилда аҳоли омонатлари ҳажми 6,4 трлн. сўмга ёки 30,2 фоизга ошиб, 27,4 трлн. сўмга етди. Аҳоли омонатларининг ошиши асосан миллий валютадаги омонатларнинг 4,1 трлн. сўмга (32 фоиз) ошиши ҳисобига шаклланди.

Йирик давлат банклари томонидан кредитлаш манбаини шакллантиришда асосан ташқи манбаларга таянилиши банк тизимида долларлашув даражасини ошириши билан бир қаторда уларнинг **ташқи омилларга таъсирчанлик хавфини ҳам оширмоқда.**

2.1.1.7-чизма

Банклар томонидан жалб қилинган хорижий кредитлар, млн.АҚШ долл.



2020 йилда банклар томонидан жами **4,3** млрд. АҚШ долларлик (2019 йилга нисбатан 3,4 баробарга кўп), шу жумладан, **1,6** млрд. АҚШ долларлик бир йилгача бўлган қисқа муддатли хорижий кредитлар жалб этилган.

2.1.1.2-жадвал

Тижорат банкларининг хорижий валютадаги мажбуриятлари таркиби ўзгариши

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.	Улуши, фоизда	01.01.2021 й.	Улуши, фоизда
Хорижий валютадаги ресурслар	64 663	100	100 332	100
<i>шундан,</i>				
депозит маблағлари	372	0,6	1 745	1,7
хорижий кредитлар	64 291	99,4	98 586	98,3
<i>ҳукумат кафолати остида жалб этилган</i>	<i>36 967</i>	<i>57,2</i>	<i>33 541</i>	<i>33,4</i>
<i>банклар томонидан тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий кредитлар</i>	<i>27 324</i>	<i>42,3</i>	<i>65 046</i>	<i>64,8</i>

Натижада, жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий кредитлар қолдиғи йил бошига нисбатан **2,2** баробарга ошиб, **6,2** млрд. АҚШ долларга етган бўлса, шундан қисқа муддатли хорижий кредитлар қолдиғи **3,8** баробарга ўсиб, **1,4** млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Банклар томонидан фаол тарзда тўғридан-тўғри хорижий кредитларни жалб этилиши натижасида тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий кредитларнинг жами хорижий кредитлардаги улуши 2019 йилдаги 42,3 фоиздан **64,8** фоизгача ошган бўлса, ҳукумат кафолати остида жалб этилган хорижий кредитлар улуши 57,2 фоиздан **33,4** фоизгача камайган.

2.1.2. Пандемиянинг банк тизимига таъсири ва тизимнинг инқирозларга қарши бардошлилигини ошириш бўйича қўрилаётган чоралар

2020 йилда коронакризиснинг банк тизими молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш, хусусан, банкларда кредит ва ликвидлилик хатарлари ортишини олдини олиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, кредит рискинни камайтириш мақсадида карантин чекловлари ўрнатилган даврда (2020 йил март-сентябрь ойлари) молиявий қийинчиликларга дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 26,6 трлн. сўмлик кредит тўловлари муддатини **2020 йилнинг 1 октябрига қадар** узайтириш бўйича тижорат банкларига кўрсатмалар берилди.

Бунда тижорат банкларига аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларни қайтариш имкониятларини ҳар бир мижоз билан биргаликда тўлиқ ва пухта ўрганиб чиқиш асосида қарздорнинг пул оқими кредитнинг:

- асосий қарзини тўлашга етмаган тақдирда, кредит шартномасининг охириги муддатини мос даврга кечиктириш;

- асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлашга етмаган тақдирда, кредит бўйича асосий қарзни ва ҳисобланган фоизларни тўлов муддати узайтирилган даврга мос равишда узайтириш бўйича томонларнинг келишувига кўра, кредит шартномасига ўзгартириш киритиш;

- тўлов муддати узайтирилган кредитларнинг ҳисобини баланснинг “шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ҳисобварағи”га ўтказмасликка, ушбу кредитлар таснифини ёмонроқ тоифага ўзгартирмасликка ва улар бўйича қўшимча захира шакллантирмасликка рухсат бериш;

- кредитлар бўйича кредит тўловлари муддати кечиктириб тўланганда жарима санкциялари (пеня) қўлламаслик ҳамда кредит қарздорлигини таъминотга қаратмаслик юзасидан тегишли тавсиялар берилди ҳамда зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кредит муддатини узайтириш борасидаги тартиб Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали кенг жамоатчиликка етказилиши таъминланди.

Карантин даврида аҳолининг эркин ҳаракатланиши чекланганлигини инобатга олган ҳолда, банкларда кредит тўловлари муддатини узайтириш бўйича юбориладиган мурожаатларни масофавий қабул қилиш тизими (жумладан, веб-сайт, интернет-банкнинг, мобил илова, call-марказ ва бошқалар орқали) жорий этилди.

Шунингдек, тижорат банкларига мижозлар томонидан банкка кредит тўловлари бўйича мурожаат қилинганда, қўшимча ўрганиш талаб этилмайдиган мурожаатларга ҳам тезкор тарзда жавоб бериш амалиёти жорий этилди.

Карантин қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида аҳолининг кредитлар бўйича навбатдаги тўлов муддатларини узайтириш банклар томонидан шартномаларга бир томонлама ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилди.

2020 йилнинг 1 октябрга қадар банклар томонидан жами **2,2 млн.** та шартнома бўйича **26,6 трлн.** сўмлик, шундан **105** мингта тадбиркорлик субъектларининг **21,4 трлн.** сўмлик ва **2,1 млн.** нафар

фуқаронинг **5,1 трлн.** сўмлик кредит тўлови муддатлари узайтирилди (*кредит портфели таркибида муддати узайтирилган кредитлар қолдиги 43 фоизни ташкил этган*). Бунда мазкур кредит тўловлари бўйича узайтириш устувор равишда меҳмонхона, транспорт ва логистика хизматлари соҳасига ҳамда асосий ҳамкорлари коронавирус тарқалиш даражаси юқори бўлган давлатларда бўлган корхоналарга қаратилди.

Банк тизимининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадида банкларнинг молиявий ҳолати, шу жумладан, ликвидлигини доимий равишда **стресс-тестлар ўтказиш** орқали коронавирус пандемияси натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олиш чоралари кўрилди.

Марказий банк ва тижорат банкларининг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан ҳудудларда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини жойларга чиққан ҳолда мижозбай ўрганиб чиқиш ва уларнинг фаолиятини тиклаш ишлари ташкил этилди.

Карантин чоралари оқибатида қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг рўйхати шакллантирилди ва пул оқимлари асосида уларнинг молиявий ҳолатининг ўзгариши кунлик мониторингга олинди.

Пул тушуми кескин камайган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида банклар томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун **31 трлн.** сўмдан ортиқ қисқа муддатли кредитлар ажратилди.


2020 йил якуни бўйича амалга оширилган ишлар натижасида жами **204** мингта тадбиркорлик субъектларининг пул тушумлари карантинга қадар бўлган даврдаги ҳажмга етказилган ҳолда тикланди. Натижада, корхоналар пул тушумларининг тикланиш даражаси **94** фоизга етди.

2.1.3. Давлат дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати

Кичик тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлар


2020 йилда кичик тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 281 мингдан ортиқ лойихага жами **48,4 трлн.** сўм кредит маблағлари ажратилди.

2.1.3.1-чизма

Кичик тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар, млрд.сўмда

Шу билан бирга, 2020 йилда хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг қарийб **17** мингта лойиҳасини молиялаштириш учун **2,9** млрд. АҚШ доллари (2019 йилда: 2,1 млрд. АҚШ доллари, 12 мингта лойиҳа) миқдоридан, жумладан, **тўғридан-тўғри** (давлат кафолатисиз) жалб қилинган маблағлар ҳисобидан **14** мингтадан ортиқ лойиҳага **2,5** млрд. АҚШ доллари (84 фоиз) миқдоридан (2019 йилда: 1,57 млрд. АҚШ доллари, 74 фоиз) кредитлар ажратилди.

2.1.3.2-чизма

2020 йилда хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши

Мазкур кредит маблағларининг **1 925** млн. АҚШ доллари (65 фоиз) саноат соҳасига, **479** млн. АҚШ доллари (16 фоиз) қишлоқ хўжалиги соҳасига, **291** млн. АҚШ доллари (10 фоиз) савдо ва умумий овқатланиш соҳасига ҳамда **255** млн. АҚШ доллари (9 фоиз) хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилди.

Жаҳон бозорида маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва шу орқали мамлакатнинг экспорт ҳамда янги бозорларга кириб бориш имкониятини кенгайтириш мақсадида экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан ҳар бир экспортёр корхона билан манзилли ишлаш тизими йўлга қўйилди.

Хусусан, 2020 йилда республикадаги экспортёр корхоналарга қарийб **4,5** мингга яқин кредит шартномаси бўйича жами **24,7 трлн.** сўмлик кредит маблағлари ажратилди, шундан **7,7 трлн.** сўми айланма маблағларни тўлдириш учун йўналтирилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳолати

2020 йилда Марказий банк томонидан “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида тижорат банклари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши тизимли равишда мониторинг қилиб борилди.

Бу борада, асосий эътибор, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида янги иш ўрни яратадиган, маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширадиган кичик лойиҳалар ҳамда аҳолини (оилаларни) бандлигини таъминлаш ва доимий даромад манбаларини шаклланишига хизмат қиладиган йўналишларга кредитлар ажратишга қаратилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида сўнгги 3 йил давомида жами **15,7 трлн.** сўмдан кўп имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу орқали **633** мингдан зиёд оилалар тадбиркорликни йўлга қўйиб, даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланишига замин яратилди. Бошқача қилиб айтганда, республика бўйича ўрта ҳисобда **ҳар минг хонадоннинг 94** таси ушбу дастурлар доирасида ўз тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйди.

Ҳудудлар кесимида давлат дастурлари доирасида хонадонлар камров даражасининг нисбатан юқори кўрсаткичи Навоий (*мингта хонадоннинг 230 таси*), Наманган (*207 та*), Сирдарё (*162 та*) ва Жиззах (*124 та*) вилоятларида кузатилди.

2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **215** мингта лойиҳага жами **6,1 трлн.** сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Жумладан:

- “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида **184** мингга яқин аҳоли

ва тадбиркорлик субъектларига жами **4,8 трлн. сўм**;

- ҳунармандчиликни ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини кенгайтириш, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурлар доирасида **25** мингга яқин лойиҳаларга **785,7 млрд. сўм**;


- ёшларнинг бизнес ташаббуслари ва лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси маблағлари ҳисобидан **1 818** та лойиҳага **427,8 млрд. сўм**;

- хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш мақсадларига Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан **4 615** та лойиҳага **95,7 млрд. сўм** миқдорида кредитлар берилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган кредитларнинг **2,5 трлн. сўми (41 фоизи)** юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, **3,6 трлн. сўми (59 фоизи)** ўзини-ўзи банд қилувчи жисмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

2.1.3.3-чизма

2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар, млрд.сўмда



2020 йилда мазкур дастурлар доирасидаги кредитларнинг 40 фоизи Агробанк, 36 фоизи Халқ банки ва 24 фоизи Микрокредитбанк томонидан ажратилган.

Коронавирус пандемияси сабабли молиявий қийинчиликка дуч келган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг дастурлар доирасидаги **1,1 трлн. сўмлик** кредитларининг тўлов муддати 6 ойга (2020 йил 1 октябрга қадар) узайтирилди.

Бундан ташқари, жойлардаги ўрганишлар ва мониторинг натижаларидан келиб чиқиб, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратиш ҳамда уларга кредит ажратишни соддалаштириш мақсадида:


- маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчи таъминотчилар рўйхатини тасдиқлаш (*насли чорва молларидан ташқари*) амалиёти бекор қилинди;

- кредитларни ажратишга туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказларининг хулосалари қабул қилиниши етарли деб белгиланди.

2020 йилнинг март-сентябрь ойлари давомида мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар кучайтирилган бўлсада, дастурлар доирасида молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг мавсумийлигини инобатга олган ҳолда уларни ўз вақтида кредитлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, май ойида 489,0 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, кредит ажратиш июнь ва июль ойларида бошқа ойларга нисбатан сезиларли даражада кўпайди.

2.1.3.4-чизма

2020 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг ўзгариши, ойлар кесимида, млрд.сўмда




Дастурлар доирасида ажратилган кредитларнинг **1,3 трлн. сўми** чорвачиликни ривожлантиришга, **1,9 трлн. сўми** ишлаб чиқариш соҳаларига, **1,3 трлн. сўми** иссиқхона ташкил этиш ва ривожлантиришга ҳамда **2,6 трлн. сўми** паррандачилик, боғдорчилик, қуёнчилик, ҳунармандчилик каби мақсадлар учун йўналтирилди.

Дастурлар доирасида ажратилиб, муаммога айланган кредитлар ҳажми 2021 йил 1 январь ҳолатига **179,8 млрд. сўми** ёки ушбу йўналишда ажратилган кредитларнинг 1,4 фоизини ташкил этди.

2.1.3.5-чизма

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитларнинг мақсадлари бўйича тақсимланиши, млрд.сўм



- “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида ажратилган кредитлар бўйича **144,9 млрд. сўм** (ушбу йўналишда ажратилган жами кредитлардаги улуши 1,5 фоиз);

- “Ёшлар – келажагимиз” дастури асосида ажратилган кредитлар бўйича **7,3 млрд. сўм** (0,5 фоиз);

- “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **4,3 млрд. сўм** (1,4 фоиз);

- “Бандликка кўмаклашиш жамғармаси” ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **1,7 млрд. сўм** (1,6 фоиз);

- “Маҳаллий ҳокимликлар хузуридаги жамғармалар” ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **3,2 млрд. сўм** (2,1 фоиз);

- “Ҳунармандчиликни ривожлантириш” бўйича **14,6 млрд. сўм** (2,3 фоиз);

- “Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш” жамоат фонди ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича **2,8 млрд. сўмлик** (1,2 фоиз) муаммоли кредитлар вужудга келган.

Шунингдек, ҳудудларда хизматлар соҳасини ривожланишига эришиш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4752-сонли қарори билан 100 млн. АҚШ доллари миқдоридаги ресурс маблағлари тижорат банкларига ажратилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан **3 160** та лойиҳага жами **1 трлн. сўмдан** ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми автомобилларга хизмат кўрсатиш (484 та лойиҳага 138 млрд. сўм), аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш (217 та лойиҳага 111 млрд. сўм), транспорт хизматларини ривожлантириш (127 та лойиҳага 72 млрд. сўм), сартарошхона ва гўзаллик салонларини ташкил этиш соҳаларига (247 та лойиҳага 51 млрд. сўм) йўналтирилган.

2.2. Банк тизимидаги трансформация жараёнлари

Ҳисобот йилида давлат банкларини трансформация қилиш, уларнинг фаолиятини бозор тамойиллари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта ташкил қилиш ҳамда банк тизимида хусусий капитал иштирокени кенгайтириш ва рақобат муҳитини кучайтириш борасида муҳим қадамлар ташланди.

Хусусан, 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 5992-сонли Фармони билан **2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизimini ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланди.**

Мазкур стратегияда банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш ва банк секторида давлат улушини камайтириш келгуси беш йилда банк тизimini ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди.

Ушбу йўналишлар доирасида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш ва банк тизимида давлат улушини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, банклар давлат иштироки сақлаб қолинадиган ва хусусийлаштириладиган банкларга ажратилди.

Бунда банк хизматларининг ҳудудий қамровини таъминлаш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш ҳамда аҳолининг молиявий хизматларга бўлган талабини қондириш мақсадида давлат иштироки 3 та банкда – Миллий банк, Агробанк ва Микрокредитбанкда сақлаб қолиниши белгиланди.

Ўз навбатида, Ипотека-банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Алоқабанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Туронбанкдаги давлат улуши 2 босқичда, хусусан, I босқичда банклар фаолиятини халқаро молия институтлари кўмагида трансформация қилиш ҳамда II босқичда давлат акциялари пакетини стратегик инвесторларга сотиш орқали хусусийлаштириш кўзда тутилган.

Трансформация жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Молия вазирлигига давлат иштирокидаги банкларнинг акциядори ҳуқуқи берилиб, унинг зиммасига банкларни трансформация қилиш жараёнини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Трансформация жараёнига халқаро молия институтлари ва соҳага ихтисослашган хорижий консултантларни фаол жалб этиш, давлат акциялари пакетини хусусийлаштиришга доир масалаларда халқаро молия институтлари ва хорижий инвесторлар билан музокаралар олиб бориш ва

битимлар тузилишини таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан Лойиҳа офиси ташкил этилди.

Бунда халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан давлат улушига эга тижорат банкларининг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда тегишли трансформация стратегияси ва “йўл харита”ларни ишлаб чиқиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилди.

Хусусан, **Халқаро молия корпорацияси** Ипотека-банк, Ўзсаноатқурилишбанк ва Туронбанкни, **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** Асака банк, Алоқабанк ва Ўзсаноатқурилишбанкни ҳамда **Осиё тараққиёт банки** Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Алоқабанкни трансформация қилишга жалб этилди. “PWC”, “KPMG”, “Deloitte” ва “McKinsey & company” каби халқаро консалтинг компаниялари эса Микрокредитбанк, Халқ банки ва Миллий банкда трансформация жараёнларини бошлади.

Банклар **фаолиятини бозор тамойиллари** асосида ташкил этиш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари билан биргаликда банклар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, корпоратив бошқарув ва риск-менежмент тизимини такомиллаштириш, уларнинг ташкилий тузилмаси ва бизнес-моделларини оптималлаштириш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Ипотека-банкда 5 нафар, Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Халқ банки ва Туронбанкда 4 нафардан, Агробанк, Қишлоқ қурилиш банк ва Микрокредитбанкда 3 нафардан ва Миллий банкда 1 нафар банк-молия соҳасида етук малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар банк кенгашига мустақил аъзо сифатида жалб этилди.

Шу билан бирга, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низом янги таҳрирда қабул қилиниб, тижорат банкларида бошқарув органларининг ваколатлари тақсимотини аниқ белгилаш, банк бошқаруви шаффофлигини ошириш ва банкни бошқариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган талаблар белгиланди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида банклар ахборот тизимларининг самарадорлигини, рақамли хизмат турларини жорий этиш имкониятларини баҳолаш ҳамда уларга боғлиқ рискларни аниқлаш орқали банкларда бизнес жараёнларни рақамлаштиришни жадаллаштириш мақсадида 9 та йирик давлат банкларида IT-аудити ўтказилди. IT-аудит натижасида банкларнинг

рақамли трансформациясини амалга оширишга қаратилган “йўл харита”лари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Regtech ва Supotech технологияларини татбиқ этган ҳолда тижорат банкларининг ҳисоботини қабул қилиш ва молиявий ҳолатини таҳлил қилиш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида Жаҳон банкининг техник кўмаги ва ушбу йўналишда банк тизими ходимларини ўқитишни ташкил этиш учун Осие тараққиёт банкининг техник кўмаги жалб этилди.

Ҳисобот йилида замонавий риск-менежмент тизимини жорий этишга қаратилган вазифалар доирасида банкларда андеррайтерлар гуруҳи ташкил этилди.

Шунингдек, банкларда ўтказилган комплекс таҳлил (Due diligence) натижалари асосида рискларни бошқаришга масъул бўлган таркибий бўлинма ва кўмитанинг ҳисобдорлиги ва ваколатларини кенгайтириш, банкларда турли сценарийлар бўйича доимий равишда стресс-тестларни ўтказишни йўлга қўйиш ҳамда Марказий банкнинг пруденциал меъёрларини ҳисобга олган ҳолда банкларда рискка мойилликнинг (“риск-аппетит”) чегараларини аниқ белгилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Ушбу йўналишда белгиланган ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро молия институтлари экспертларига қўшимча тарзда банклар томонидан индивидуал шартномалар орқали нуфузли хорижий банкларда фаолият юритган 5 нафар мутахассислар замонавий риск-менежментни ташкил этиш ишларига жалб қилинди.

2020 йилда Ипотека-банк ва Миллий банк томонидан халқаро молия бозорларида жами 600 млн. АҚШ долларлик халқаро облигациялар (евробондлар) қулай шартларда муваффақиятли жойлаштирилди. Бу ўз навбатида, мазкур банкларнинг ресурс базасини диверсификация қилиш ва давлат маблағларига бўлган қарамлигини камайтиришга хизмат қилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида Ипотека-банк билан имзоланган шартномага асосан трансформация жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқаро молия корпорацияси томонидан 35 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилиб, мазкур кредитлар трансформация якунида Ипотека-банк акцияларига конвертация қилинишига келишилди.

2021 йилда тижорат банкларида трансформация жараёнлари давом эттирилиб, Саноатқурилишбанк, Асака банк, Ипотека-банк, Алоқабанк, Туронбанк ва Қишлоқ қурилиш банкни хусусийлаштиришга тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилади ҳамда камида битта йирик банкдаги давлат улуши тўлиқлигича стратегик инвесторга сотилади.

2.3. Банк тизими инфратузилмаси

2.3.1 Фаолият юритаётган кредит ташкилотлари

2020 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 2 тага кўпайиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 32 тага етди. Уларнинг 13 таси капиталида давлат улуши мавжуд банклар, 14 таси хусусий банклар ҳамда 5 таси хорижий банк капиталига эга банклар ҳисобланади.

Банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида Грузия давлатининг йирик банкларидан бири “TBC Bank”нинг Тошкент шаҳрида “TBC Bank” акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини бошлади.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари филиаллари сони 861 тани, мини-банклар сони 356 тани, банк хизматлари кўрсатиш офислари сони 866 тани ҳамда туну-кун (24/7) ишлайдиган шохобчалар сони 1 452 тани ташкил этди.

Шунингдек, 2020 йилда 7 та микрокредит ташкилоти, 3 та ломбард, 20 та тўлов ташкилоти, 2 та тўлов тизими оператори, битта кредит бюроси ҳамда битта ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларига фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди ва рўйхатга олинди. Натижада, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотлари сони 127 тага (63 та микрокредит ташкилоти ва 64 та ломбард) ҳамда кредит бюрolari сони 2 тага етди.

2.3.2. Кредит ахборотининг давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти

2020 йилда кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада ривожлантириш, ундан фойдаланишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда ушбу тизимни янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Кредит ахбороти алмашинуви тизими ўз ичига Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри, “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси” МЧЖ ва “CRIF Кредит-ахборот хизматлари” кредит бюроси” МЧЖларни қамраб олади.

Бунда Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестри**да республикада банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилаётган операциялар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда.

Хусусан, иқтисодий фаолликнинг пасайишига қарамай, аҳолини ҳамда

хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашнинг давом эттирилиши натижасида 2020 йилда Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан **24,5** фоизга ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб 8 060 мингтани ташкил этди.

Бунда 2020 йилда маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони **18** фоизга ошиб, 4 318 мингтага етди. Мазкур ошишнинг 603,2 мингтаси ёки 91 фоизи кредитдан фойдаланувчи жисмоний шахслар сонининг 19,5 фоизга ўсиши ҳисобига шаклланди.


2020 йил якуни бўйича кредитдан фойдаланувчилар сонининг **85,8** фоизидан ортиғини жисмоний шахслар, **8,7** фоизини юридик шахслар ҳамда **5,6** фоизини яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади.

2.3.2.1-чизма

Кредит битимлари сони, минг дона

2.3.2.2-чизма

Кредитдан фойдаланувчилар сони, минг дона



2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлик мавжуд бўлган амалдаги кредит битимлари сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 фоизга ошиб, 3 269,9 мингтага, қарздорлар сони эса 17,8 фоизга ўсиб, 2 507,5 мингтага етди. Бунда амалдаги кредит битимларининг 77,3 фоизи давлат банклари ҳамда 22,7 фоизи хусусий ва хорижий банклар ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Кредит ахборотининг давлат реестрида мавжуд қарздорларнинг 1 978,9 мингтаси (79,3 фоизи) давлат банклари, 528,6 мингтаси (20,7 фоизи) эса хусусий ва хорижий банклар мижозлари ҳиссасига тўғри келади.

2020 йилда Кредит ахборотининг давлат реестридаги маълумотлар ва кредит ахборотини етказиб берувчилар томонидан тақдим этилаётган

ахборотларнинг сифатини ошириш мақсадида қўшимча электрон реквизит ва мантиқий назоратлар киритилди.

Реестр электрон базасидаги маълумотларнинг баланс кўрсаткичлари билан мувофиқлигини ҳамда кредитларга оид ахборотларнинг (тури, мақсади, молиялаштириш манбаси, фоиз ставкаси, таъминоти, тўлов графиги ва бошқалар) ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида реестр базаси маълумотлари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди.

Ҳисобот йилида коммунал ташкилотлар, давлат солиқ хизмати органлари, чакана савдо ташкилотлари билан ўзаро ахборот алмашиш тизими ва кредит ахбороти манбаларини кенгайтириш орқали Кредит бюроси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда кредит ахбороти маълумотларидан фойдаланувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси билан жисмоний шахсларнинг даромади ҳамда юридик шахсларнинг солиқларига оид маълумотлар бўйича ахборот алмашинуви йўлга қўйилди.

2020 йилнинг декабрь ойида Кредит бюроси томонидан иссиқлик ҳамда сув таъминоти ташкилотларидан истеъмолчилар – жисмоний ва юридик шахсларнинг коммунал қарздорликлари тўғрисидаги маълумотларини олиш амалиёти жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ФХДЁ, Пенсия жамғармаси, Uzcard, Нумо чакана тўлов тизими операторлари ҳамда мобиль операторлар билан ахборот алмашинувини тизимли йўлга қўйиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

2020 йилда Кредит бюроси ҳамда Мажбурий ижро бюроси (МИБ) ўртасида ахборот алмашинуви йўлга қўйилиб, МИБ маълумотлар базасидаги жисмоний шахсларнинг ижрога олинган барча қарздорликлари (*солиқлар, коммунал тўловлар, алиментлар, жарималар ва бошқалар*) тўғрисидаги маълумотларни олиш имкони яратилди.

Шу билан бирга, чакана савдо ташкилотлари учун кредит ахбороти алмашинуви бўйича соддалаштирилган дастурий таъминот (*КАТМ-Клиент*) ишга туширилди. Бунда фуқаролар (*потенциал қарздорлар*) томонидан чакана савдо ташкилотларидан (*ритейлерлардан*) товар ва хизматларни муддатли тўлов йўли (*рассрочка*) билан харид қилаётганда, чакана савдо ташкилотлари Кредит бюродаги ушбу фуқаро тўғрисидаги мавжуд маълумотларни (*Кредит тарихи, Скоринг КИАЦ, ИНПС ва бошқалар*) олиш ҳамда ушбу фуқаро бўйича ўзларидаги кредит тарихига оид маълумотларни Кредит бюрога тақдим этиш амалиёти жорий этилди.

Ҳисобот йилида “Кредит-ахборот таҳлилий маркази” кредит бюроси томонидан банк ва нобанк ташкилотларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жисмоний шахсларнинг охириги 12 ой мобайнида олган даромадлари (иш ҳақи) ҳамда кредит бюрода мазкур шахсларнинг кредит тарихи мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган янги кредит ҳисоботи жорий қилинди.

МҲХС-9 стандартларига мувофиқ, ташқи аудиторлик ташкилотлари томонидан тижорат банклари ва нобанк ташкилотларини аудит текширувидан ўтказишда уларнинг миждозлари (*қарздорлар*) бўйича ажратилган кредитларни қайтмаслик рискинни баҳолаш мақсадида ҳар бир миждознинг маълум бир санага кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш бўйича янги кредит ҳисоботи (*Скоринг балл*) йўлга қўйилди.

Кредит ташкилотлари томонидан кредит таваккалчилигини камаййтириш ва тўлиқ скоринг таҳлил қилиш мақсадида қарз юкини ҳисоблаш, шунингдек, кафил, қўшимча қарздор ва гаров эгаси тўғрисидаги маълумотларни Кредит бюросидан олиш амалиёти жорий қилинди ҳамда кредит ахборотини Кредит бюросига юбориш янада оптималлаштирилди.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ва молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш мақсадида Кредит бюроси томонидан Марказий банк билан ҳамкорликда фуқароларнинг банк хизматларидан фойдаланганда аҳамият беришлари лозим бўлган жиҳатларни ўз ичига олган “Истеъмолчи эслатмаси” ишлаб чиқилди ва барча кредит ахбороти фойдаланувчилари орқали аҳолига қўлланма сифатида тарқатилди.

2.3.3. Гаров реестри фаолияти

Ҳисобот йилида гаров реестри кредит, қарз бериш ва бошқа молиявий хизматларнинг сифатли кўрсатилишига ҳамда кичик бизнес субъектлари ва аҳолининг молия муассасалари билан ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қиладиган муҳим воситачи сифатида фаолият олиб борди.

Гаров реестри томонидан юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестридан фойдаланиш бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатилиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар юзасидан талаблар тўғрисидаги ёзувларнинг гаров реестрига ўз вақтида киритилиши бўйича имкониятлар кенгайтириб борилди ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан онлайн тарзда гаров реестрига мингтага яқин ёзувлар киритилиши таъминланди.

Марказий банк ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида имзоланган қўшма қарорга мувофиқ, суриштирув, дастлабки тергов ва судда

хатланган ҳамда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар тўғрисидаги ёзувлар гаров реестри маълумотлар базасига идоралараро ахборот узатиш тармоғида ҳимояланган алоқа каналлари орқали онлайн тарзда киритиб келинмоқда.

Ҳисобот йилида гаров реестри маълумотлар базаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг “Нотариат” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига, Ички ишлар вазирлигининг “Техпаспорт+права” тизими ягона интеграллашган базасига ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ягона интеграллашган базасига интеграция қилинди ва кредит ташкилотлари учун гаров реестри сайти орқали ушбу ахборот тизимларидан мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олиш ҳамда бирламчи бозордан олинган мол-мулк бўйича тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка тақиқ қўйиш ва тақиқдан чиқариш имконияти яратилди.

2020 йилда гаров реестридан фойдаланувчи ташкилотлар сони 102 тага кўпайиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига 386 тани ташкил этди. Бугунги кунда барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва Миллий гвардия, Давлат солиқ ва божхона хизмати органлари гаров реестрида шахсий кабинетларини рўйхатдан ўтказишган.

Гаров реестри тизимини янада ривожлантириш ва фаолият кўламини кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда фойдаланувчиларга яратилган кенг имкониятлар натижасида гаров реестри хизматларидан фойдаланиш даражаси ошиб бормоқда.

Хусусан, ҳисобот йилида фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган янги ёзувлар сони мамлакатимизда жорий қилинган карантин чекловларига қарамасдан 232,0 мингтани ташкил этган бўлса, тижорат банклари томонидан гаров реестри сайти орқали Адлия вазирлигининг “Нотариат” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига бирламчи бозордан олинган мол-мулк бўйича тузилган гаров шартномасига асосан гаровдаги мол-мулкка 35 мингга яқин тақиқ қўйилган ҳамда “Нотариат” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидан 3 мингдан ортиқ мол-мулк ҳолати (тақиқ бор ёки йўқлиги) тўғрисида маълумот олинган.

2021 йил 1 январь ҳолатига гаров реестрига киритилган жами ёзувлар сони 708 мингдан ошди ва ҳисобот йилида мавжуд ёзувларга 318 мингга яқин ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, 100 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган бўлиб, гаров реестрига киритилган ёзувларнинг 93,3 фоизи тижорат банклари томонидан, 5,9 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан ҳамда қолган қисми жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари томонидан киритилган. Фойдаланувчиларга ёзувлар бўйича гаров реестридан 4 мингга яқин кўчирмалар тақдим этилган.

2.3.4. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими

Аҳолининг банклардаги омонатларини ҳимоялаш - банк тизимида бўлган ишончли ошириш орқали аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларни банкларга жалб қилишни рағбатлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

2002 йилдан буён ўз фаолиятини амалга ошириб келаётган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди банк тизими инфратузилмасининг муҳим ташкил этувчиларидан бири бўлиб, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини мустақамлашга ва шу орқали аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажмининг ўсишига хизмат қилмоқда.

2020 йилда 2 та янги банклар - “ТВС” акциядорлик тижорат банки ҳамда “Anor bank” акциядорлик жамиятлари Фонд билан ёзма битим тузган банклар реестрига киритилди.

Ҳисобот йилида Фонд реестрига киритилган тижорат банклари томонидан **122,3 млрд.** сўм миқдоридан календарь бадаллар ўтказилган бўлиб, фонд ўз фаолиятини бошлагандан буён жами ўтказилган календарь бадаллар ҳажми 2021 йил 1 январь ҳолатига **765,8 млрд.** сўмни ташкил этди.

Пандемия даврида тижорат банкларининг аҳоли омонатлари бўйича харажатлари юқини камайтириш ва бу билан аҳоли омонатларини жалб қилиш борасида амалга оширилаётган фаолиятни рағбатлантириш мақсадида Фонд кузатув кенгашининг 2020 йил 20 майдаги қарори билан бир йил муддатга тижорат банклари томонидан Фондга ўтказиладиган календарь бадал миқдори кафолатланган омонатлар қолдигининг 0,25 фоизидан 0,05 фоизигача камайтирилди.

2020 йилда Фондда мавжуд маблағларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши натижасида Фонднинг жами маблағлари ҳажми 2020 йил давомида 276,6 млрд. сўмга (қарийб 30 фоизга) ошиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 1 283,4 млрд. сўмга етди.

Инвестицион фаолият натижасида ҳисобот йилида Фонд томонидан жойлаштирилган кўйилмалар ҳисобидан олинган соф даромад 167,9 млрд. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 1,5 баробарга ёки 53,4 млрд. сўмга ошди.


2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари

2020 йилда нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари пандемия таъсирида шаклланиб, умуман олганда нобанк кредит ташкилотлари асосий кўрсаткичларининг барқарорлиги сақланиб қолди.

Хусусан, ҳисобот йилида ҳам нобанк кредит ташкилотлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши давом этиб, 7 та микрокредит ташкилоти ҳамда уларнинг 6 та филиали, 3 та ломбард ташкилотлари ташкил қилинди ва уларнинг умумий сони **127** тага етди.

2.4.1-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари сони



Бундан ташқари, ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаш компанияси ташкил этилиб, Марказий банк томонидан ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига киритилди.


Натижада, ҳисобот йилида микрокредит ташкилотларининг жами активлари ўтган йилга нисбатан **22** фоизга (153 млрд. сўмга) ошиб, **864** млрд. сўмга етди. Бунда микрокредит ташкилотлари активларининг 153 млрд. сўмга кўпайиши асосан кредитларнинг 104 млрд. сўмга ва олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизларнинг 27 млрд. сўмга ошиши ҳисобига шаклланди.

Шунингдек, ломбардлар жами активлари 2021 йил 1 январь ҳолатига 146 млрд. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан **13** фоизга ёки 16 млрд. сўмга ошиши асосан ломбардлар томонидан кредитлаш ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ ҳисобланади.


2.4.2-чизма

2.4.3-чизма

**Нобанк кредит ташкилотлари активлари
миқдори, млрд. сўмда**



**Нобанк кредит ташкилотлари кредит
қолдиғи, млрд. сўмда**



Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти жами активлари **409 млрд. сўмни** ташкил этди.

2020 йилда микрокредит ташкилотлари томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилга нисбатан **24** фоизга ошиб, **809 млрд. сўмни**, ломбардлар кредит қолдиғи эса **20** фоизга ошиб, **126 млрд. сўмни** ташкил этди.

Ўз навбатида, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти томонидан аҳолини арзон уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига ипотека кредитлари учун **303 млрд. сўм** миқдорида маблағлар ажратилди.

2020 йилда микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар ҳажми 2019 йилга нисбатан **38** фоизга ошиб, **1 339 млрд. сўмни** ташкил этди. Бунда микромолиявий хизматлар ҳажмининг ошиши, асосан, кўрсатилган микроқарз хизматлари миқдорининг 36 фоизга, микрокредит хизматлари ҳажмининг 19 баробарга ошиши ҳисобига шаклланди.


Натижада, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига микромолиявий хизматларнинг қолдиғи 935 млрд. сўмни ташкил этиб, микроқарзлар қолдиғи **23** фоизга, микрокредитлар қолдиғи **2** баробарга ошди.

Микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилган микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматлари қолдиғи 2019 йилга нисбатан

24 фоизга ошиб, 809 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, **ломбардлар** томонидан ажратилган кредитлар қолдиғи **20** фоизга ошиб, 126 млрд. сўмни ташкил этди.

2.4.4-чизма

Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар қолдиғи, млрд. сўмда





Ҳисобот йилида микрокредит ташкилотларининг жами мажбуриятлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **22** фоизга ошиб, 332 млрд. сўмни, ломбардлар жами мажбуриятлари эса **78** фоизга ошиб, 18 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда микрокредит ташкилотлари мажбуриятларининг 94 фоизи ҳамда ломбардлар мажбуриятларининг 61 фоизи жалб қилинган маблағлар ҳисобига шаклланган.

2.4.5-чизма

2.4.6-чизма

Нобанк кредит ташкилотлари жами мажбуриятлари динамикаси, млрд. сўмда

Нобанк кредит ташкилотлари жами капитали динамикаси, млрд. сўмда



Ҳисобот йилида микрокредит ташкилотлари жами капитали **22** фоизга ёки 95 млрд. сўмга ошиб, **532 млрд. сўмга**, ломбардлар жами капитали 7 фоизга ёки 9 млрд.сўмга ошиб, **128 млрд. сўмга** етган бўлса, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг жами капитали **102 млрд. сўмни** ташкил этди.


Бунда микрокредит ташкилотлари капиталининг 95 млрд.сўмга кўпайиши устав капиталининг 48 млрд. сўмга, соф фойданинг 27 млрд. сўмга, тақсимланмаган фойданинг 11 млрд. сўмга ҳамда захира капиталининг 9 млрд. сўмга ошиши ҳисобига шаклланган.

Коронакризиснинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида нобанк кредит ташкилотларига ҳам жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг асослантилган мурожаатлари асосида кредит бўйича тўловларни қайтариш муддатларини 2020 йил 1 октябрга қадар узайтириш тавсия этилди. Кредитлар муддатини жарима санкцияларини қўлланмаган ҳолда кечиктирилиши ҳамда ундирувни кредит таъминотига қаратмаслик, шунингдек, қайтариш муддатлари узайтирилган даврга кредитларни қайта таснифламаслик имконияти тақдим этилди.

Хусусан, кредит портфелидаги муддати ўтган кредитлар улушининг карантин чекловларининг жорий қилиниши билан сезиларли даражада ошиши кузатилган бўлса, иқтисодий фаолликнинг тикланиши ҳамда аҳоли даромадларининг ошиши натижасида йил якунига келиб муддати ўтган кредитларнинг йил бошидаги кўрсаткичларга яқин шаклланиши таъминланди.

2.4.7-чизма


Нобанк кредит ташкилотларида муддати ўтган кредитлари динамикаси, фоизда



Микрокредит ташкилотлари томонидан олинган соф фойда ҳажмининг деярли 2019 йил даражасида шаклланиши активларининг ҳамда капиталнинг рентабеллик даражасининг ҳам мос равишда **19** ва **30,8** фоизни ташкил этиб, ўтган йил даражасида сақланиб қолиниши таъминланди.


2.4.8-чизма

Микрокредит ташкилотлари активлари (ROA) ва капитали рентабеллиги (ROE), *фоизда*



2.4.9-чизма

Ломбардлар активлари (ROA) ва капитали рентабеллиги (ROE), *фоизда*



Шунингдек ломбардлар активлари рентабеллик даражасининг 2019 йилдаги 48,6 фоиздан **32** фоизгача, капитал рентабеллик даражасининг эса 52,7 фоиздан **36,6** фоизгача пасайиши, 2020 йилда ломбардлар томонидан олинган соф фойда ҳажмининг 2019 йилга нисбатан 25 фоизга қисқарганлиги билан изоҳланади.

2.5. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2.5.1. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

2020 йилда банк тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда асосий эътибор, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли равишда қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни Базель қўмитаси тавсияларига мувофиқлаштиришга қаратилди.

Банкларда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда уни халқаро умумэтироф этилган нормаларга мувофиқлаштириш мақсадида “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низом янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Мазкур низомда асосий эътибор, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёни шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, банк бошқаруви органлари ваколат ва вазифаларини тўғри тақсимлаш, банкларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, маълумот ошқоралиги ва очиқлигини таъминлаш, ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари ҳамда шубҳали хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар қилиш тизимини жорий қилиш масалаларига қаратилди.

Бундан ташқари, банкларда қарз олувчиларнинг ўзаро алоқадорлигини ёки банкка алоқадорлигини аниқлаш ва улар билан юзага келадиган таваккалчиликларни олдиндан баҳолаб, ўз вақтида зарур чоралар кўриш мақсадида “Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан, банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисида”ги янги таҳрирдаги низом ишлаб чиқилди.

Мазкур ҳужжатда таваккалчиликларнинг энг кўп миқдорлари ҳамда ўзаро алоқадорликнинг назорат ва иқтисодий асосда вужудга келиши, мазкур алоқадорлик вужудга келиши мумкин бўлган ҳолатлар (сценарийлар) батафсил ёритилди.

Шунингдек, низом билан банкка алоқадор шахслар рўйхати ва улар билан амалга ошириладиган банк операцияларига бўлган талаблар ва таваккалчиликнинг ҳисоб-китобларидан чегирмаларга доир нормалар халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирилди.

Банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, унга аниқ, узоқ муддатли, реал стратегик ташаббуслар ва пухта бизнес-режаларга эга барқарор

иштирокчиларнинг киришини таъминлаш мақсадида **“Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”**ги низом ишлаб чиқилди.

Мазкур низомга мувофиқ банкни ташкил этиш ёки мавжуд банкларнинг устав капиталида иштирок этиш учун соддалаштирилган тартиб жорий этилиб, бу ўз навбатида, мамлакатимиз банк тизимида юқори кредит рейтингига эга халқаро молия институтлари ва чет эл банкларини жалб қилиш учун мақбул шарт-шароит яратади.

Шунингдек, мазкур низом билан банк тизимида юқори малакали, етарли тажриба ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда ишчанлик тажрибаси бенуқсон бўлган шахслар киришини таъминлаш мақсадида банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларини, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш ва келишиш тартиби жорий қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5715-сонли Фармонида мувофиқ, Марказий банкнинг **“Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисида”**ги низоми ишлаб чиқилди.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари аҳолининг арзон уй-жойларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун маҳаллий ва халқаро капитал бозорларидан молиявий ресурсларни жалб қилган ҳолда бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларини қайта молиялаштиради.

Мазкур ташкилотлар фаолиятини самарали тартибга солиш ва назорат қилиш механизмини яратиш ипотека кредити бозори янада ривожланишига, жумладан, узоқ муддатли барқарор ипотека молиялаштириш тизими яратилишига, ипотека кредитларини тақдим этиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг барча қатламлари учун бозор тамойиллари асосида ипотека кредитларидан фойдаланиш имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида Марказий банкнинг назорат усулини қайта кўриб чиқиш, микро даражадаги назорат қилишдан макро даражадаги тартибга солишга босқичма-босқич ўтишни кўзда тутувчи тегишли чоралар амалга оширилди.

Хусусан, банклар томонидан касса, кредитлаш ва депозит операцияларига доир қатор талаблар бекор қилиниб, регулятор томонидан мазкур операцияларни амалга ошириш жараёнини оптималлаштиришга доир қатор тавсиялар берилди.

Марказий банк 2020 йилда банкларнинг айрим операцияларини тўхтатиш, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилган ҳолларда уларга нисбатан жарима санкцияларини қўллаш билан биргаликда, бошқарув аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳамда янгисини шакллантириш, банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия беришда уларга рад жавобини бериш ва бошқа **таъсирчан чораларни қўллаган ҳолда** банк тизими фаолиятини тартибга солиб келди.

Жумладан, ҳисобот йилида тижорат банклари фаолиятини масофавий назорат қилиш билан бир қаторда банклар ва уларнинг филиалларида комплекс ва тематик характердаги текширувлар ўтказиб борилди.

Текширувлар натижаларига кўра, Марказий банк томонидан 2020 йил мобайнида банк қонунчилиги талабларини бузганлиги учун **30** та банкдан жами **8,1** млрд. сўм миқдорида **жарима ундирилди**.

Хусусан, Марказий банк томонидан:

- белгиланган пруденциал меъёрларга риоя этилиши юзасидан аниқланган **10** та ҳолат бўйича жами **2** млрд. сўм миқдорида;

- жойида ўтказилган инспекция текширувлари натижасида аниқланган **5** та ҳолатда **1,7** млрд. сўм миқдорида;

- ички назорат талаблари бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан аниқланган **3** та ҳолат бўйича **1,6** млрд. сўм миқдорида;

- валюта операциялари бўйича аниқланган **7** та ҳолат бўйича **250** млн. сўм миқдорида;

- ҳамда бошқа **41** та ҳолатлар бўйича **2,5** млрд. сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари талаблари бузилганда Марказий банк томонидан айрим операцияларга тақиқ ўрнатиш, банкнинг раҳбар ходимларини алмаштириш каби жарима санкциялари оҳирги босқичдаги чора сифатида қўлланиб келинмоқда.

Халқаро банк амалиётида олдиндан чоралар кўриш самаралироқ деб баҳоланишини инобатга олиб, Марказий банк банкларнинг молиявий барқарорлик индикаторлари орқали уларнинг заиф жиҳатларини аниқлаган ҳолда иқтисодий муаммолар вужудга келишининг дастлабки босқичида тезкор чоралар кўрилиши натижасида уларнинг фаолиятидаги катта молиявий йўқотишлардан сақлаб қолади.

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан айрим банкларда агрессив кредитлаш амалиёти амалга оширилганлиги, банклараро

депозитларга қарамлилик даражаси юқорилиги, ликвидлилик ҳолати ёмонлашган ҳолатда иқтисодий асосланмаган фоиз ставкаларида депозитлар қабул қилинганлиги сабабли:

- **3** та банкка нисбатан барча актив операцияларни амалга оширишга **тақиқ ўрнатилди;**

- **3** та банкка нисбатан депозитларни йиллик **18** фоиздан юқори бўлмаган фоизларда жалб қилиш **талаби қўйилди;**

- **2** та банкка нисбатан аҳоли омонатларини жалб қилиш, муддатини узайтириш ва қайта расмийлаштириш операцияларига **тақиқ ўрнатилди;**

- **1** та банкка нисбатан муҳим аҳамиятга эга ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ва янгисини шакллантириш **талаби қўйилди;**

- Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими (ФЖБПТ) маблағларини юқори хатарли кредитларга йўналтирилишига **чек қўйилди.**

Шунингдек, тижорат банкларининг Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари бўйича ўрнатилган талабларнинг бажарилмаганлиги сабабли **3** та банк мажбурий захиралар бўйича ўртачалаш коэффициентидан фойдаланиш **ҳуқуқидан маҳрум қилинди.**

Камчиликларни бартараф этганлиги учун **1** та банкка ўртачалаш коэффициентидан фойдаланиш ҳуқуқи тиклаб берилди.

2.5.2. Таваккалчиликка асосланган банк назоратини такомиллаштириш

Марказий банкнинг банкларни назорат қилиш тизими самарадорлигини янада ошириш, уни Базель кўмитасининг тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадида 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар режаси” ишлаб чиқилиб, унда белгиланган чора-тадбирлар Жаҳон банки ва Осие тараққиёт банки кўмагида амалга ошириб келинмоқда.

Ҳаракатлар режасига асосан 2020 йилда банк назорати самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида қонунчилик базасини такомиллаштириш, ходимлар билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни жорий қилиш вазифалари белгиланди.

Ҳисобот йилида таваккалчиликка асосланган банк назорати тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш бўйича Жаҳон банки билан ҳамкорликда назорат интенсифлигини белгилашда банкларнинг **тизимдаги аҳамияти** ва **таваккалчилик профилини** инобатга олишни назарда тутувчи мезонлар дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда синовдан ўтказилмоқда.

Синов натижаларида аниқланган камчиликлар тузатилган ҳолда мезонлар лойиҳаси 2021 йилда тасдиқланади. Ушбу мезонлар Марказий банкнинг назорат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда банк тизимидаги долзарб хатарларни олдиндан аниқлаш ва уларни бартараф этиш имконини беради.

Хусусан, банк тизимида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларга олдиндан таъсир чоралари кўриш ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида Жаҳон банки кўмагида **назорат индикаторлари** ишлаб чиқилиб, банкларнинг асосий кўрсаткичларидаги муҳим ўзгаришларни ойма-ой кузатиб бориш ва пруденциал чоралар кўриш имкони яратилди. Мазкур тизим банк тизимидаги ўзгаришларга мос равишда мунтазам такомиллаштириб борилади.

Шу билан бирга, назорат индикаторлари негизида банклар кесимида уларнинг асосий хатарларини аниқлаш имконини берувчи таваккалчилик профили ишлаб чиқилиб, унинг асосида банк таваккалчиликларини самарали назорат қилиш ва зарур ҳолларда инспекция текширувини тайинлаш тизими йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Осиё тараққиёт банкининг техник кўмагида ишлаб чиқилган *“Таваккалчиликка асосланган банк назорати бўйича қўлланма”*ни амалиётга татбиқ этиш ишлари бошланди. Ушбу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштириш учун мазкур соҳада катта тажрибага эга бўлган халқаро эксперт жалб этилди.

Ўз навбатида, таваккалчиликка асосланган назорат тизимига ўтишнинг дастлабки босқичи учун танлаб олинган банклар мисолида синов тариқасида институционал маълумотлар базаси яратилди. Институционал маълумотлар банкнинг барча даражадаги таркибий тузилмалари, яқин тарихда содир бўлган муҳим аҳамиятга эга барча ҳолатларни акс эттиради. Мазкур тизимнинг мантиқий давоми сифатида ўтказилган таҳлил ва мавжуд хатарлар юзасидан банклар кенгашларига йиллик мурожаатлар йўллаш амалиётини жорий қилиш назарда тутилган.

Юқоридаги вазифаларни бажаришда ходимлар малакасини ошириш, уларнинг банк назоратига оид замонавий билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида халқаро молия ташкилотларининг онлайн платформаларидан фойдаланиш ва видеоконференция кўринишида тренинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

2.5.3. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда асосий эътибор нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга қаратилди.

Хусусан, Жаҳон банки кўмагида халқаро тажрибани ўрганган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаш фаолияти тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасига нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган фаолият турлари қаторига факторинг, лизинг, кафолат ва ислом тамойиллари асосида молиялаш хизматлари киритилди.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан жисмоний шахсларга кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг энг кўп миқдорини 50 млн. сўм қилиб белгилаш, юридик шахсларга эса чекланмаган миқдорда хизмат кўрсатиш тартибини ўрнатиш белгиланди.

Бундан ташқари, нобанк кредит ташкилотларини ташкил этишда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчилари, раҳбар ходимлари, устав капиталига нисбатан тегишли талаблар ўрнатилмоқда.

Мазкур қонун билан нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш мақсадида нобанк кредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш, уларнинг истеъмолчилар билан бўладиган муносабатларга доир фаолиятига Марказий банк томонидан минимал талаблар белгиланиши ҳамда истеъмолчиларнинг молиявий операциялари бўйича маълумотларни сир сақлаш бўйича талаблар қонун даражасида белгилаб берилмоқда.

Нобанк кредит ташкилотлари, жумладан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш қоидаларини, шунингдек, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосланган молиявий ҳисоботни тузиш тартибини белгилаш мақсадида мавжуд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш орқали Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида нобанк кредит ташкилотлари томонидан амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя

қилиниш ҳолати масофадан (дистанцион) ва жойида ўрганиш йўли билан назорат қилиб борилди.

Хусусан, ҳисобот йилида 5 та микрокредит ташкилотлари фаолияти жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Ўрганишлар натижасида, Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган 1 та микрокредит ташкилотига нисбатан 20,0 млн. сўм миқдоридagi жарима санкцияси қўлланилди ҳамда 4 та микрокредит ташкилоти ижро органларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлар юборилди.

Таъкидлаш жоизки, карантин қоидаларига амал қилинишини таъминлаш мақсадида жойига чиққан ҳолдаги ўрганишлар вақтинчалик тўхтатилишига қарамай, нобанк кредит ташкилотларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга риоя қилиши улар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар ва статистик маълумотлар асосида мунтазам ўрганиб борилди.

2.5.4. Кредит ташкилотларида молиявий мониторингни мувофиқлаштириш ва валюта назорати

Марказий банк томонидан ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг ва назорат амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор, банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотлари фаолиятида соҳага оид таваккалчиликларни аниқлаш механизмларини, тизимнинг ишлаш самарадорлигини ҳамда ходимларнинг малакасини баҳолашга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни асосида махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда тўлов тизимлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида ички назорат қоидалари ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи экспертлари томонидан Ўзбекистоннинг соҳа бўйича миллий тизими самарадорлигини ўзаро баҳолашнинг 2-босқичи доирасида миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан тақдим этилган дастлабки баҳолаш натижаларига асосан кредит ташкилотларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, электрон пуллар тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларини назорат қилиш методологияси ушбу тизимлардаги соҳага оид рискларни баҳолаш натижаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди ҳамда жойига чиқиб амалга ошириладиган ўрганишлар сифатини янада ошириш мақсадида махсус методик қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Янги тартибдаги назорат қилиш методологиясига мувофиқ назорат остидаги ташкилотлар риск профилидан келиб чиққан ҳолда стандарт мониторинг, кучайтирилган мониторинг ҳамда текшириш талаб этувчи гуруҳларга ажратилиши белгиланди.

2020 йилда 28 та тижорат банкида ҳамда 4 та микрокредит ташкилотида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан масофадан ва жойига чиққан ҳолда ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганиш натижалари Марказий банкнинг Банк назорати қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, тегишли тижорат банкларига нисбатан жами 3,5 млрд. сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилди ҳамда микрокредит ташкилотлари келгусида камчиликлар аниқланган тақдирда қатъий чоралар кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

Валюта амалиётларининг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан эса 3 та тижорат банкида ўрганишлар ўтказилиб, жами 180 млн. сўм миқдорида жарималар қўлланилди.

Бунда ўтказилган ўрганишлар келгусида юзага келиши мумкин бўлган банк хатарларини, яъни молиявий йўқотишларни баҳолаш ёндашуви асосида амалга оширилди.

Шунингдек, Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси билан ҳамкорликда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд чет эл валютасини қабул қилиниши билан боғлиқ операциялар бўйича назоратни янада самарали ташкил қилиш мақсадида йўловчи божхона декларациялари тўғрисидаги маълумотларни айирбошлаш бўйича дастур (Foreign Exchange Republic of Uzbekistan – FERUZ) ишлаб чиқилди ҳамда банкларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларига интеграция қилинди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда банк ва нобанк кредит ташкилотлари тизимидаги соҳага оид таваккалчиликлар баҳоланди ва уларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Баҳолаш натижалари бўйича Марказий банк томонидан банк ва нобанк кредит ташкилотлари секторларидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликлар тўғрисида ҳисобот тайёрланди ҳамда миллий баҳолаш жараёнида молия соҳасидаги рискларни умумлаштириш учун махсус ваколатли давлат органига тақдим этилди.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 январдаги 16-сонли қарорига мувофиқ, “Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги Битим”дан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари ҳам кўрилди.

Хусусан, жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг масофадан ўтказилган 32 ва 33-ялпи йиғилишларида Евроосиё гуруҳининг ички ҳужжатлари ва гуруҳга аъзо давлатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқишда ҳамда Россия Федерациясининг Молиявий мониторинг бўйича халқаро ўқув-методик Маркази томонидан видео-конференц алоқа орқали ташкил этилган ўқув семинарларида ва Евроосиё гуруҳи томонидан ташкил этилган малака оширишга доир семинар-тренингларда иштирок этилди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ, ВАЛЮТА ВА КОММУНИКАЦИЯ СИЁСАТИ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Нархлар барқарорлигини таъминлаш

3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ҳамда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашдаги роли

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари ҳар йили уч йиллик ўрта муддатга “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ нархлар барқарорлигини ҳамда банк ва тўлов тизимлари барқарор фаолият юритишини таъминлаш мақсадларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ушбу мақсадларга эришиш учун инфляция динамикасининг жорий ҳолати ва прогноз кўрсаткичлари ҳамда макроиктисодий шароитларни инобатга олиб, Марказий банк ўрта муддатли истикболда инфляцияни пасайтириш ва унинг барқарор паст даражада шаклланишини таъминлаш чораларини кўриб боради.

Бунда Марказий банк асосий эътиборни иқтисодиётда инфляцион жараёнларга сабаб бўлаётган омилларни аниқлаш ва пул-кредит сиёсати инструментлари орқали бевосита таъсир кўрсатиш мумкин бўлган монетар омиллар таъсирини максимал даражада қисқартиришга қаратади.

Шунингдек, инфляцион босимни юзага келтираётган номонетар омиллар ҳам батафсил ўрганилиб, уларнинг таъсирини камайтириш борасида ҳукумат билан биргаликда тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб борилади.

Иқтисодиётда барқарор паст инфляция даражасининг таъминланиши аҳоли фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади.

Биринчидан, паст даражадаги инфляция шароитида миллий валютанинг ва бу орқали аҳоли даромадларининг харид қобилияти барқарор даражада сақланади. Натижада, аҳолининг истеъмол ёки жамғариш бўйича қарорлар қабул қилиши осонлашиб, иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи жамғармаларнинг мувозанатли шаклланишига имконият яратилади.

Даромадларнинг харид қобилияти ўзгармаган шароитда иқтисодиётда жамғариш фаоллиги ошиб, инвестицион мақсадларни молиялаштириш учун ички манбаларнинг барқарор даражада шаклланиб бориши таъминланади.

Шунингдек, аҳолининг паст даромадли қатлами юқори инфляция даражасидан кўпроқ зарар кўриши ҳамда уларнинг харид қобилияти мўтадиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан паст инфляция даражаси ижтимоий аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда камбағаллик даражасини қисқартириш вазифаси устувор аҳамият касб этган шароитда инфляциянинг пасайиб бориши, аҳоли даромадлари харид қобилиятининг сақлаб қолиниши орқали камбағаллик даражасининг қисқаришига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Иккинчидан, узоқ муддатли паст даражадаги инфляция тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратади ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш учун инвестицион қарорлар қабул қилиш ва ўрта муддатли режалаштиришни амалга ошириш имконини беради.

Тижорат банклари томонидан юқори инфляция даражаси хатарли омил сифатида қаралиб, молиявий хизматлар, жумладан, кредитлар нархига (фоиз ставкасига) кўшимча харажат сифатида киритилади. Мазкур омил қарз маблағлари бўйича юқори фоиз ставкаларининг шаклланишига олиб келиб, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятини қисқартиради.

Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектлари ҳам жалб этилган қарз маблағлари бўйича харажатларни (фоиз тўловларини) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматлар нархига кўшишади ва бу инфляция даражасининг янада ошишига олиб келади.

Инфляция даражасининг паст бўлиши шароитида банклар учун жалб этиладиган ресурслар нархининг пасайиши, ўз навбатида, банклар томонидан ажратиладиган кредитлар ва бошқа молиявий инструментлар бўйича ҳам фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, тадбиркорлик субъектларининг молиялаш манбаларидан фойдаланиш имкониятларини оширади ва шу орқали иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлайди.

Учинчидан, барқарор паст инфляция муҳити шаклланганда иқтисодий ўсиш учун қулай шарт-шароитлар яратилади, бу макроиқтисодий барқарорликка ижобий таъсир қилади, иқтисодиётда инвестицияларнинг, шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўсишини рағбатлантиради. Паст инфляция даражаси иқтисодиётга киритилган маблағлар ва улардан олинadиган даромадларнинг кадри барқарор сақланиши кафолати бўлиб хизмат қилади.

Аксинча, юқори инфляция даражаси ва макроиқтисодий ноаниқликлар инвестициялар оқимининг камайишига ва инвесторлар ишончининг йўқолишига олиб келади.

Бундан ташқари, нархлар барқарорлиги таъминланиши аҳолининг миллий валютага бўлган ишончи ортишига ва шу орқали иқтисодиётда долларлашув даражасининг пасайишига хизмат қилади. Аксинча, бошқа шартлар ўзгармаган ҳолатда, нархларнинг юқори суръатларда ўсиши маҳаллий товар ва хизматларга бўлган ташқи талабнинг қисқаришига олиб келади ва натижада мамлакатга экспорт орқали валюта тушумлари ҳажмининг камайишига олиб келади.

Нархлар даражасининг барқарорлиги жамғармаларни режалаштириш учун ҳам, узоқ муддатли қарорлар қабул қилиш учун ҳам қулай бўлиб, хорижий валютага бўлган талабнинг мувозанатлашишига хизмат қилади. Натижада, иқтисодиётнинг хорижий валюталарга боғлиқлик даражаси қисқариб, иқтисодиётнинг ташқи хатарларга бардошлилиги ортиб боради.

Пул-кредит сиёсати иқтисодиётни мувозанатлаштирувчи дастаклардан бири ҳисобланади. Иқтисодий жараёнлар доим ҳам бир хил кўринишдаги тенденциялар билан ривожланмайди. Талаб ва таклиф омилларининг ўзгариши, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш тебранишларини ифода этади. Амалдаги (жорий) ишлаб чиқариш ҳажми ўзининг потенциалидан четлашган ҳолатларда пул-кредит сиёсати дастаклари иқтисодиётни мувозанатлаштирувчи ролни бажаради.

Марказий банк ўзида мавжуд пул-кредит сиёсати инструментлари орқали узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлай олмайди, фақатгина иқтисодий ўсишнинг қисқа муддатли тебранишларини мувозанатлаштириш имкониятига эга бўлади.

Узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш ва потенциал ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган давомли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини техник-технологик қайта янгилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бозор тамойилларини кенг жорий этишни тақозо қилади.

Умуман олганда, пул-кредит сиёсати иқтисодий ўсиш учун шароит яратиб, иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, лекин ишлаб чиқариш потенциалини ошириш учун пул-кредит сиёсати инструментлари имкониятлари чекланган ҳисобланади.

3.1.2. 2020 йилда пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилган ишлар ва пул-кредит шароитлари

Ҳисобот йилида Марказий банк ўз фаолиятини “Пул-кредит сиёсатининг 2020 йил ва 2021-2022 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”га мувофиқ асосий сценарий доирасида “қатъий” пул-кредит шароитларини таъминлашга йўналтирди.

Қатъий пул-кредит шароитларига эришиш мақсадида банк тизими ликвидлигида юзага келган профицитни самарали тартибга солиш, банкларнинг даромад келтирмайдиган активларини даромад келтирадиган муқобил инструментлар билан алмаштириш ва шу орқали бошқа актив операцияларга (хусусан, кредитларга) бўлган нарх босимини пасайтириш мақсадида Марказий банк облигациялари муомалага чиқарила бошланди.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банкнинг жами **5,3 трлн.** сўмлик қисқа муддатли облигациялари муомалага чиқарилиб, тижорат банклари ўртасида жойлаштирилди.

Ҳисобот йилининг февраль ойидан банклараро пул бозори фоиз ставкаларини самарали тартибга солиш ва уларнинг Марказий банк асосий ставкасига яқин даражада ва фоиз коридори доирасида шаклланишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит операциялари амалиётга жорий этилди.

Бунда пул-кредит операциялари 2020 йилнинг I чорагида мавжуд вақтинчалик ортиқча ликвидликни даромадли активлар сифатида жалб қилишга қаратилган бўлса, мамлакатимизда пандемиянинг кенг тарқалиши ва уни олдини олишга қаратилган карантин чораларининг жорий этилиши пул-кредит сиёсати шароитларида таркибий ўзгартиришга, хусусан, банклар томонидан Марказий банкдан ликвидлик жалб этишга талабни оширди.

Жаҳонда рўй берган инқирозли вазият ва пандемиянинг олдини олишга қаратилган карантин чоралари иқтисодий фаоллик ва ялпи талабга таъсир кўрсатди. Хусусан, хизмат кўрсатишнинг транспорт, умумий овқатланиш, туризм, савдо, маиший хизматлар соҳаларида иқтисодий фаолликнинг сезиларли пасайиши кузатилди.

Шунингдек, меҳнат ресурслари ҳаракатланиши, транспорт ва логистика соҳасидаги чекловлар, товарларни божхона чегараларидан олиб ўтиш бўйича маълум бир узилишлар кўплаб ишлаб чиқариш соҳаларининг фаоллик даражасига таъсир кўрсатди.

Ушбу ҳолатлар инфляция даражасига талаб омиллари таъсирининг пасайишига олиб келди ва 2020 йил I чорак якунлари бўйича йиллик инфляция даражаси йил бошидаги **15,2** фоиздан **13,6** фоизгача пасайди.

2020 йилнинг апрель ойига келиб иқтисодий фаолликнинг пасайиши фонида инфляция динамикасида пасайтирувчи омиллар вазни юқориликни инобатга олиб, 2020 йил якуни бўйича инфляциянинг прогноз кўрсаткичлари 12-13,5 фоиздан **11-12,5** фоизгача пасайтирилди.

Инфляциянинг пасаяувчи тенденцияси ва унинг прогноз динамикасидан ҳамда макроиқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадлар доирасидан чиқмаган ҳолда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш мақсадларида 2020 йил 15 апрелдан Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик **16** фоиздан **15** фоизгача пасайтирилди ва қатъий пул-кредит шароитлари биров юмшатилиб, “**нисбатан қатъий**” фазага ўтиш бошланди.

Карантин даврида тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг **26,6 трлн.** сўмлик кредитлари бўйича тўлов муддатлари узайтирилди ва айти пайтда банклар томонидан миқдорлар олдидаги барча мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши банк тизимидаги ликвидлик ҳажмининг пасайишига таъсир кўрсатди.

Юзага келган шароитлардан келиб чиқиб, 2020 йил апрель ойидан бошлаб Марказий банкнинг ликвидликни тартибга солиш операциялари устувор равишда тижорат банкларига зарур бўлган ликвидликни тақдим этишга қаратилди.

Бундан ташқари, пандемия шароитида банкларни ликвидлик билан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг жорий шароитларга мослашувчанлигини ошириш мақсадида мажбурий захиралашнинг ўртачалаш коэффициентини 2020 йил апрелда **25** фоиздан **35** фоизгача ва 2020 йил июнь ойида **75** фоизгача оширилди ва жами **2,8 трлн.** сўмлик ликвидлик тижорат банкларига қайтарилди.

Марказий банк томонидан ликвидликни тартибга солиш бўйича жорий этилган операциялар ва мажбурий захиралаш тартибларидаги юмшатишлар коронавирус пандемияси даврида банкларни зарур ликвидлик билан таъминлашга ва тўлов тизимининг узлуксиз фаолият юритишига хизмат қилди.

2020 йилнинг июнь ойида карантин чораларининг юмшатилиши таъсирида иқтисодий фаоллик кўрсаткичларида биров тикланиш кузатилди. Карантин шароитларида аҳоли томонидан бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари

ва дори-дармонларга бўлган талабнинг ошиши таъсирида йиллик инфляция даражаси июль ойида **14,4** фоизгача кўтарилди.

2020 йил июль ойига келиб, пандемия билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви натижасида **10 июлдан** бошлаб мамлакатимизда қатъий карантин чекловлари жорий этилди ва натижада иқтисодий фаолликнинг маълум бир тикланишдан кейин яна пасайиши кузатилди. Ушбу ҳолат аҳоли ва тадбиркорлар истеъмол талабининг биров қисқаришига ҳамда таркибининг оптималлашишига олиб келди.

Талаб омиллари мувозанатлашуви, 2019 йил август ойидаги тартибга солинадиган нархлар ўзгариши таъсирининг чиқиб кетиши ва мавсумийлик омиллари таъсирида 2020 йилнинг август ойига келиб йиллик инфляция даражаси сезиларли пасайди ва **11,7** фоизни ташкил этди.

Ушбу омилларни инобатга олиб, шунингдек, иқтисодий фаолликнинг тикланиши шароитларида реал фоиз ставкалари ижобийлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 11 сентябридан Марказий банкнинг асосий ставкаси йиллик **15** фоиздан **14** фоизгача пасайтирилди.

Натижада, 2020 йилнинг III чораги якунида пул-кредит шароитлари биров юшмаб, ўзининг “**нисбатан қатъий**” фазасига тўлиқ ўтди.

Ҳисобот йилининг IV чорагида ҳам иқтисодиётда пул-кредит шароитлари Марказий банк асосий ставкасининг йил давомида 16 фоиздан 14 фоизгача пасайтирилиши, банк тизими ликвидлигининг мувозанатлашиши, жорий этилган мақбул фоиз ставкалари механизмлари ҳамда пандемия даврида муддати узайтириб берилган кредит тўловларининг муддати келиши шароитида нисбатан қатъий даражада сақланиб қолди.

Хусусан, асосий ставканинг пасайтирилиши ва мақбул фоиз ставкалар механизмининг қўлланилиши иқтисодиётдаги пул-кредит шароитларини биров юмшатиб, карантин чекловлари юмшатиладиган кейинги даврда инфляция даражасига хавф туғдирмаган ҳолда иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилди.

2020 йил якунлари бўйича **умумий пул массаси 17,9** фоизга ўсиб, **107,6 трлн.** сўмни ташкил этди. Бунда, пул массаси ва унинг таркибидаги ўзгаришлар пандемия ва иқтисодий инқироз, киритилган карантин чекловлари билан боғлиқ тарзда содир бўлди.

Хусусан, карантин чекловлари даврида аҳоли томонидан бозорлардан бирламчи эҳтиёж товарларини сотиб олиш мақсадида банк карталаридаги ва депозитлардаги маблағларнинг нақдлаштирилиши ҳамда пенсия тўловларининг нақд пул шаклида амалга оширилиши ҳисобига муомаладаги

нақд пуллар ҳажми кескин ортган бўлса, IV чоракда эса мазкур нақд пулларнинг банк тизимига қайтиши кузатилиб, муомаладаги нақд пуллар миқдори **12,4** фоизга ёки **3,5** трлн. сўмга қисқарди.

Ўз навбатида, миллий валютадаги жами депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан **25** фоизга (9,6 трлн. сўм), шундан жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари **31,6** фоизга (4,1 трлн. сўм) кўпайди.

Иқтисодиётга кредит қўйилмалари динамикаси пандемиянинг бошланғич даврида кредит тўловлари муддатининг узайтириб берилиши, кредитларга бўлган талабнинг мавсумий ва иқтисодий фаолликнинг секинлашиши шароитида қисқариши, Марказий банк асосий ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг пасайиши ва банк тизими ликвидлигининг мувозанатлашиши фонида шаклланди.

2020 йилда иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи **34,3** фоизга (71,6 трлн. сўмга) кўпайиб, **280,4** трлн. сўмга етди. Бунда валюта курси ўзгаришининг хорижий валютадаги кредитларнинг сўм эквивалентидаги ҳажмига таъсири ҳисобга олинмаганда кредит қўйилмалар қолдиғининг ўсиши **28,4** фоизни ташкил этди.

3.1.3. Трансмиссион механизмнинг фоиз канални янада ривожлантириш ва мавжуд муаммолар

Трансмиссион механизмнинг **фоиз канали** инфляцион таргетлаш режими доирасида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати бўйича қарорларини иқтисодиётга ўтишини таъминловчи асосий канал ҳисобланиб, мазкур каналнинг фаол қўлланилиши, ўз навбатида, Марказий банкнинг иқтисодиётдаги фоиз ставкаларга таъсирини кучайтиришга хизмат қилади.

3.1.3.1-чизма



Фоиз канали иқтисодиётдаги ялпи талабга таъсир кўрсатган ҳолда ишлаб чиқариш тафовутини мувозанатлаштириш орқали инфляцион (ёки дефляцион) босимларни юмшатиб, инфляцияга монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини беради.

Ҳисобот йилида асосий ставка ва фоиз коридорининг ҳамда қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментларининг жорий этилиши, банк тизими ликвидлигини самарали тартибга солиш, пул бозори фоиз ставкаларини асосий ставка орқали бошқариш трансмиссион механизмининг фоиз канални ривожлантириш йўлидаги дастлабки қадамлар ҳисобланади.

Ўз навбатида, Марказий банк томонидан операцион мақсаднинг белгилаб олинганлиги ва пул-кредит сиёсати инструментларининг мазкур мақсадга эришишга йўналтирилиши фоиз канали аҳамиятини оширади.

Ўзбекистонда банклараро пул бозорида амалиётлар сонининг камлиги банклар томонидан ликвидлик етарлича бошқарилмаслиги сабабли **операцион мақсад сифатида пул бозоридаги 14 кунгача бўлган депозитлар бўйича фоиз ставкаларини Марказий банк асосий ставкасига яқин даражада шаклланишини таъминлаш** сифатида белгиланган.

Операцион мақсадга эришишда Марказий банк қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланади. Хусусан, фоиз коридорининг юқори ва қуйи чегарасида доимий тусда ўзгармас ставкада чекланмаган миқдорда овернайт РЕПО, валютавий своп ва депозит операциялари амалга оширилади.

Бу эса, банклараро пул бозорида депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг Марказий банк фоиз коридори доирасида бўлишини таъминлайди. Бунда тижорат банклари Марказий банкдан исталган вақтда чекланмаган миқдорда фоиз коридори юқори чегарасидаги ставкада ликвидлик олиш имкониятига эга бўладилар ва бу пул бозоридаги фоиз ставкаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Банклараро депозит бозоридан фарқли равишда Марказий банкнинг валютавий своп ва РЕПО операциялари гаров мулки (хорижий валюта ёки давлат қимматли қоғози) бўлишини талаб этади. Шу сабабли, Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда давлат қимматли қоғозлари эмиссиясини амалга ошириш орқали банкларда гаров базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.


Овернайт операциялар пул бозори фоиз ставкаларининг фоиз коридори доирасида бўлишини таъминласа, асосий ставка доирасида амалга ошириладиган валютавий своп, РЕПО ва депозит аукционлари пул бозори фоиз ставкаларининг асосий ставкага яқин даражада шаклланиши учун хизмат қилади.

2020 йилнинг ўтган даврида пул-кредит сиёсати операцион механизмини такомиллаштириш борасида амалга оширилган зарурий чора-

тадбирлар пул бозори фоиз ставкаларининг асосий ставкага яқин, фоиз коридори доирасида шаклланиши учун замин яратди.

3.1.3.2-чизма

2020 йилда банклараро пул бозоридаги кунлик депозитлар ҳажми ва 14 кунгача муддатли депозитлар фоиз ставкаси



Манба: Марказий банк маълумотлари

Шунингдек, фоиз канали самарадорлигини оширишда банк тизими ликвидлигининг тартибга солиниши муҳим бўлиб, Марказий банк умумий ликвидлик даражасини кунлик кузатиб, таҳлил қилиб, унинг қисқа муддатли (кунлик, ҳафталик, ойлик ва чораклик) прогнозини белгилаб боради.

Бунда прогноз қилинаётган ликвидлик даражасидан келиб чиқиб, Марказий банк аукционлари ва облигациялари бўйича ҳажмлар белгилаб олинади. Банк тизими ликвидлигида таркибий ортиқчалик (тақчиллик)нинг юзага келмаслиги муҳим бўлиб, етарлича тартибга солинмаган ликвидлик даражаси пул бозори фоиз ставкаларининг фоиз коридоридан юқорига (ёки пастга) тебранишига олиб келади.

Фоиз ставкасининг самарадорлигини таъминлашга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан, ривожланишнинг ҳозирги босқичида узоқ йиллардан буён йиғилиб қолган “инвестицион чанқоқлик” – аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитларга бўлган юқори талаби сўнгги 2-3 йилда юзага чиқди ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг кескин ўсиши учун асосий омиллардан бўлди.

Ушбу ҳолат юзага келишига аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг инфляцион кутилмалари ҳамда узоқ йиллар давомида иқтисодиётнинг юқори инфляцияга мослашганлиги ҳам маълум маънода ўз таъсирини кўрсатди. Айнан уларнинг инфляция бўйича юқори кутилмалари кредитлар бўйича фоиз ставкалари юқори бўлса-да, унга бўлган талабнинг пасаймаслигига сабаб бўлмоқда.

Инфляцион кутилмалар узоқ йиллар давомида миллий валюта девальвациясига боғлиқ ҳолда шаклланганлиги, уларни жиловлаш, инфляциянинг таргет кўрсаткичларига боғлиқлигини таъминлаш маълум бир муддатни талаб этади. Бу, биринчи навбатда, Марказий банкка, хусусан, унинг пул-кредит сиёсатига бўлган ишончнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Фоиз каналлари ривожлантиришда яна бир муҳим масала қарз қимматли қоғозлари бўйича “даромадлилик эгри чизиғи”ни шакллантириш бўлиб, унинг тўлақонли шаклланиши нафақат иқтисодиётдаги депозит ва кредитлар, балки облигациялар фоиз ставкалари орқали ҳам пул-кредит шароитларини таъминлаш имконини беради.

Бугунги кунда қарз қимматли қоғозлари бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги, “даромадлилик эгри чизиғи” тўлақонли шаклланишига имкон бермаяпти.

Иқтисодиётда шаклланган фоиз ставкалари


Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитларини даромадлилик даражаси 2020 йилнинг I ярим йиллигида **20** фоиз атрофида шаклланган бўлса, II ярим йилликда сезиларли пасайиш кузатилиб, декабрь ойида **16,9** фоизни ташкил этди. Юридик шахсларнинг миллий валютадаги муддатли депозитлари бўйича фоиз ставкалар эса июнь ойидаги **17,1** фоиздан декабрь ойида **14,2** фоизгача пасайди.

Мазкур депозитлар бўйича номинал фоиз ставкаларнинг пасайиши билан бирга иқтисодиётда инфляция даражасининг ҳам пасайиши кузатилганлиги сабабли депозитлар бўйича **реал фоиз ставкалар** июль ойини ҳисобга олмаганда йил давомида деярли ўзгаришсиз сақланиб қолди. Бунда жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича реал фоиз ставкалари **5** фоиз атрофида ва юридик шахсларнинг депозитлари бўйича **2,5** фоиз атрофида шаклланиб келмоқда.

2020 йилда Марказий банк асосий ставкасининг 2 мартаба **1** фоиз банддан (йиллик 16 фоиздан 14 фоизгача) пасайтирилиши ҳамда мақбул фоиз ставкалари механизмнинг киритилиши шароитида кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг барқарор пасайиб бориши кузатилди.


3.1.3.3-чизма

Миллий валютадаги мuddатли депозитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



3.1.3.4-чизма

Миллий валютадаги мuddатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкалари




Манба: Марказий банкнинг статистик бюллетени

Хусусан, миллий валютадаги қисқа мuddатли кредитлар бўйича фоиз ставкалар йил бошидаги **25,7** фоиздан декабрь ойида **19,9** фоизгача пасайган бўлса, узоқ мuddатли кредитлар бўйича январь ойидаги **25,8** фоиздан декабрь ойида **19,6** фоизгача пасайди.


3.1.3.5-чизма

Миллий валютадаги кредитлар бўйича номинал фоиз ставкалари



3.1.3.6-чизма

Миллий валютадаги кредитлар бўйича реал фоиз ставкалари



Манба: Марказий банкнинг статистик бюллетени

Бунда номинал фоиз ставкаларнинг пасайиши билан биргаликда инфляция даражасининг ҳам мувозанатлашиб бориши IV чорак давомида ҳам кредитлар бўйича **6-8** фоизлик ижобий реал фоиз ставкаларнинг шаклланишига хизмат қилди. Мазкур ҳолат тижорат банклари учун даромадлилик даражасини ва иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини таъминлади.

3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили ва фоиз ставкалари

2020 йилнинг I ярим йиллигида банклараро пул бозорида депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси банк тизими ликвидлиги ҳолати, Марказий банк пул-кредит операцияларининг жорий этилиши ва мажбурий захиралаш меъёрларининг енгиллаштирилиши шароитида шаклланди.

Ҳисобот йилининг I чораги бошида ўртача тортилган фоиз ставкаси банк тизимида ликвидликнинг юқорилиги сабабли Марказий банк фоиз коридори доирасида ва асосий ставкага яқин даражада шаклланган бўлса, пандемия шароитида ликвидликнинг қисқариши ҳисобига апрелда **17,1** фоизни ва майда **16,7** фоизни ташкил этиб, фоиз коридоридан бироз юқори бўлди.

Июнь ойида эса банк тизими ликвидлигининг барқарорлашиши, хусусан, мажбурий захиралар бўйича ўртачалаш коэффициентининг **75** фоизгача оширилиши ва банкларга қўшимча **2,3** трлн. сўмлик ликвидликнинг берилиши ҳисобига **16,3** фоизгача пасайди.


Ҳисобот йилининг II ярим йиллигида эса банкларнинг пул бозоридаги фаоллигини кескин ортиши, банк тизими ликвидлигининг мувозанатлашиши, банклар томонидан ликвидликнинг самаралироқ бошқарилиши ва қисқа муддатли пул-кредит сиёсати инструментларининг фаол қўлланилиши ҳисобига депозитларнинг ўртача тортилган фоиз ставкаси Марказий банк фоиз коридори доирасида шаклланди.

2020 йилнинг II ярим йиллигида пул бозорида жами **38,4** трлн. сўмлик, I ярим йилликка нисбатан **23** трлн. сўмга ёки **2,5** баробарга кўп молиявий операциялар амалга оширилди.

Тижорат банклари томонидан ликвидликни бошқариш самарадорлиги ортганлиги ва Марказий банк овернайт операцияларидан доимий равишда фойдаланиш имконияти мавжудлиги сабабли пул бозоридаги депозит операциялари таркибида ҳам сезиларли таркибий ўзгаришлар, хусусан, қисқа муддатли операциялар ҳажмининг ўсиши кузатилди.

3.1.4.1-чизма

2020 йилда банклараро пул бозоридаги депозитлар фоиз ставкалари ва ҳажмлари




Манба: Марказий банкнинг статистик бюллетени

Хусусан, пул бозорида муддати 7 кунгача бўлган депозит операцияларининг жами пул бозоридаги депозит операцияларидаги улуши январь ойидаги 54 фоиздан декабрда 88 фоизгача ошган бўлса, 8 кундан 30 кунгача бўлган операциялар улуши 25 фоиздан 11 фоизгача қисқарди. Муддати 30 кундан юқори бўлган депозитларга деярли талаб кузатилмади.

3.1.4.2-чизма

Банклараро пул бозоридаги депозитлар фоиз ставкаларининг муддатлари бўйича таснифи, фоизда



Манба: Марказий банкнинг статистик бюллетени


Юқорида қайд этилганидек, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг операцион таргети сифатида пул бозоридаги 14 кунгача бўлган депозитлар бўйича фоиз ставкаларни асосий ставкага яқин даражада фоиз коридори оралиғида шаклланишини таъминлаш белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, пул бозоридаги 14 кунгача бўлган фоиз ставкалари таҳлили II ярим йилликда деярли тўлиқ фоиз коридори оралиғида шаклланишини кўрсатмоқда. Фоиз коридоридан юқори ёки қуйи томонга тебранишлар, асосан, банклар ликвидлигида таркибий профицит даражаси, гаров мулкнинг етарли эмаслиги ва бошқа операцион сабаблар билан изоҳланади.

Бунда мазкур фоиз ставкаларнинг Марказий банк асосий ставкасига нисбатан тафовути (спреди) I ярим йилликда ўртача **-0,4** фоизни ташкил этди (стандарт оғиши 1,4 фоиз банд).

3.1.4.3-чизма

Банкларо пул бозоридаги 14 кунгача депозитлар ҳажми ва фоиз ставкаларининг Марказий банк асосий ставкасидан тафовути



Манба: Марказий банкнинг статистик бюллетени

Фоиз ставкалар спреди банк тизими ликвидлигига мос ҳолда шаклланиб, январь ойидаги **-1,5** фоиздан апрель ойида **1,0** фоизгача кўтарилган бўлса, ликвидлик ҳолатининг яхшиланиши билан июнь ойида **0,4** фоизгача пасайди.

II ярим йилликда мазкур тафовут янада қисқариб бориб, III чоракда банкларо пул бозоридаги 14 кунгача муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларнинг Марказий банк асосий ставкасидан стандарт оғиши **0,60** фоиз бандни ташкил этган бўлса, IV чоракда мазкур оғиш **0,35** фоиз бандгача қисқарди.

3.2. Валюта сиёсати ва валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2020 йилда валюта сиёсати Халқаро валюта жамғармаси келишув моддалари доирасида қабул қилинган мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда юритилиб, республикада жорий халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларнинг эркин амалга оширилиши ҳамда мазкур операциялар учун чет эл валютасининг чекловларсиз сотиб олиниши ва сотилиши тўлиқ таъминланди.

Шу билан бирга, жаҳон иқтисодиётидаги вазият ҳамда жорий макроиқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб, ички валюта бозоридаги мувозанатни турли хатарлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида капитал ҳаракати операцияларига нисбатан консерватив ёндашув давом эттирилди.

Ўз навбатида, мамлакатда капитал ҳаракати билан боғлиқ жорий вазиятни таҳлил қилиш ҳамда капитал ҳаракатини самарали бошқариш юзасидан Халқаро валюта жамғармасининг техник кўмак миссияси жалб қилиниб, ушбу миссия билан ҳамкорлик ва ўзаро маслаҳатлашувлар жорий йилда ҳам давом эттирилади.

Валюта сиёсати доирасида ички валюта бозорида Марказий банк фаоллигини пасайтириб боришга ва тижорат банкларининг алмашув курсини аниқлашдаги ролини оширишга, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг валюта операцияларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

3.2.1. Ташқи савдо операциялари бўйича маблағлар ҳаракати таҳлили

2020 йилда жаҳонда пандемия оқибатида қатор мамлакатларда карантин чекловларининг жорий этилиши, транспорт ва логистика билан боғлиқ қийинчиликлар, шунингдек, глобал иқтисодиётда талаб ва таклифнинг бир вақтнинг ўзида қисқариши Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари билан ташқи савдо айланмаси ҳажмининг камайишига сабаб бўлди.


Хусусан, ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектларнинг жами **экспорт тушумлари**⁵ 2019 йилга нисбатан **9** фоизга камайиб, 8,7 млрд. АҚШ долларини, импорт тўловлари 2019 йилга нисбатан **1** фоизга камайиб, 20,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ва ташқи савдо операциялари бўйича

⁵ Махсус экспорт (номонетар олтин ҳамда кумуш)дан ташқари.

валюта маблағлари ҳаракатининг манфий сальдоси **11,8** млрд. АҚШ долларига (2019 йилда 11,3 млрд. АҚШ доллари) тенг бўлди.

3.2.1.1-чизма


2019-2020 йилларда корхоналарнинг экспорт тушумлари ҳамда импорт тўловлари миқдори, млн. АҚШ долларида



Натижада, импорт тўловларини экспорт тушумлари билан қопланиш даражаси (“Terms of trade”) **42** фоизни (2019 йилда ушбу кўрсаткич 46 фоиз) ташкил қилиб, импортга йўналтирилган тўловларнинг қолган қисми (корхоналарнинг ўз маблағларидан ташқари) ички валюта бозорида харид қилинган маблағлар ёки хорижий валютадаги кредитлар (жалб қилинган ташқи қарз) ҳисобидан молиялаштирилди.

3.2.1.2-чизма

2019-2020 йилларда тармоқ корхоналарининг экспорт тушумлари тузилмаси, фоизда



2020 йилда жами экспорт тушумларининг **61** фоизи ёки **5,3 млрд. АҚШ** доллари иқтисодиётнинг тармоқ корхоналари ҳиссасига тўғри келиб, бунда **оғир саноат** соҳасининг улуши **33** фоиз, **енгил саноат** соҳасининг улуши **31** фоиз ва **ёқилғи-энергетика** соҳасининг улуши **16** фоизни ташкил этди. Шунингдек, озиқ-овқат саноати (6 фоиз) ва бошқа соҳалар (7 фоиз) улушларида ўзгаришлар кузатилмади.

Экспорт тушумлари ҳамкор давлатлар кесимида қаралганда, уларнинг **71** фоизи 7 та хорижий давлатларга, хусусан, **20** фоизи (1,7 млрд. АҚШ доллар) Хитой, **16** фоизи (1,4 млрд. АҚШ доллар) Россия Федерацияси, **11** фоизи (976 млн. АҚШ доллар) Қозоғистон, **7** фоизи (612 млн. АҚШ доллар) Сингапур, **6** фоизи (502 млн. АҚШ доллар) Туркия, **5** фоизи (466 млн. АҚШ доллар) Қирғизистон ва **5** фоизи (449 млн. АҚШ доллар) Швейцария давлатлари ҳиссасига тўғри келди.


Ҳисобот йилида жами экспортдан келиб тушган валюта маблағларининг **96** фоизи АҚШ доллари, **3** фоизи евро ҳиссасига тўғри келди.

Жами импортга тўловларнинг **57,5** фоизи ёки **11,8 млрд. АҚШ** доллари ички валюта бозоридан харид қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиб, харид маблағлари 2019 йилга нисбатан **8** фоизга ёки **888 млн. АҚШ** долларига кўпайди.

Хорижий валютадаги кредитлар ҳисобидан амалга оширилган импортга тўловларнинг 2019 йилга нисбатан **28** фоизга ёки **1,4 млрд. АҚШ** долларига камайиши кузатилиб, умумий ҳажми **3,8 млрд. АҚШ** долларини ташкил этди.

3.2.1.3-чизма

2019-2020 йилларда корхоналарнинг импорт тўловлари ва манбалари динамикаси, млн. АҚШ доллариди



Корхоналарнинг ўз валюта маблағлари ҳисобидан амалга оширилган импортга тўловлари ҳажми қарийб **5 млрд. АҚШ долларини** (жами импорт тўловларининг қарийб 25 фоизи) ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан **281 млн. АҚШ долларига** ёки **6** фоизга ошди.

Жами импорт тўловларининг қарийб **53** фоизи **4** та ҳамкор мамлакатларга ўтказилган бўлиб, шундан **18** фоизи (3,6 млрд. АҚШ доллар) Россия Федерацияси, **17** фоизи (3,5 млрд. АҚШ доллар) Хитой, **10** фоизи (2,1 млрд. АҚШ доллар) Жанубий Корея ва **8** фоизи (1,6 млрд. АҚШ доллар) Қозоғистон давлатларига тўғри келди.


2020 йилда ташқи савдо шартномалари доирасидаги импорт тўловларининг **81** фоизи (16,7 млрд. АҚШ доллар) АҚШ доллариди, **14** фоизи (2,9 млрд. АҚШ доллар) еврода, **4** фоизи (809 млн. АҚШ доллар) Россия рублида ва қолган **1** фоизи бошқа валюталарда амалга оширилган.

3.2.2. Ички валюта бозоридаги операциялар таҳлили

2020 йилда ички валюта бозорида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш операциялари ҳажми ҳамда валюта бозори иштирокчилари сони ўтган йилга нисбатан ўсиши кузатилди.

3.2.2.1-чизма

2020 йилда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган ва сотиб олинган хорижий валюталар ҳажми, млн. АҚШ доллариди




Хусусан, ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми ўтган йилга нисбатан **12** фоизга ошиб, 15,4 млрд. АҚШ долларини (2019 йилда–13,7 млрд. АҚШ доллар), сотилган валюта ҳажми эса **14** фоизга ошиб, 6,7 млрд. АҚШ долларини (2019 йилда–5,9 млрд. АҚШ доллар) ташкил қилди.

2020 йилда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички валюта бозорида харид қилинган хорижий валюта маблағларининг **60** фоизи ишлаб чиқариш учун **асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ва хомашё импорти**, **21** фоизи истеъмол товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **15** фоизи хорижий кредитларни сўндириш, **1** фоизи хорижий инвесторлар даромадлари репатриацияси ва қолган **3** фоизи бошқа мақсадлар учун ишлатилган.

Ҳисобот йилида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олинган валюта ҳажми аввалги йилга нисбатан **14** фоизга ошиб, 3,7 млрд. АҚШ долларини (2019 йил – 3,2 млрд. АҚШ доллар), айни пайтда валюта биржаси орқали амалга оширилган валюта операциялари ҳажми ҳам **11** фоизга ўсиб, 11,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

3.2.2.2-чизма

2019-2020 йилларда чет эл валютасини сотиб олиш мақсадлари таркиби



Ички валюта бозорида Молия вазирлиги (*инқирозга қарши курашиш учун халқаро молия институтларининг кредитлари*) ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан сотилган чет эл валютаси миқдори **2,4 млрд. АҚШ долларини** ташкил этди.


Валюта бозори иштирокчилари сони аввалги йиллар каби 2020 йилда ҳам ўсишда давом этди. Бунда, валюта бозорида хорижий валютани харид қилган корхона ва ташкилотлар ўртача сони 2019 йилга нисбатан **7** фоизга ёки **6 700** тадан **7 200** тагача, сўнгги икки йил давомида эса **2** баробарга кўпайди (2018 йилда – 3600 та).

2020 йилда ички валюта бозорида хорижий валюта таклифи асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг экспорт тушумлари, жалб қилинган

хорижий кредит линиялари ҳамда халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта маблағлари ҳисобига шаклланди.

3.2.2.3-чизма

2019-2020 йилларда хорижий валюта таклифи манбалари, млн.АҚШ долл.



Хусусан, 2020 йилда тижорат банкларига хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотилган валюта ҳажми **6,7 млрд. АҚШ долларини** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **14** фоизга ошди (*2019 йилда – 5,9 млрд. АҚШ доллар*). Ушбу кўрсаткич ички валюта бозоридаги Марказий банк интервенцияларидан ташқари жами хорижий валюта таклифининг **47** фоизини ташкил этди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг валюта интервенциялари олтин-валюта захираларининг нейтраллик принципига асосланган ҳолда амалга ошириб борилди. Марказий банк томонидан сотилган чет эл валютасининг соф ҳажми йил давомида сотиб олинган монетар олтин ҳажми доирасида бўлди.

2020 йилда Марказий банк томонидан монетар олтин сотиб олинishi ҳисобига юзага келган қўшимча ликвидликни стерилизация қилиш мақсадида амалга оширилган интервенция операциялари ҳажми **5,2 млрд. АҚШ долларини** (*53,0 трлн. сўм эквивалентида*) ташкил этди.


2020 йил давомида **миллий валюта алмашув курси динамикаси** валюта бозоридаги талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатидан келиб чиқиб, ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиб борди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида пандемия таъсирида ташқи ва ички иқтисодий шароитларнинг ўзгариши, асосий савдо ҳамкор давлатлар валюталарининг кескин қадрсизланиши ҳисобига девальвацион кутилмаларнинг ўсиши, шунингдек, ички валюта бозорида чет эл валютасига

бўлган талабнинг ўсиши каби омиллар таъсирида миллий валюта 7,2 фоизга қадрсизланди. Йилнинг иккинчи ярмида эса сўмнинг алмашув курси нисбатан барқарор динамикани кўрсатди ҳамда 2,7 фоизга қадрсизланди.

3.2.2.4-чизма

2020 йил мобайнида валюта биржаси савдоларида бир АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати



Умуман олганда, 2020 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси йил бошига нисбатан 10,1 фоизга (9501 сўмдан 10461 сўмгача) қадрсизланди.

Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари

Ҳисобот йилида жисмоний шахсларга валюта операцияларини амалга оширишда кўшимча қулайликлар яратиш мақсадида валюта айирбошлаш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган ишлар давом эттирилди.

Хусусан, аҳоли гавжум жойларда, туристик зоналар, аэропортлар, вокзаллар, савдо мажмуалари ва бозорларда тижорат банклари томонидан ташкил этилган “24/7” режимида ишловчи **автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари** сони 722 тадан 1 306 тага етказилди.

Натижада, 2020 йил якуни бўйича валюта айирбошлаш шохобчаларининг умумий сони (автоматлаштирилган шохобчалар билан бирга) 2019 йилга нисбатан 940 тага ёки 55 фоизга ошиб, 2 664 тани ташкил этди.

Шунингдек, 2020 йилнинг июнь ойидан “24/7” режимида ишловчи автоматлаштирилган валюта айирбошлаш банкоматлари орқали 100 АҚШ долларигача бўлган миқдорда миллий валютани чет эл валютасига айирбошлаш имконияти яратилди.

2020 йилда тижорат банклари томонидан жисмоний шахслардан жами **4,6 млрд. АҚШ** доллари миқдорида хорижий валюта сотиб олинган бўлиб, 2019 йилга нисбатан **21** фоизга ёки 803 млн. АҚШ долларига ошди.

Ҳисобот йилида тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга жами **4,1 млрд. АҚШ** доллари миқдорида ёки 2019 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп валюта маблағлари сотилди.

3.2.2.5-чизма

2020 йилда жисмоний шахсларнинг валюта айирбошлаш операциялари ҳажми, млн. АҚШ доллариди



Автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчаларидаги банкоматлар орқали жисмоний шахслардан сотиб олинган нақд чет эл валютаси **247,7 млн. АҚШ** долларини ҳамда жисмоний шахсларга сотилган нақд чет эл валютаси **15,3 млн. АҚШ** долларини ташкил этди.


2020 йилда пандемия таъсирида жисмоний шахслар билан валюта олди-сотди операциялари динамикаси ўзгарувчан тенденцияга эга бўлди. Хусусан, март-апрель ойларида кучайтирилган тартибдаги карантин чекловларининг амал қилиши, пандемия билан боғлиқ ноаниқликнинг кучайиши таъсирида хориждан пул ўтказмалари ҳажмининг қисқариши натижасида жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиш ҳажми камайди.

Карантин чекловларининг босқичма-босқич юмшатилиши шароитида июль ойидан бошлаб, жисмоний шахслар томонидан хорижий валютани сотиш ҳажмининг ўсиб бориши кузатилди.

2020 йилда халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари орқали республикага жами **6,0 млрд. АҚШ** доллари миқдорида ёки 2019 йилга нисбатан **0,3** фоизга кўп хорижий валюта келиб тушди. Бунда республикага келиб тушган халқаро пул ўтказмаларининг **72** фоизи (2019 йилда 77 фоиз) ёки **4,3 млрд. АҚШ** доллари Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келди.

3.2.2.6-чизма


**Халқаро трансчегаравий пул ўтказмалар орқали келиб тушган ва хорижга
жўнатилган маблағлар динамикаси,
млн. АҚШ доллариди**



2020 йилнинг I ярим йиллигида халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари орқали келиб тушган маблағлар миқдори 2019 йилнинг мос даврига нисбатан **6** фоизга ёки **156 млн. АҚШ** долларига камайган бўлса, ушбу кўрсаткич II ярим йилликда ижобий ўсиш динамикасига эга бўлиб, пул ўтказмалари ҳажмининг 2019 йилга нисбатан **0,3** фоизга ёки **17 млн. АҚШ** долларига ошишини таъминлади.

3.2.2.7-чизма

**Халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган маблағлар ҳамда
жисмоний шахслар томонидан чет эл валютаси сотуви ҳажми,
млн. АҚШ доллариди**



Пандемия даврида жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон чегарасидан ҳаракатланиши билан боғлиқ чекловларнинг киритилишига қарамасдан, халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг ўтган йил даражасида сақланиб қолганлиги норасмий нақд валюта оқимларининг банк сектори орқали келиб тушиши билан изоҳланади.

Ҳисобот йилида жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси ҳажми халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта ҳажмининг 2019 йилдаги 63 фоиздан 75 фоизигача кўпайди.

3.2.3. Валютага оид қонунчилик ҳужжатларини соддалаштириш борасида амалга оширилган ишлар

Ҳисобот йилида валютани тартибга солиш билан боғлиқ қонуности ҳужжатларини янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқлаштириш, бир-бирини такрорловчи нормаларни қисқартириш, уларнинг амалиётда турли хил талқин қилинишини олдини олиш ҳамда валюта соҳасидаги муносабатларнинг тўғридан-тўғри қонун билан тартибга солинишини таъминлаш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилди.

3.2.3.1-чизма



Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июлдаги ПФ-6021-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 472-сонли қарори асосида валютани тартибга солиш билан боғлиқ **41** та ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, **73** та ҳужжат ва нормалар ўз кучини йўқотган, деб топилди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида “Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидалари” давлат рўйхатидан ўтказилди (*рўйхат рақами 3281, 2020 йил 31 август*). Мазкур ҳужжат билан валютани тартибга солиш соҳасида амалда бўлган **5** та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар **унификация** қилинган ҳолда, уларда белгиланган нормалар **халқаро тажрибага мувофиқ ягона ҳужжатда умумлаштирилди**.

Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш қоидаларида банкларнинг валюта операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилиши билан боғлиқ **мустақиллигини оширишга** алоҳида эътибор қаратилди. Бунда:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини конвертация қилиш жараёнлари ҳамда чет эл валютасини сотиб олиш учун тақдим этиладиган буюртмаларни банклар томонидан **кўриб чиқиш тартиби соддалаштирилди**;

- сотиб олинган валюта маблағлардан фойдаланиш борасида қўшимча кулайликлар яратилди, хусусан, банк мижозларининг махсус валюта ҳисобварағига турли сабабларга кўра қайтиб тушган валюта маблағларидан **такроран фойдаланиш имконияти яратилди**;

- Марказий банк томонидан валюта айирбошлаш шохобчаларини рўйхатга олиш ва уларга гувоҳномалар бериш **амалиёти бекор қилинди**;

- айирбошлаш операцияларини расмийлаштириш тартиби, валюта айирбошлаш шохобчаларида ходимлар сони, хавфсизлик талаблари, уларни мониторинг қилиш ва бошқа талаблар **тижорат банклари томонидан мустақил белгиланиши** жорий қилинди.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш борасидаги фаолият

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг халқаро захираларини бошқариш, ҳисобга олиш, сақлаш ҳамда захира активларини ўз ичига олган ташқи сектор статистикасини шакллантириш ва эълон қилиш фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Халқаро стандартларга мувофиқ, халқаро захиралар монетар олтин, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, Халқаро валюта жамғармасидаги маблағларни жалб қилишга доир махсус ҳуқуқлар ва захира позицияси, ҳосилавий молиявий инструментлар ҳамда бошқа активларни ўз ичига олади. Бунда ушбу активлар норезидентларга бўлган талабни ўзида акс эттирувчи ташқи активлар кўринишида бўлиши, ликвидлилиги ва сифати юқори бўлиши, халқаро тўловларда эркин фойдаланиладиган хорижий валютада бўлиши, пул-кредит органларининг эркин тасарруфида ва назоратида бўлиши талаб этилади.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий - молиявий ривожланганлиги, халқаро молия тизимига интеграциялашуви даражаси, жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни, табиий бойликларга эгаллиги, валюта курси режими ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ўз захираларини шакллантиради ва уни етарли даражада сақлашга ҳаракат қилади.

Жумладан, халқаро амалиётда захираларни сақлаш ва бошқаришда зарур ҳолларда тўлов балансини (жорий ҳисоб дефицитини) молиялаштириш, ташқи қарзга хизмат кўрсатиш, пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш, ташқи шоклар ва инқирозлар даврида молия бозори барқарорлигини таъминлаш, молия тизими ва иқтисодиётга бўлган ишончни мустаҳкамлаш, турли фавқулодда ҳолатларда (табиий офат ва ҳ.к.) фойдаланиш ва инвестицион даромад олиш каби мақсадлар устувор бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, захираларни сақлаш ва бошқаришдан кутилаётган мақсаднинг аниқ белгилаб олиниши жуда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, захираларнинг мақбул ҳажми ва бошқариш усуллари белгилаб олинади.

Захиралар ҳажмининг мақбул даражадан кам бўлиши инқирозли даврларда мамлакат импортини қоплаш даражасининг пасайиши ва ташқи қарз бўйича мажбуриятларга хизмат кўрсатиш қийинлашиши сабабли барқарор ривожланишга ҳамда мамлакатнинг халқаро рейтингига салбий таъсир кўрсатиши каби қатор оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Мамлакат халқаро захираларини мақбул даражада сақлаш мамлакат миллий валютаси, молия тизими ва иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда ва натижада узоқ муддатли иқтисодий ўсишга эришишда асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро захиралар ҳажми ва уларни бошқариш бўйича шаффофликни таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг веб-сайтида ҳамда Халқаро валюта жамғармасининг “Кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими”да Ўзбекистоннинг халқаро захиралари тўғрисидаги маълумотлар мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 4796-сонли Қарорига мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг статистика маълумотларини тарқатишнинг янги стандартларига (Маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарт тизими) ўтиш белгиланган. Мазкур тизимга мувофиқ, халқаро захиралар бўйича статистик маълумотларни эълон қилиш даврийлиги қисқартирилиши ва ушбу маълумотлар қамрови кенгайтирилиши кўзда тутилган.

3.3.1. Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси ва таркибининг таҳлили


Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари ҳажми 2020 йил давомида 5,7 млрд. АҚШ долларига ёки 19,6 фоизга ўсиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига **34,9 млрд. АҚШ долларига** етди.

Мазкур ошишнинг **4,2 млрд. АҚШ доллари** жаҳон бозорида олтин нархининг сезиларли даражада ошиши ҳамда қолган 1,5 млрд. АҚШ доллари Марказий банкдаги тижорат банклари, мижозлар ва ҳукумат маблағлари қолдиғидаги ўзгаришлар ҳисобига шаклланган.

2011-2020 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси халқаро захираларининг таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берган бўлиб, монетар олтиннинг улуши 2011 йилнинг бошидаги 23 фоиздан 2021 йил 1 январь ҳолатига 58 фоизгача ошган.

Халқаро захиралар таркибида монетар олтин улушининг ошиши 2011-2016 йилларда олтин нархида салбий тенденция кузатилганлиги (олтин нархи 2011 йил бошидаги 1 троя унцияси учун 1 410,3 АҚШ долларидан 2016 йил охирига 1 062,3 АҚШ долларигача пасайган, яъни 25 фоизга арзонлашган) сабабли бозор конъюнктураси барқарорлашгунга қадар монетар олтиннинг захирада йиғилганлиги билан изоҳланади.

3.3.1.1-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари
таркиби ўзгариши

2016 йилдан кейинги даврда монетар олтиннинг ҳажми сезиларли даражада ошмаган бўлсада, жаҳон бозоридаги олтин нархида давомий ўсиш тенденцияси кузатилганлиги боис халқаро захиралар қиймати барқарор равишда ошиб борди.


Таъкидлаш жоизки, турли инқирозли даврларда халқаро захиралар таркибида олтиннинг улуши юқори бўлган мамлакатларда, захиралар қийматини сақлаб қолишда олтиннинг хавфсиз актив сифатидаги хусусияти муҳим аҳамият касб этади.

Олтиннинг ушбу хусусияти 2020 йилда яққол кўриниб, Ўзбекистон Республикаси халқаро захиралари таркибидаги олтин ҳажми деярли ўзгаришсиз қолган бўлсада, пандемия даврида олтин нархининг ўсиши ҳисобига (01.01.2020й. – 1511,5 АҚШ доллари, 01.01.2021й. – 1891,1 АҚШ доллари) монетар олтин қиймати **24** фоизга ошди.

Олтин нархининг бундай динамикаси 2020 йилнинг бошида жаҳондаги геосиёсий вазият ва кейинчалик коронавирус пандемиясининг авж олиши ва давлатлар томонидан кескин карантин чоралари қўлланилиши ҳамда халқаро иқтисодий фаолликнинг пасайиши оқибатида олтинга хавфсиз актив сифатида бўлган талабнинг ошганлиги билан изоҳланади.

3.3.1.2-чизма

Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари динамикаси



Шу билан бирга, давлатлар томонидан иқтисодий молиявий рағбатлантириш чораларининг қўлланилиши инфляциян кутилмаларнинг ошиши ҳамда йирик марказий банклар томонидан асосий фоиз ставкаларнинг минимал даражаларга туширилиши натижасида реал фоиз ставкалар манфий кўрсаткичга ўзгариши олтинга инфляциян ҳимоя воситаси сифатида бўлган талабнинг ошишига ва унинг нархини янада ўсишига сабаб бўлди.

Халқаро захираларни бошқариш амалиёти

2017 йил сентябрь ойидан бошлаб валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши ва пул-кредит сиёсатининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида халқаро захираларнинг “нейтраллик” принципи жорий қилинди. Унга кўра, ишлаб чиқарувчи корхоналардан қимматбаҳо металлларни сотиб олиш натижасида муомалага чиқарилган кўшимча пул маблағларини стерилизация қилиш учун сотиб олинган олтин эквивалентидаги валюта маблағлари Марказий банк томонидан ички валюта бозорига йўналтирилади.

Ҳисобот йилида ҳам Марказий банк томонидан ишлаб чиқарувчи корхоналардан сотиб олинган қимматбаҳо металлларга доир операциялари олтин валюта захираларини бошқаришнинг нейтраллик принципи асосида амалга оширилди.

Хусусан, 2020 йилда 100 тонна олтинни экспорт қилишдан 5,8 млрд. АҚШ доллар валюта маблағлари тушди ва шундан 5,2 млрд. АҚШ доллари ички валюта бозорига интервенция қилинди.

Халқаро захираларни бошқаришда жойлаштириладиган активлар тури ва сифати муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси захира активлари юқори суверен кредит рейтингига эга мамлакатлардаги халқаро миқёсда юқори нуфузга эга ҳамкор банкларга жойлаштирилади.


Хатарларни бошқариш мақсадида захира активларининг лозим даражадаги диверсификациясини амалга оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Захира активлари, асосан, мамлакатлар, хорижий ҳамкорлар, чет эл валюталари ҳамда активлар ва молиявий инструментлар турлари бўйича диверсификация қилинмоқда.

Жумладан, валюта маблағларининг 29 фоизи “AAA”, 34 фоизи “AA” ва 29 фоизи “A” суверен кредит рейтингига эга мамлакатлардаги ҳамкор банклар ҳиссасига тўғри келади. Бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мазкур давлатлардаги банкларнинг улушлари ўзгариб туриши мумкин.


3.3.1.3-чизма

3.3.1.4-чизма

Активларнинг кредит рейтингини бўйича улуши ва динамикаси



Чет эл валютасидаги активларнинг кредит рейтингини бўйича улуши ва динамикаси



Марказий банк томонидан халқаро захираларнинг диверсификация даражасини янада ошириш ҳамда хорижий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ҳам ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, 2011 йил 1 январь ҳолатига Марказий банк томонидан дунёнинг 10 та мамлакати ҳамда 20 та хорижий банклар билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони мос равишда 13 та ва 33 тага етди.


Активларнинг валюта тури бўйича таркиби мамлакат ташқи савдоси хусусиятлари, валюта ва пул бозоридаги ҳолатлар ҳамда бошқа омиллар таҳлили асосида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилмоқда. Бугунги кунда халқаро захиралар таркибига АҚШ доллари, Евро, Англия фунт стерлинги, Япония йенаси, Хитой юани, Канада доллари ва Швейцария франки киритилган.

Халқаро захиралардаги валюталар таркибини мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти, валюталарнинг ўз қийматини сақлаши ва даромадлилиги каби хусусиятларидан келиб чиқиб, шакллантириш бўйича доимий равишда чоралар кўриб борилмоқда.

Жумладан, 2020 йилда Европа ва Япония валюталарининг халқаро захиралар таркибидаги улушини камайтириш амалиёти давом эттирилди. Мазкур ҳолат, ушбу давлатлар иқтисодиётларининг 2008 йилдаги халқаро молиявий инқироздан тўлиқ тикланмаган шароитда 2020 йилда коронавирус пандемиясининг қўшимча босими оқибатида евро ва Япония йенаси валюталарида манфий фоиз ставкаларининг шаклланиши билан изоҳланади.

3.3.1.5-чизма

Валюта активларининг валюта тури бўйича таркибининг ўзгариши



Ҳисобот йилида халқаро захираларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш ва кадрлар малакасини ошириш мақсадида Марказий банк ҳамда Жаҳон банки ўртасида Халқаро захиралар бўйича маслаҳат ва бошқариш (РАМП) дастури бўйича келишув имзоланди.

Ушбу дастур халқаро захираларни бошқаришда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш орқали халқаро захираларни бошқариш амалиётини такомиллаштириш ҳамда бошқарув тизими самарадорлигини ошириш имконини беради.

Бунда жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, халқаро захиралар таркибида олтин улушини мақбуллаштириш ҳамда юқори рейтинг ва ликвидликка эга давлатлар, халқаро молия ташкилотлари томонидан чиқарилган ёки кафолатланган қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий инструментлар ҳисобига захиралар таркибини диверсификация қилиш ҳамда захираларни бошқаришнинг замонавий усуллари қўллаш орқали ликвидлик, таваккалчилик ва даромадлилик каби кўрсаткичларининг янада яхшиланишига эришилади.

Дастур доирасида халқаро захираларни бошқариш бўйича молиявий билимларни ҳамда ходимлар малакасини ошириш мақсадида Жаҳон банки томонидан семинар ва тренинглар ташкил этилди.

Хусусан, 2020 йилнинг август-декабрь ойлари давомида Марказий банк ходимлари бухгалтерия, аудит ва халқаро захираларни бошқаришга доир махсус онлайн семинарларда иштирок этиб, 24 та малака сертификатига эга бўлишди.


3.3.2. Халқаро захираларнинг етарлилик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили

Халқаро амалиётда халқаро захираларнинг етарлилигини баҳолаш учун турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, амалиётда кенг қўлланиладиган ва фойдаланувчилар томонидан осон тушуниладиган кўрсаткичларга **Захираларнинг қисқа муддатли қарзларни қоплаш даражаси, Импортни қоплаш даражаси, Кенг маънодаги пул массасига нисбати** ҳамда ривожланаётган мамлакатлар учун **Захиралар етарлилиги** (ARA EM – Reserves Adequacy for Emerging Markets) кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Мазкур кўрсаткичлар алоҳида омиллардан кутилиши мумкин бўлган рискларни баҳолаш имконини беради. Юзага келиши мумкин бўлган рискларга нисбатан умумий баҳо бериш мақсадида ўзида бир нечта омилларнинг таъсирини бирлаштирувчи ХВЖ томонидан ишлаб чиқилган ARA EM кўрсаткичидан фойдаланилади. Бунда муайян мамлакатнинг ривожланиш даражаси, унда амал қилаётган валюта курси режими ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, кенг маънодаги пул массаси, экспорт, қисқа муддатли қарзлар ва бошқа мажбуриятлар турли хил улушларда қамраб олган ягона кўрсаткич ҳисобланади.

3.3.2.1-чизма

Халқаро захираларнинг пул массасига нисбати, 01.01.2021 й. ҳолатига




Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари

Бу кўрсаткичлар бўйича халқаро захираларга қўйиладиган минимал талаблар захираларнинг қисқа муддатли қарзларни тўлиқ (100 фоизга) қоплай олиши, камида уч ойлик импортни қоплаши, кенг маънодаги пул массасига нисбатан камида 20 фоизни ташкил қилиши ҳамда АРА ЕМ кўрсаткичи захираларнинг 100-150 фоизи миқдорларида белгиланган.

3.3.2.2-чизма

Халқаро захираларнинг импортни қоплаш даражаси, ой ҳисобида



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари


Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари мазкур минимал талабларга тўлиқ жавоб беради ҳамда мамлакатимиз бу борада МДХ ва бошқа кўпгина Осиё давлатлари орасида нисбатан юқори кўрсаткичларга эга.

Жумладан, халқаро захираларнинг кенг маънодаги пул массасига нисбати 2021 йил 1 январь ҳолатига **340** фоизни ташкил қилган бўлиб, 20 фоизлик минимал талабдан 17 баробар кўпдир.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг 2020 йил якуни бўйича шаклланган халқаро захиралари **16 ойлик импортни** қоплашга етади. Бу эса минимал талаб этиладиган кўрсаткичдан 5,3 баробарга кўпроқдир.

3.3.2.3-чизма

Халқаро захираларнинг қисқа муддатли ташқи қарзни қоплаши ва АРА ЕМ кўрсаткичи, фоизда



Манба: ХВЖ ва Марказий банк маълумотлари


Мавжуд халқаро захиралар Ўзбекистоннинг қисқа муддатли ташқи қарзларини тўлиқ қоплайди ҳамда бугунги кунда минимал талабга нисбатан **15** баробар юқори даражада шаклланган. ХВЖнинг АРА ЕМ кўрсаткичи бўйича захиралар етарлилигига қўйиладиган минимал талабдан **5** баробарга кўпроқдир.

Мазкур кўрсаткичлар бошқа муҳим макроиктисодий кўрсаткичлар сингари инвесторлар ва бошқа фойдаланувчилар учун ижобий ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади.

Халқаро захираларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига нисбатан кўрсаткичининг ҳисобланиши⁶, захираларнинг мамлакат иқтисодиёти ҳажмини ҳисобга олган ҳолда бошқа давлатлардаги кўрсаткичлар билан солиштириш ҳамда унинг динамикасини таҳлил қилиш имкониятини яратади.

3.3.2.4-чизма

Халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан ўзгариши, фоизда



Манба: ХВЖ ва хорижий мамлакатлар марказий банклари маълумотлари

Хусусан, ташқи савдо бўйича асосий ҳамкор мамлакатлар кўрсаткичлари билан солиштирганда Ўзбекистон халқаро захираларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори даражада шаклланган. Жумладан, Ўзбекистонда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбати бугунги кунда 60 фоизни ташкил қилади⁷. Мазкур кўрсаткич сўнгги йиллар мобайнида Ўзбекистон ва ҳамкор мамлакатларда деярли ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда.

Жаҳон бозорида олтин нархининг 2021 йилдаги кутилмалари

Олтин нархи динамикаси 2021 йил давомида мамлакатларнинг пандемия шароитида иқтисодий-ижтимоий тикланиши ҳамда давлатлар ўртасидаги сиёсий-иқтисодий муносабатларнинг ўзгаришидан (жумладан, давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва протекционизм амалиётининг кучайиши) келиб чиққан ҳолда шаклланиши кутилмоқда. Вакциналаш амалиёти ва коронавирус янги штаммининг тарқалишидаги ўзгаришлар олтин нархининг

⁶ Ўзбекистон Республикасининг номинал ЯИМ ҳажмининг АҚШ долларидagi эквиваленти АҚШ долларининг сўмга нисбатан қийматининг йиллик ўртача курси асосида ҳисобланган.

⁷ Халқаро ҳисоб-китоблар банки (BIS) маълумотида кўра, ривожланаётган давлатларда 2018 йилда халқаро захираларнинг ЯИМга нисбатан кўрсаткичи ўрта ҳисобда 30 фоизни ташкил қилган.

қисқа муддатга (1-2 кундан 1-2 ой ойгача) кескин тебранишига олиб келиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, олтин нархи динамикаси 2021 йил учун учта эҳтимолий сценарийга, яъни иқтисодий тикланишнинг **базавий**, **муқобил-оптимистик** ва **муқобил-хатарли** сценарийларга асосланади.

Иқтисодий тикланишнинг **базавий** сценарийсига кўра, пандемия билан боғлиқ вазият 2022 йилнинг бошига қадар аста-секинлик билан яхшиланиб боради. Бунда олтинга хавфсиз ва инвестицион актив сифатидаги талаб бугунги кун даражасида сақланиб қолиб, 2021 йилда олтин нархи 1 троя унция учун 1800-1900 АҚШ доллари оралиғида тебраниши башорат қилинмоқда.

Муқобил-хатарли сценарийда пандемия билан боғлиқ вазият янада ёмонлашиши, карантин чоралари 2021 йилда ҳам давом этиши, вакциналарни режалаштирилганидан кам миқдорда ишлаб чиқарилиши ва “номутаносиб” тақсимланиши, уларни етказиб бериш ва эмлаш жараёнидаги узилишлар ҳамда глобал иқтисодиётнинг секин суръатларда тикланиши кутилаётган вазиятларда олтинга бўлган талаб юқори даражада шаклланиб, 2021 йилда олтин нархи 1850-2000 АҚШ доллари оралиғида тебраниши тахмин қилинмоқда.

Муқобил-оптимистик сценарий пандемия билан боғлиқ ҳолатни нисбатан тез суръатларда яхшиланиши, карантин чораларининг юмшатилиши, шунингдек, 2021 йилнинг иккинчи ярмидан вирусга қарши вакциналар ва дори-дармон воситаларининг кенг кўламда қўлланиладиган вазиятни вужудга келиши билан боғлиқ. Бунда капитал оқимининг хавфсиз активлардан (олтиндан) фонд бозорига ва иқтисодиётга йўналтирилиши натижасида олтинга бўлган талабнинг пасайиши сабабли 2021 йилда олтин нархи 1700-1850 АҚШ доллари оралиғида тебраниши башорат қилинмоқда.

Етакчи хорижий банклар ва халқаро молия институтлари 2021 йил давомида олтин нархи 1750-2100 АҚШ доллари оралиғида тебранишини башорат қилмоқдалар.

3.4. Марказий банкнинг коммуникация сиёсати

Ҳисобот йилида коммуникация сиёсати Марказий банк томонидан нархлар, банк тизими ва тўлов тизимлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларнинг жорий ҳолати ва яқин истиқболдаги кутилаётган ўзгаришларни кенг жамоатчиликка очиқлик ва шаффоқлик тамойилларига асосан мунтазам етказиб боришга қаратилди.

Коронавирус пандемияси таъсирида иқтисодиётда ноаниқликларнинг ҳамда хавотирларнинг юзага келиши, қатъий карантин пайтида аҳолида банк хизматларидан фойдаланиш, кредит тўловлари билан боғлиқ саволларнинг пайдо бўлиши шароитида коммуникация сиёсати, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Бунда кредиторлар, қарз олувчилар, омонатчилар ҳамда банк тизимининг бошқа иштирокчиларида юзага келган хавотирларни камайтириш мақсадида Марказий банк томонидан турли коммуникация каналларидан фойдаланган ҳолда пандемиянинг салбий таъсирини минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти, пул-кредит ва банк тизимидаги ҳолат доимий равишда ёритиб борилди.

Пандемия шароитида ОАВ ва аҳоли муурожаатлари масофадан тезкорлик билан кўриб чиқилиб, жавоб қайтарилди ҳамда жамоатчилик ва бизнес тузилмалар билан алоқалар изчил йўлга қўйилди.

Марказий банк ўз фаолиятининг самарадорлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайтнинг (www.cbu.uz) янгиланган версиясини 2020 йилда ишга туширди ҳамда Марказий банк ва банк тизими фаолиятига оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, статистик маълумотлар, пул-кредит ҳамда валюта бозорлари ҳамда бошқа йўналишлардаги ахборотлар мунтазам ва тизимли равишда сайтга жойлаштириб борилди.

Хусусан, ҳисобот йилида расмий веб-сайтга 355 та ахборот, 19 та пресс-релиз, 23 та шарҳ, 6 та нутқ ва маъруза, 32 та мақола ва интервью, 400 дан ортиқ статистик ва бошқа маълумотлар жойлаштирилди.

2020 йилда веб-сайтга республика ҳудудидан кунлик ташриф буюрувчилар сони ўртача 8 минг нафарни ҳамда хорижий мамлакатлардан ташриф буюрувчилар 3-3,5 минг нафарни ташкил этди.

Мақсадли аудиторияни кенгайтириш ва коммуникацион сиёсат қамровини ошириш мақсадида ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар сони 6 тага етказилди ҳамда мазкур тармоқлардаги ахборотлар мунтазам равишда янгиланиб борилди.

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг “Телеграм” каналига 3 000 дан ортиқ мақолалар, шарҳлар, эълонлар, видеолархалар, инфографикалар, таҳлилий ва статистик маълумотлар жойлаштирилди. Натижада, каналдан фойдаланувчилар сони 2019 йилга нисбатан 40 фоизга ошиб, 14,5 минг нафарга етди.

Марказий банкнинг “Фейсбук” ижтимоий тармоғидаги саҳифасига 700 дан зиёд ахборотлар жойлаштирилди ҳамда ўқувчилар сони 4 730 тадан ошди.

Ҳисобот йилида Марказий банк раиси ва ўринбосарлари, масъул ходимлари иштирокида 13 та онлайн брифинг ва 11 та матбуот анжумани ташкил этилди. Ушбу тадбирлар “O‘zbekiston 24” ва “UzReport” телеканалларида ҳамда Марказий банкнинг “Фейсбук”даги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилди. Ҳар бир матбуот анжумани 40 дан ортиқ ОАВ, веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги каналлар орқали журналист ва блогерлар томонидан фаол ёритилди. Бу эса, Марказий банк томонидан олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказилишида маълум жиҳатдан амалий ёрдам берди.

Коммуникация сиёсати доирасида жамоатчиликка тақдим этилаётган материалларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулай ва тушунарли шаклда етказилиши учун инфографика ва видеоматериаллар орқали хабардор қилиш амалиёти кенг йўлга қўйилди. Жумладан, жамоатчиликни қизиқтирган долзарб мавзуларда Марказий банк масъул ходимлари иштирокида видеоинтервью ва роликлар тайёрланиб, марказий ва нодавлат телеканалларда намойиш этилди ҳамда ижтимоий тармоқларда жойлаштириб борилди.

Ҳисобот йилида “Интерфакс”, “Reuters”, “Tass” каби нуфузли ахборот агентликлари, CentralAsia.ru, BBC, Trend.az, sputnik.ru сайтлари ва бошқа қўплаб хорижий ОАВлар томонидан Марказий банк фаолиятига оид муҳим информацион ва таҳлилий материаллар эълон қилинди.

2020 йилда расмий сайт ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда ахборотларни маълум бир даврийлик асосида тизимли эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди. Хусусан:

кунлик – олтин қуймалар сотув нархлари, хорижий валюталарнинг биржа курси, банклардаги депозит фоиз ставкалари бўйича асосий индекслар ва котировкалар, пул-кредит операцияларини амалга ошириш бўйича эълонлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотлар ва банк тизимида оид янгиликлар;

ҳафталик – хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан курслари;

ойлик – пул-кредит статистикаси, ҳудудларда асосий товар ва хизматлар инфляцияси шарҳи, Ўзбекистон Республикасининг халқаро захиралари, жисмоний шахслар томонидан амалга оширилган валюта операциялари, трансчегаравий пул ўтказмалари, банк тизими фаолияти, нобанк кредит ташкилотлари, тўлов тизими кўрсаткичлари, иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари, инфляцион кутилмалар, аҳоли даромади ва харажатлари таркибини ўрганиш натижалари, банкларда хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаш бўйича сўровнома натижалари;

чораклик – пул-кредит сиёсати шарҳи, банк тизими ликвидлиги шарҳи, ички валюта бозори бўйича қисқача шарҳ, пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ, тўлов тизимларига доир таҳлилий шарҳ, Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи тўғрисида шарҳ, ипотека кредитлари бозори бўйича қисқача шарҳ, оилавий тадбиркорлик учун ажратилган кредитлар тўғрисида маълумотлар эълон қилиб борилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Статистик бюллетенининг чораклик ва йиллик нашрлари, пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари Марказий банкнинг ижтимоий тармоқларига жойлаштирилди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг раҳбар ва маъсул ходимлари ҳудудларда 80 дан ортиқ сайёр қабуллар ва семинар-тренинглар ўтказди. Уларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини янада ошириш, пул-кредит, валюта ва банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида зарур тушунтиришлар берилди. Юзма-юз мулоқотларда банк хизматларини кўрсатишдаги мавжуд камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Ҳисобот йилида ОАВнинг банк-молия мавзусини ёритадиган вакиллари учун ҳар чоракда семинар-тренинглар ўтказиш амалиёти давом эттирилди ҳамда 20 нафар журналист ва блогерларнинг малакаси оширилди.

Семинар-тренинг машғулотларида Марказий банк вазифалари, пул-кредит ва валюта сиёсати асослари, банк қонунчилиги, банк хизматларини кўрсатишнинг замонавий тенденциялари, макропруденциал назорат, банк тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, трансформация ва хусусийлаштириш жараёнлари, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда банк тизими фаолиятига доир бошқа йўналишлар бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Аҳолига Марказий банк томонидан амалга оширилаётган чоратадбирлар ва “инфляцион таргетлаш” режимига асосланган пул-кредит сиёсатини батафсилроқ тушунтиришда қайта алоқа тизимининг йўлга қўйилганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, коммуникация сиёсатини амалга ошириш мониторинги веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчилик томонидан келиб тушаётган саволларга тезкор жавоб бериш, турли фикр ва мулоҳазаларга ўз вақтида муносабат билдириш жамоатчилик фикрини чалғитувчи ишончсиз ва ёлғон ахборотлар тарқалишининг олдини олишда маълум бир жиҳатдан аҳамият касб этмоқда.

Жамоатчилик билан алоқалар каналини мустаҳкамлаш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг пул-кредит сиёсатининг мазмун ва моҳияти борасидаги хабардорлигини ошириш ҳамда банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш орқали инфляцион кутилмаларини пасайтириш борасидаги ишларнинг сифатини ошириш мақсадида турли мавзуларда даврий сўровномалар ўтказиш йўлга қўйилди. Сўровномада иштирок этувчилар сони сезиларли ошиб бориши кузатилмоқда.

IV. ТЎЛОВ ТИЗИМИ ИШЛАШИНING БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Тўлов тизимлари фаолияти барқарорлигини таъминлаш

2020 йилда кузатилган ижтимоий-иқтисодий ҳолат тўлов тизимлари инфратузилмасини янада кенгайтириш, унинг институционал ва меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тўлов тизимларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтиришни тақозо этди.

Бунда биринчи навбатда, тўлов хизматлари бозорида рискларни самарали бошқариш, баҳолашни амалга ошириш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида тўлов тизимларининг муҳимлигини аниқлаш мезонлари белгилаб олинди.

Банк тизимида илғор хорижий тажрибага мувофиқ тўлов хизматлари соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ татбиқ этиш, тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши учун қулай шарт-шароит яратиш, масофавий банк хизматлари турларини кенгайтириш орқали кўплаб банк хизматларини автоматлаштириш ишлари давом эттирилди.

Бунда асосий эътибор контактсиз тўловлар (QR-код, NFC ва бошқалар) қамровини кенгайтириш, автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификациялаш ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш, банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини (киберхавфсизлигини) кучайтириш, банк соҳасидаги янги концепция ва технологияларни (финтех, рақамли банк) кенг жорий қилишга қаратилди.

4.1.1. Тўлов тизимларини такомиллаштириш

Тўлов тизимларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш

Тўлов хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ривожланиши, жумладан, тўлов хизматлари бозорига янги нобанк тўлов ташкилотлари ҳамда тўлов тизимлари операторларининг кириб келиши, рақамли банк технологияларининг ривожланиши тўлов тизимлари борасидаги фаолиятни тартибга солишга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини юзага келтирди.

Хусусан, ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан ва халқаро тажрибадан

келиб чиқиб,

- “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электрон пулларнинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари”;

- “Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматлари етказиб берувчиларининг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида”ги низом;

- “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги низом янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Шунингдек, тўлов тизимларининг муҳимлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Бунда,

- тўлов тизими инфратузилмасида икки миллиондан ортиқ фаол (*бир ой давомида камида бир марта ҳисобварағига маблағ кирим қилинган*) фойдаланувчиларнинг мавжуд бўлиши;

- бир йил давомида тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми ушбу турдаги тўловлар умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўп улушини эгаллаган бўлиши;

- бир йил давомида тўлов тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 12 трлн. сўмдан кўп бўлиши тўлов тизимларининг муҳимлигини аниқлашнинг асосий мезонлари этиб белгиланди.

Марказий банкнинг тўлов тизимлари фаолияти

Бугунги кунда тўлов хизматлари бозорида Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими фаолият юритиб келмоқда.

Хусусан, ҳисобот йилида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими банклар ва уларнинг мижозлари тўловларини белгиланган режимда ўтказилишини таъминлаган ҳолда бошқа тўлов тизимлари билан ҳам узвий ҳамкорликда барқарор фаолият юритди.


2020 йилда Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2019 йилга нисбатан 67,8 фоизга ошиб, 1 890,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда транзакциялар ҳажмининг ўсиши асосан Марказий банкнинг қисқа муддатли пул-кредит инструментлари – “Репо” ва “Своп” ҳамда депозит операциялари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

2020 йилда Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сонининг 2019 йилга нисбатан 24 фоизга ёки 70 млн.тадан

53 млн.тагача камайиши пандемия таъсирида иқтисодий фаолликнинг пасайиши ҳамда Тезкор тўловлар тизимининг ишга тушиши билан боғлиқ.

4.1.1.1-чизма

Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



Ҳисобот йилида жисмоний шахсларнинг тўловларини туну-кун 24/7 режимида амалга оширишга ихтисослашган Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизимига тўловларни қабул қилувчи ташкилотларнинг ахборот тизимларини интеграция қилиш ишлари давом эттирилди.

4.1.1.2-чизма

Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган транзакциялар



4.1.1.3-чизма

Марказий банкнинг Тезкор тўловлар тизими орқали 2020 йилда амалга оширилган транзакциялар



Хусусан, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали тўловларни қабул қилувчи ташкилотлар (хизматлар тақдим этувчилар) сони 2019 йилдаги 30 тадан 2020 йилда 35 тагача кўпайди.

Бунда коммунал ташкилотлар, бюджет тўловлари, солиқ ва божхона тўловлари, давлат божлари ва жарималар, нотариат ҳамда ФХДЁ тўловлари, паспорт йиғимлари, давлат ва кадастр хизматлари тўловлари, автомашиналар сотиб олиш, алоқа хизматлари ва бошқа кўплаб хизматлар учун тўловлар реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

2020 йилда Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 2019 йилга нисбатан қарийб 24 фоизга ўсиб, 25 трлн. сўмни ташкил этди.


2020 йилнинг февраль ойида Тезкор тўловлар тизими ишга туширилиши юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга масофавий хизмат кўрсатиш тизимлари орқали тўловларни туну-кун 24/7 режимида амалга ошириш имконини яратди.

2020 йилнинг сентябрь ойида Тезкор тўловлар тизими орқали Молия вазирлиги Ғазначилигига бюджет ва солиқ тўловларини ўтказиш ҳамда банкларнинг ссуда ҳисобварақларидан тўловларни 24/7 режимида амалга ошириш имконияти ҳам яратилди.

Натижада, 2020 йилда Тезкор тўловлар тизими орқали жами **128,3** трлн. сўмлик қарийб 5,4 млн. та транзакциялар, жумладан, Ғазначиликка 232 мингдан ортиқ 2 трлн. сўмлик бюджет тўловлари ўтказилди.

4.1.1.4-чизма

Тезкор тўловлар тизими иштирокчилари таркиби



Тезкор тўловлар тизими орқали ўтказилган жами тўловларнинг **82** фоизи (103,6 трлн.сўм) **10 та тижорат банклари** ҳиссасига, жумладан, **18** фоизи Миллий банк, **17** фоизи Саноатқурилишбанк, **11** фоизи Ҳамкорбанк, **7** фоизи Асака банк ҳиссасига тўғри келади.

4.1.2. Масофавий банк ва замонавий тўлов хизматларини ривожлантириш

Ҳисобот йилида рақамли иқтисодиётнинг муҳим йўналиши ҳисобланган масофавий банк хизматларини, жумладан, интернет-банкнинг ва мобил-банкнинг каби замонавий технологияларни ривожлантириш ва оммабоплигини янада ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Бунда тижорат банклари томонидан миқдорларга масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида (банкнинг расмий сайтлари ва ижтимоий тармоқлар орқали) доимий равишда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб борилди.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига масофавий хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони **14,5** млн. тани ташкил этиб, ушбу кўрсаткич 2020 йилнинг мос даврига нисбатан **4,3** млн. тага ёки **43** фоизга ошди.

Бугунги кунда банкларнинг мобил илова дастурларида жисмоний шахслар учун барча базавий банк хизматлари, жумладан, тўловларни амалга ошириш, банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш), микроқарз (кредит) олиш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, онлайн конверсия) жорий этилган.


Бундан ташқари, карантин чекловлари шароитида аҳолига қулайлик яратиш мақсадида банкларнинг мобил иловалари (веб-сайтлари) орқали банк карталарини олиш (очиш) учун аҳоли томонидан онлайн равишда буюртмаларни тақдим этиш ҳамда буюртма олинганидан сўнг банк карталари эмиссия қилиниб, зарур идентификация асосида миқдорга унинг яшаш манзили бўйича етказиб бериш механизми жорий этилди.

2020 йилда жисмоний шахслар томонидан банкларнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган **онлайн конверсия амалиётлари** – 13,6 трлн. сўм, **кредитларни сўндириш** – 10,9 трлн. сўм, **онлайн микроқарзлар** – 5,8 трлн.сўм, **онлайн депозитлар** – 4,2 трлн. сўмни, ҳамда **бошқа тўловлар** (бюджет, коммунал, алоқа тўловлари ва бошқалар) – 1,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Контактсиз тўлов технологиясини кенгайтириш доирасида ҳамда аҳолига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мобил иловаларга ўрнатилган “**Humo Pay**” дастури (смартфоннинг NFC тизими) орқали банк картасидан фойдаланмасдан чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш пунктларида тўловларни амалга ошириш хизмати амалиётга татбиқ этилди.


4.1.2.1-чизма

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар сони, донада



4.1.2.2-чизма

QR-online тизимида рўйхатдан ўтган мижозлар сони ва амалга оширилган транзакциялар ҳажми



Инновацион хизматларни яратиш доирасида **Tap-to-phone** тизими (тижорат номи “Onetouch”) жорий этилиб, бунинг натижасида POS-терминалга муқобил тўлов воситаси сифатида смартфоннинг NFC тизими орқали тадбиркорлик субъектлари учун тўловларни қабул қилиш имконияти яратилди (бу айниқса, ўзини-ўзи банд қилган шахслар ва етказиб бериш хизматини кўрсатувчи субъектлар учун қулай бўлиб ҳисобланади).

Бундан ташқари, 2020 йилнинг март ойида Марказий банк томонидан банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда, банк картасидаги маблағлар ҳисобидан товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи QR-код орқали тезкор тўловни амалга оширишнинг “**QR-online**” ахборот тизими ишга туширилди.

Бунда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат кўрсатувчи тижорат банкларига мурожаат қилиб, мавжуд банк реквизитлари асосида шакллантирилган QR-кодни олишлари, харидорлар эса товар ва хизматлар ҳақини тўлашда ўз мобил илова дастурлари ёрдамида ушбу кодни сканер қилиш (“ўқиш”) орқали тўловларни амалга оширишлари мумкин.

2021 йил 1 январь ҳолатига 64 мингта хўжалик юритувчи субъектларга “QR-online” ахборот тизими томонидан QR-кодлар (стикерлар) тақдим қилинган бўлиб, **мазкур тизимнинг ишга туширилиши:**

- тадбиркорлик субъектларида мавжуд POS-терминалга (анъанавий савдо терминалига) қўшимча равишда харидлар учун тезкор тўловларни амалга ошириш ва мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини;

- етказиб бериш, йўловчиларни ташиш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи ташкилотларга тўлов терминалларида фойдаланмасдан QR-код орқали мижозлардан тўловларни тезкор қабул қилиш ҳамда ўзини-ўзи банд қилган шахслар (фрилансерлар) учун тўловларни қабул қилиш бўйича операцион харажатларини кескин қисқартириш имконини беради.

Онлайн-НКМ ҳисобланган **Uzkassa қурилмаси орқали** HUMO ва UZCARD карталарини қабул қилиш имконияти яратилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари учун товар ва хизматлар ҳақини тўлашда фойдаланиладиган (нақд пул кирими ва банк картаси тўлови учун) ягона қурилма пайдо бўлди.

Тошкент метрополитени ва Тошшаҳартрансхизмат корхоналари томонидан (метро ва автобусларда) **аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ҳақини** АТТО тизимининг валидаторларида контактсиз HUMO банк карталари билан ҳисоб-китоб қилиш механизми амалиётга жорий этилди.

2020 йилда транспорт картаси воситасида метрополитен хизмати учун 16,1 млрд. сўмлик ва Тошшаҳартрансхизмат корхоналари хизмати учун 3,2 млрд. сўмлик контактсиз тўловлар амалга оширилган.

4.1.3. Чакана тўлов тизимлари инфратузилмасини кенгайтириш

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан тижорат банклари ва тўлов операторлари билан биргаликда **Миллий тўлов тизимлари** (HUMO ва UZCARD) **инфратузилмасини янада кенгайтириш** орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажмини ошириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.


Хусусан, тадбиркорлик субъектларини ҳисоб-китоб терминаллари билан тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш борасидаги вазифаларнинг банклар томонидан бажарилиши назоратга олинди ҳамда мавжуд талабларни тўлақонли қондириш билан бирга банкларда етарли захира шакллантириб борилди (2021 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларидаги ҳисоб-китоб терминалларининг захираси 137 минг донани ташкил этади).

Марказий банк, давлат солиқ хизмати органлари ва тижорат банклари вакилларида иборат ишчи гуруҳи томонидан мунтазам равишда

республиканинг барча ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг тўлов терминаллари билан таъминланганлиги, улардан самарали фойдаланиш кўникмаларининг мавжудлиги масалалари жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилди ҳамда уларга амалий ёрдам ва кўникмалар берилди.


4.1.3.1-чизма

Банклар томонидан ўрнатилган терминаллар сони, донада



4.1.3.2-чизма

Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган транзакциялар, млрд.сўмда




Ҳудудлардаги чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчалари ҳамда банк инфратузилмаларига ўрнатилган терминаллар сони 2020 йилда 43,3 минг донага ёки 11 фоизга ошиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони **438,4** минг донага етди. Ҳисоб-китоб терминаллари орқали амалга оширилган жами транзакциялар суммаси 2019 йилга нисбатан 12,1 фоизга ошиб, **90,4 трлн. сўмни** (шундан савдо терминаллари орқали 81,0 трлн. сўмни) ташкил этди.

Тўлов тизими бозорида рақобатни ривожлантириш мақсадида HUMO чакана тўловлар тизимининг жорий этилиши ҳамда унинг функционали, инфратузилмасини ривожлантириш ва оммабоплигини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2020 йилда терминаллар орқали амалга оширилган транзакциялар ҳажмида HUMO терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар улушининг 2019 йилдаги 3 фоиздан **15** фоизгача ошиши кузатилди.

2020 йилда тўлов терминаллари орқали тушган тушумлар хизматлар соҳасида 22,2 фоизга (жами тушумлардаги улуши 9 фоиз), савдо соҳасида 5,6 фоизга (60 фоиз) ўсган бўлса, коммунал тўловлар бўйича тушумлар (4 фоиз) деярли 2019 йил даражасида шаклланди.

4.1.3.3-чизма


Банклар томонидан эмиссия қилинган банк карталари сони, минг донада



Ўз навбатида, нақд пулсиз тўлов воситаларини ривожлантириш ва унинг кўламини ошириш борасида 2020 йилда тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун **5,2** млн.дона банк карталари муомалага чиқарилди ҳамда уларнинг умумий сони 2019 йилга нисбатан **25,4** фоизга ортиб, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига **25,8** млн. донани ташкил этди.

4.1.3.4-чизма

Банк миждозларининг 2020 йилда банк карталарида мавжуд пул маблағларининг қолдиғи, млрд.сўмда



Банк карталари инфратузилмасининг ривожланаётганлиги ҳамда фойдаланишнинг қулайлиги ортиб бораётганлиги натижасида 2021 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларнинг банк карталарида сақланаётган пул маблағлари қолдиғи 2020 йил бошига нисбатан **79** фоизга ўсиб, **4,9** трлн. сўмни ташкил этди.


Халқаро тўлов тизимлари (VISA, Mastercard, Unionpay) билан ҳамкорликнинг кенгайтириб борилаётганлиги натижасида 2021 йил 1 январь ҳолатига эмиссия қилинган **VISA карталари сони** – 598 мингта, **Mastercard карталари** – 39 мингта, **Unionpay карталари** – 67 мингтага етди. Бунда жисмоний шахсларнинг халқаро банк карталаридаги маблағлар қолдиғи 2021 йил 1 январь ҳолатига жами 160,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Шунингдек, маҳаллий тўлов тизимларининг **VISA, Mastercard, UnionPay** ва **МИР** халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро интеграцияси амалга оширилиб, фойдаланувчилар учун конверсия амалиётисиз банк картаси орқали товар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун шарт-шароит яратилди.

Хусусан, 2020 йилда халқаро тўлов тизимларининг банк карталари орқали **1 334,4** млн. АҚШ долларлик транзакциялар амалга оширилиб, mazkur транзакцияларнинг 671,3 млн. АҚШ доллари (жами транзакцияларнинг 50,3 фоизи) банкоматлар орқали (банк терминалларида) нақдлаштирилган маблағлар ҳамда 663,1 млн. АҚШ доллари (49,7 фоизи) нақд пулсиз тўловлар ҳисобига тўғри келади.

4.1.3.5-чизма

Банкомат ва инфокиосклар сони, *донада*



Нақд пулсиз транзакцияларнинг 437,9 млн. АҚШ долларини (66 фоизи) товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловлар, 225,2 млн. АҚШ долларини (34 фоиз) картадан карта (P2P) ўтказмалар ташкил этади.

Бунда товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловларнинг 223,9 млн. АҚШ доллари (жами амалга оширилган тўловларнинг 51 фоизи) Unionpay карталари, 203,4 млн. АҚШ доллари (46 фоизи) VISA карталари, 10,5 млн. АҚШ доллари (2 фоизи) Mastercard банк карталари орқали амалга оширилган.

Шунингдек, тўлов хизматларидан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини таъминлаш, тўлов инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида банк инфратузилмалари, туризм массивлари, йирик бозорлар, савдо комплекслари ва аҳоли гавжум бўладиган бошқа объектларга банклар томонидан 2020 йилда **2 597** дона банккомат ва инфокиосklar ўрнатилиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига уларнинг умумий сони ўтган йилга нисбатан 28,2 фоизга ортиб, **11 800** донага етди.

4.1.4. Тўлов хизматлари бозоридаги субъектлар фаолияти


Тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келишини таъминлаш орқали рақобатни кучайтириш мақсадида 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан **20** та ташкилотга (Click, Oson, Raume ва ҳ.к.) тўлов ташкилоти ҳамда **2** та юридик шахсга (“Миллий банклараро процессинг маркази” МЧЖ ва “Ягона умумреспублика процессинг маркази” МЧЖ) тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар тақдим этилди.

Ҳисобот йилида тўлов ташкилотларининг мобил иловалари орқали 25,5 трлн. сўмлик 341 млн. дан ортиқ транзакциялар амалга оширилди.

Бунда мижозлар томонидан амалга оширилган тўловларнинг **75** фоизи ёки 19,3 трлн. сўм маблағлар картадан картага пул маблағларини ўтказиш (P2P) амалиёти, 25 фоизи ёки 6,3 трлн. сўм маблағлар товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловлар ҳиссасига тўғри келган.

4.1.4.1-чизма

2020 йилда тўлов ташкилотлари томонидан ўтказилган тўловлар мақсадлари бўйича таркиби



Аҳоли томонидан тўлов ташкилотларининг тўлов хизматларидан фойдаланган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) учун амалга оширилган 6,3 трлн. сўмлик тўловларнинг 46 фоизи мобил операторлар, 14 фоизи давлат хизматларига, 11 фоизи коммунал ташкилотлар хизматлари учун тўланган.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва электрон пулларни муомалада бўлиши қоидаларини тартибга солувчи янги идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб тасдиқланди ҳамда амалиётга жорий этилди.

4.1.4.1-жадвал

Электрон пуллар тизимлари тўғрисида маълумот

№ т/р	Электрон пуллар тизими номи	Оператор номи	Эмитент номи	Электрон пуллар чиқариш бўйича фаолияти бошланган сана
1.	"Oson"	"BRIO GROUP" МЧЖ	"Туркистон" ХАТБ	16.06.2020 й.
2.	"E-Card"	"INSPIRED" МЧЖ	"Универсал" АТБ	21.08.2020 й.
3.	"Click"	"CLICK" МЧЖ	"Агробанк" АТБ	21.08.2020 й.
4.	"Wooppay"	"WOOPPAY UZ" МЧЖ	"Капиталбанк" АТБ	02.11.2020 й.
5.	"Alifmobi"	"ALIF TECH" МЧЖ	"Алоқабанк" АТБ	02.11.2020 й.

Электрон пулларнинг жорий этилиши мижозлар томонидан ҳисоб-китобларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларга асосланган ҳолда тўловларни тезкор ва қулай усулда бажариш имкониятини кенгайтди.

Электрон пулларга оид ҳуқуқий асоснинг яратилиши тўлов хизматлари бозорида янги инновацион хизматларни таклиф этувчи иштирокчиларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, мамлакатимизда тўлов хизматлари бозорида самарали фаолият юритиб келаётган тўлов ташкилотларининг лойиҳалари кўриб чиқилиб, Марказий банк томонидан Oson, Click, E-Card, Wooppay ва Alifmobi электрон пуллар тизими реестрига белгиланган тартибда киритилган ҳолда электрон пуллар соҳасидаги фаолиятига рухсат берилди.

Шунингдек, электрон пулларни эмиссия қилиш харажатларининг камлиги ҳамда электрон пуллар орқали халқаро интернет савдо платформаларида харидларни тўғридан-тўғри амалга ошириш имкониятининг мавжудлиги, ундан фойдаланишнинг жозибадорлиги ва оммабоплигини оширмоқда.

4.1.4.2-чизма

2020 йилда электрон пуллар тизимида ўтказилган тўловлар




Хусусан, 2020 йилда электрон пуллар воситасида 22,3 млрд. сўмлик қарийб 1,5 млн.та транзакциялар амалга оширилган бўлиб, шундан 84 фоизи ёки 18,8 млрд. сўми электрон пуллар орқали харидлар ҳиссасига, қолган 16 фоизи ёки 3,5 млрд. сўми бир жисмоний шахснинг электрон ҳаменидан бошқа жисмоний шахснинг электрон ҳаменига (P2P) ўтказилган транзакциялар ҳиссасига тўғри келади.


Шунингдек, 2020 йилда 1 521 мингта электрон ҳамёнлар очилган бўлиб, мазкур ҳамёнлардаги маблағлар қолдиғи 2021 йил 1 январь ҳолатига қарийб 7 млрд. сўмни ташкил қилди.

4.1.4.3-чизма

Электрон ҳамёнлар сони ва улардаги маблағлар миқдори



4.1.4.4-чизма

Электрон ҳамёнлар орқали ўтказилган тўловлар таркиби

Электрон пуллар тизими орқали амалга оширилган тўловларнинг 74 фоизи мобил операторлар, 13 фоизи интернет провайдерлар, 5 фоизи коммунал ташкилотлари ва қолган қисми бошқа хизматлар учун амалга оширилган.

Тўлов тизимлари ва тижорат банклари ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш

Масофавий банк хизматларининг ривожланиши, тўлов хизматлари бозорига янги иштирокчиларнинг кириб келиши банк тизимида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштиришни тақозо этди.

Хусусан, хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, микрокредит ташкилотлари, тўлов тизими операторлари ҳамда тўлов хизматларини етказиб берувчиларга ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида **учта янги** меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи бир-бирини такрорловчи нормалар, ортиқча маъмурий тартиб-тамойиллар, долзарблигини йўқотган тартибга солиш механизмларини ўз ичига олган бешта меъёрий ҳужжатлар унификация қилиниб, ягона ҳужжатга бирлаштирилди.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича белгиланган талабларнинг тўлов тизимлари ва тижорат банкларида ижро этилиши махсус дастурлар ёрдамида мунтазам равишда масофадан туриб ва жойларга чиққан ҳолда ўрганиб борилди.

Бунда 2 та тўлов тизими операторлари ҳамда 20 та тўлов ташкилотларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид ҳужжатлари,

улар томонидан ахборот хавфсизлиги бўйича амалга оширилган ташкилий ва техник чоралари ўрганилди ҳамда тегишли тавсиялар берилди.

Банк ва молия-кредит тизими муассасаларида фирибгарлик ва компьютер ҳужумларини аниқлаш ҳамда текшириш фаолияти билан шуғулланувчи FinCERT марказини ташкил этиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди.

Жумладан, FinCERTни ташкил этиш бўйича банк-молия соҳасида ахборот киберхавфсизликни таъминлаш, молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш ва текширишнинг таъсирчан воситаларини яратиш бўйича халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ушбу марказни ташкил этишнинг оптимал модели ва тузилмаси юзасидан таклиф ва хулосалар тайёрланди.

Марказий банк томонидан Идоралараро ишчи гуруҳи билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк ва молия-кредит соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик таҳдидларини олдини олиш ҳамда молиявий фирибгарликларга қарши таъсир чораларини кўриш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, банк ва молия-кредит соҳасида ахборот ва киберхавфсизлик борасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш борасида Россия Федерацияси Марказий банки билан ўзаро англашув Меморандуми тузилди.

Шунингдек, банк тизимида юзага келган ахборот ва киберхавфсизлик йўналишидаги ноҳуш ҳодисалар ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар базаси яратилди ҳамда йиғилган маълумотлар таҳлили асосида уларнинг юзага келиш сабаблари аниқланиб, ноҳуш ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан Марказий банк томонидан тезкор огоҳлантиришлар ва кўрсатмалар бериб борилмоқда.

Тижорат банкларининг соҳага алоқадор ходимлари билим ва малакасини ошириш мақсадида миқозларга масофадан банк хизматларини кўрсатувчи ахборот тизимларида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ва унинг жорий ҳолати юзасидан даврий ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Юридик ва жисмоний шахсларни молиявий фирибгарликлардан хабардор этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида банк карталаридаги маблағларни фирибгарлардан химоя қилиш ҳамда банкомат ва POS-терминалларда банк карталарини қўллашда хавфсизлик чораларига риоя этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилиб, Марказий банкнинг расмий веб-сайтлари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги каналларида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

4.2. Нақд пул муомаласини ташкил этиш

2020 йилда пул муомаласини ташкил этиш борасида асосий эътибор, иқтисодиётда нақд пулга бўлган эҳтиёжнинг узлуксизлигини таъминлашга, карантин даврида нақд пул муомаласини бошқариш борасида юзага келиши мумкин бўлган ноқулайликларнинг олдини олишга қаратилди.

Ҳисобот йилида жорий этилган карантин чекловлари ҳамда иқтисодий фаолликнинг пасайиши шароитида нақд пулларнинг банклар орқали айланишида секинлашиш кузатилган бўлса, карантин чекловларидан сўнгги даврда мазкур кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлди.

Хусусан, 2020 йилнинг I ярмида тижорат банклари кассаларига келиб тушган нақд пул миқдори банк кассаларидан нақд пул чиқимларининг умумий ҳажмига нисбатан қарийб 4,0 трлн. сўмга кам бўлган бўлса, карантин чекловларининг босқичма-босқич юмшатилиши ва иқтисодий фаолликнинг тикланиши натижасида 2020 йилнинг II ярмида банк кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми берилган нақд пуллар ҳажмидан 3,7 трлн. сўмга кўп шаклланди.

Натижада, 2020 йил якунида банк кассаларидан берилган нақд пуллар келиб тушган нақд пуллар миқдорига нисбатан фақатгина 300 млрд. сўмга кўп шаклланди. Бошқача қилиб айтганда, банк кассаларидан берилган нақд пуллар деярли келиб тушган нақд пуллар ҳисобидан қопланди.

Нақд пулларнинг банклар орқали айланмаси 2020 йилда 360,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошди.

4.2.1. Нақд пул айланмаси динамикаси ва ундаги таркибий ўзгаришлар

2020 йилда банклар кассаларига келиб тушган нақд пуллар ҳажми 2019 йилга нисбатан **26,2** фоизга ортиб, **179,9** трлн. сўмни ташкил қилди. Хусусан, банк кассаларига товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми **18,2** фоизга, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар ҳажми **12,1** фоизга, банк хизматлари (кредит, нақд валюта сотиш ва конверсия операциялари) бўйича тушумлар **2,3** баробарга, солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар **9,1** фоизга кўпайган бўлса, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар **7,1** фоизга камайди.

Пандемия даврида фуқаролар, йўловчи ташиш транспорти воситаларининг (маҳаллий, темир йўл ва ҳаво транспорти) ҳаракатланишига доир чекловлар ҳамда маиший ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг вақтинчалик тўхтатилиши каби омиллар хизмат


кўрсатиш соҳасидан банкларга келиб тушадиган нақд пуллар ҳажмининг камайишига олиб келди.

Ҳисобот йилида аҳоли томонидан чет эл валюталарини сотиб олиш учун қилган нақд пул харажатлари 2019 йилга нисбатан 17,3 трлн. сўмга ошганлиги нақд пул тушумининг кўпайишига салмоқли таъсир кўрсатди.

Банк кассаларига тушган жами нақд пул тушумларининг манбалар бўйича таркибида товарларни сотишдан тушумлар улуши **39,9** фоизни, банк хизматлари бўйича тушум – **21,7** фоизни, аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар – **8,3** фоизни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – **7,7** фоизни ҳамда солиқлар ва бошқа соҳалардан тушумлар – **22,4** фоизни ташкил этди.

4.2.1.1-чизма

Жами нақд пул тушумида манбаларнинг улуши, фоизда




2020 йилнинг II чорагида нақд пул тушумини банкка топшириш даражаси, мамлакатимизда эълон қилинган карантин шароитида сезиларли даражада пасайганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, банклар кассаларига нақд пул тушумлари II чорақда I чорақка нисбатан 25,9 фоизга камайган бўлса, карантин талабларининг босқичма-босқич юмшатилиши ортидан иқтисодий фаолиқнинг тикланиши натижасида ушбу кўрсаткич IV чорақда II чорақка нисбатан 76,3 фоизга кўпайди. Нақд пул тушумларининг IV чорақда II чорақка нисбатан ўсиш ҳажмининг қарийб 12,4 трлн. сўми савдо ва пуллик хизматлар, 6,2 трлн. сўми банк хизматлари бўйича тушумлар ҳиссасига тўғри келди.

4.2.1.2-чизма

2020 йилда банклар кассаларига нақд пул тушумлари динамикаси,
млрд.сўмда



2020 йилда банк кассаларига нақд пул тушумлари даражаси ўзгарувчан бўлсада, йил охирига келиб банк кассаларига келиб тушган нақд пулларнинг муомаладаги нақд пуллар ҳажмига нисбатан улуши 2019 йилдаги **60,4** фоиздан **65,4** фоизгача ошди.

Бунда муомалага чиқарилган пулларнинг қайтувчанлик коэффиценти 2019 йилда – **98,7** фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич **99,8** фоизгача ошди.


Нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиш ҳажмининг кўпайиши, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси айланмалари ҳажмининг ортиб бориши билан бир қаторда, ушбу сектордаги нақд пул маблағларининг банкдаги ҳисобварақлар орқали айланиши учун қулай шароитлар яратилганлиги ва самарали механизмлар йўлга қўйилганлиги, тўлов тизими инфратузилмасининг яхшиланиб бораётганлиги, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкларга бўлган ишончини ортиши билан изоҳланади.

2020 йил давомида банк кассаларига нақд пул тушумини топшириш ҳажмининг ошиши билан бир қаторда, аҳоли ва хўжалик субъектларига бериб борилган нақд пуллар ҳажми ҳам 2019 йилга нисбатан **24,7** фоизга ошиб, 180,2 трлн. сўмни ташкил этди.

Коронавирус пандемияси даврида коронавирус инфекцияси тарқалишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қаторида нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни мумкин қадар қисқартириш, муқобил сифатида иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни контактсиз тўлов усуллари – банк карталари орқали тўлаш ҳажми кенгайди.

4.2.1.3-чизма

Банклар томонидан берилган нақд пулларнинг мақсадлари бўйича тақсимланиши, фоизда




Хусусан, 2020 йилнинг май ойидан бошлаб, корхона ва ташкилотлар иш ҳақи тўловларининг банк карталари орқали тўлаш ҳажмининг ошганлиги, ўз навбатида, иш ҳақи тўловлари учун нақд пулга талабни 6,7 трлн. сўмга қисқаришига олиб келди.

2019 йилга нисбатан нақд пулга талаб пенсия ва нафақа тўловлари учун 2,2 фоиз бандга, иш ҳақи тўловлари учун 7,8 фоиз бандга қисқарган бўлса, ҳисобот йилида нақд пул чиқими таркибида банк карталаридан нақд пул ечиш ҳажми салмоқли улушга эга бўлиб, 9,2 фоиз бандга ошди.

4.2.1.4-чизма

Банк карталаридан нақдлаштириш ҳажми динамикаси, млрд. сўмда



Ҳисобот йилида банк карталаридан ечиб олинган нақд пуллар ҳажми 62,2 трлн. сўмни ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 25,6 трлн.сўмга ошди.

Банк карталаридаги маблағларни нақдлаштиришнинг ошиши 2020 йилда иш ҳақи ва ижтимоий тўловларнинг банк карталари орқали тўлаш ҳажмининг ортиши, банкоматлар тармоғининг кенгайиши ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашINI таъминлаш юзасидан кўрилган чоралар билан изоҳланади.

Хусусан, ҳисобот йилида банк карталаридан ечиб олинган нақд пулларнинг 78,7 фоизи (2019 йилда 68,6 фоиз) банкоматлар ҳиссасига тўғри келди.

Таъкидлаш жоизки, банк карталаридаги маблағларни нақдлаштиришнинг кўпайиши ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётдаги нақд пул муомаласини эркинлаштириш даври учун табиий ҳолат бўлиб, аҳолининг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида яратилаётган янги шароитларга тўлиқ мослашиш ҳамда банк карталарига асосланган тўлов хизматлари ривожланиши ва оммабоплигининг ошиши ҳисобига келгусида нақдлаштириш даражасининг пасайиб бориши кутилмоқда.

Шунингдек, ҳисобот йилида нақд пул чиқимида тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл валюталарини сотиб олиш операциялари кўламининг кенгайиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу мақсадларга йўналтирилган нақд пул ҳажми 2019 йилга нисбатан 8,8 трлн. сўмга кўпайиб, 41,8 трлн. сўмга етди.

4.2.2. Муомаладаги нақд пуллар ва уларнинг таркибий ўзгариши


Муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми 2020 йилнинг январь-февраль ойларида камайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, карантин шароити омиллари таъсирида нақд пулга бўлган қўшимча талабни Марказий банк захирасидаги нақд пуллар ҳисобидан қопланиши натижасида ўсиб борди ва IV чорак давомида яна камайиш тенденцияси кузатилди.

Ҳисобот йилида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми (тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар қолдиғи ҳисобга олинган ҳолда) 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 28,2 трлн. сўмни ташкил этиб, йиллик ўсиш суръати 2019 йилдаги 14,6 фоиздан 5,8 фоизгача секинлашди.

2020 йилда Марказий банк томонидан нақд пулдаги ҳисоб-китобларни ва тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш, нақд пуллар билан ишлаш жараёнларини осонлаштириш мақсадида нақд пулларнинг номинал каторини оптималлаштириш борасида ҳам тегишли ишлар олиб борилди.

4.2.2.1-чизма

2020 йилда муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмининг ўзгариши, трлн. сўмда




Бунда асосий эътибор, муомаладаги кичик қийматдаги банкнотларнинг ҳисоб-китоблардаги ноқулайликлари ва ортиқча харажатларини камайтириш мақсадида уларни муомаладан босқичма-босқич қайтариб олишга ҳамда йирик қийматдаги (10 000 сўмлик ва ундан катта номиналдаги банкнотлар) банкнотларни муомалага чиқариб боришга қаратилди.

Хусусан, эски намунадаги 50 сўмлик, 100 сўмлик тангалар ҳамда 50 сўмлик ва 100 сўмлик банкнотлар 2019 йилнинг 1 июлидан, 200 сўмлик ва 500 сўмлик банкнотлар 2020 йил 1 июлидан бошлаб қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотганлиги сабабли, ушбу номиналдаги банкнотлар муомаладан чиқарилди. Шунингдек, 2020 йил 1 мартдан бошлаб 25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматидаги танга ва банкнотлар муомаладан қайтариб олинди.

Натижада, ҳисобот йили давомида жами 31,6 млрд. сўмдан зиёд 500 сўмгача бўлган банкнотлар муомаладан қайтариб олинган бўлса, 575,1 млрд. сўм миқдоридаги 1 000 сўмлик ва 1,5 трлн. сўм миқдоридаги 5 000 сўмлик банкнотлар муомаладан чиқарилди.

Ушбу кўрилган чора-тадбирлар иқтисодиётда нақд пул айланмаси ҳажмининг ўсиб бораётган шароитида нақд пулдаги ҳисоб-китобларни амалга оширишда қулайликларни таъминлашга, уларнинг муомала учун етарли миқдорда бўлишига ва мақбуллаштиришга асос бўлди.

4.2.2.2-чизма

Муомаладаги нақд пулларнинг сони бўйича
таркибий ўзгариши, фоизда

Банкнотларнинг сони жihatдан таркибий тузилишидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, муомаладаги нақд пул миқдорининг (қийматининг) банкнотлар кесимидаги тузилмасида ҳам таркибий ўзгаришига сабаб бўлди.

Хусусан, ҳисобот йили давомида 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотларнинг кўпроқ муомалага чиқарилиши ва 500 сўмгача бўлган банкнотларнинг муомаладан қайтариб олиниши ҳисобига муомаладаги нақд пул миқдори (қиймати) таркибида 5 000 сўмгача банкнот ва тангаларнинг умумий улуши 27,2 фоиздан **18,4** фоизгача камайган бўлса, 10 000, 50 000 ва 100 000 сўмлик банкнотлар умумий улуши эса **81,6** фоизгача ошди.

Муомаладаги нақд пулларнинг номинал таркибини оптималлаштириб борилиши натижасида, ўртача 1 кишига тўғри келадиган муомаладаги банкнотлар сони 2019 йилдаги 105 тадан 71 тагача қисқарди ва бу ўз навбатида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар учун нақд пуллар билан ҳисоб-китобларни янада енгиллаштиришга хизмат қилди.

Шу билан бирга, чакана савдо ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китобларда қайтим пуллари сифатида фойдаланишда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга қулай бўлиши учун 2020 йил давомида 17,1 млрд. сўм миқдоридаги янги намунадаги 50, 100, 200 ва 500 сўмлик тангалар муомалага чиқарилиб, уларнинг муомаладаги умумий ҳажми 37,9 млрд. сўмга етказилди.

Ҳисобот йилида банкларда касса ишларини ташкил этишни эркинлаштириш ва соддалаштириш мақсадида республиканинг барча ҳудудларида банк бинолари ташқарисида кассаларни ташкил этиш ва уларга

Бош банки томонидан банк иш куни охирида нақд пуллар қолдиғига лимит ўрнатиш, мижозларга ўз вақтида нақд пул беришни ташкил этиш, касса тармоғидаги нақд пуллар ва қимматликлар ҳаракатини электрон шаклда қайд этиб бориш бўйича мавжуд қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилди.

Бунда инкассация хизматларини эркинлаштириш ҳамда бозор механизмлари асосида фаолият юритишини ташкил этиш мақсадида тижорат банклари учун инкассация хизматини ташкил этиш бўйича қонунчилик базаси яратилди.


Умуман олганда, нақд пул муомаласини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг нақд пулга бўлган эҳтиёжининг ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаб борилиши уларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, нақд пул маблағларининг банкларда сақланишини ва ҳисоб-китобларнинг банк тизими орқали амалга оширилишини рағбатлантирди.

4.2.3. Банк карталари орқали амалга оширилган пул айланмалари

Ҳисобот йилида товарлар ва хизматларни харид қилиш, банк хизматлари ва бошқа тўловларни амалга оширишда нақд пуллар билан бир қаторда банк карталари орқали ҳисоб-китоблар ҳажминининг сезиларли ошиб борганлиги кузатилди.

4.2.3.1-чизма

Банк карталари орқали айланмалар динамикаси, млрд.сўмда




Хусусан, банк карталари орқали амалга оширилган пул айланмалари ҳажми 2019 йилга нисбатан 135,8 трлн. сўмга ёки **60,7** фоизга ошган ҳолда, 359,5 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда банк карталарига келиб тушган маблағлар миқдори 180,5 трлн. сўмни, банк карталаридан амалга оширилган тўловлар миқдори 179,0 трлн. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот йили давомида банк карталарига ўтказилган маблағлар миқдори 2019 йилга нисбатан **1,6** баробарга ошиб, ушбу маблағлар иш ҳақи тўловлари (47,6 фоизи), ижтимоий тўловлар (7 фоизи), масофавий ўтказмалар (P2P 13,7 фоизи), банк хизматлари (15,7 фоизи) ва аҳолининг бошқа даромадлари (16 фоизи) ҳисобидан шаклланди.

4.2.3.2-чизма

2020 йилда банк карталарига келиб тушган маблағларнинг манбалари бўйича улуши, фоизда



Банк карталари билан ҳисоб-китоблар учун қулай шарт-шароитларнинг яратилганлиги ва мазкур инфратузилманинг доимий равишда ривожлантириб борилаётганлиги, аҳоли даромадларини, шунингдек, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни банк карталаридан фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Хусусан, 2020 йил январь ойида пенсия тўловларининг 17,0 фоизи, иш ҳақи тўловларининг 66,0 фоизи банк карталари орқали тўланган бўлса, декабрь ойида эса пенсия тўловларининг 31,0 фоизи ҳамда иш ҳақи тўловларининг 83,0 фоизи банк карталари орқали тўланди.

2020 йилда товарлар ва хизматлар, шунингдек, бошқа ҳисоб-китоблар учун банк карталари орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 179,0 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан

1,6 баробарга кўпайди. Банк карталаридан амалга оширилган тўловларнинг асосий қисми, яъни 51,4 фоизи товарлар ва хизматларни харид қилиш, тўловларни амалга ошириш, 34,7 фоизи нақдлаштириб олиш, 13,9 фоизи масофавий тарзда бошқа карталарга (P2P) ўтказилган маблағлар улушига тўғри келади.

Ҳисобот йилида банк карталаридан амалга оширилган тўловларда товарлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, шунингдек, ўтказмалар ҳажмининг йиллик ўсиш суръати 2019 йилдаги 28,7 фоиздан **56,8** фоизгача ошган ҳолда маблағларни нақдлаштириш ҳажмининг ўсиш суръати эса 2019 йилдаги **197,4** фоиздан **70** фоизгача секинлашди.

4.3. Кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш

Ҳисобот йилида кредит ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини янада такомиллаштириш, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда тижорат банкларида бухгалтерия хизмати ходимларининг малакасини ҳар йили тегишли лавозим учун талаб этиладиган даражада оширишни таъминлаш, МҲХС асосида тузилган молиявий ҳисоботни МҲХС соҳасида сертификатга эга бўлган мутахассис томонидан имзоланиши, сертификатланган ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш тизимини жорий этилиши юзасидан тегишли ташкилий чоралар кўрилди.

Молия вазирлиги, тижорат банклари ва халқаро аудиторлик ташкилотлари билан биргаликда МҲХСнинг аҳамияти, уларни амалиётга жорий этиш масалалари муҳокама қилиб борилди ҳамда МҲХС аҳамияти тўғрисидаги ахборотлар Марказий банкнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида жойлаштирилди.

МҲХСларига оид ҳужжатларни давлат тилига таржима қилиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тузилган комиссия таркибига Марказий банк масъул ходимлари киритилиб, бу борада белгиланган ишларни амалга ошириш борасида тайёргарлик жараёнлари бошланди.

Шунингдек, банк хизматларини кўрсатишда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш мақсадида:

- банк ҳисобварағи шартномаси (жисмоний шахсларнинг омонати бўйича банк омонати шартномаси) ёзма шаклда ёки масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари воситасида оферта шартномасини тасдиқлаш орқали амалга ошириш;

- юридик йиғмажилдлардаги банк ҳисобварақларини очиш учун асос бўлган ҳужжатлар ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотларни электрон шаклда шакллантириш;

- банklar томонидан резидент жисмоний шахсларни идентификациялаш ва лозим даражада текшириш бўйича тегишли чораларни

амалга оширган ҳолда, уларга банкнинг масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали ҳисобварақ очиш имконияти яратилди.

Шунингдек, банкларга рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ҳаракатсиз ҳолатга ўтказилган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар давлат реестридан чиқарилган кундан эътиборан улар билан тузилган банк ҳисобварағи шартномасини бекор қилиш ҳуқуқи берилди.

Электрон ва масофавий тўловлар тизимининг ривожланиши билан бирга мониторинг ва назорат тизимларини кучайтириш ҳамда тўловларни ўтказишда банк миждозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, шу билан бирга, рухсат этилмаган (ноқонуний) тўловларни олдини олиш мақсадида:

- миждозлар ҳисобварақларига пулларни ҳисобга киритиш ва ҳисобдан чиқариш тартибини ҳамда электрон тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатлари банк томонидан бузилган тақдирда банклар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлиши;

- миждознинг банкка тақдим қилган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида белгиланган талабларга зид бўлган камчилик мавжуд бўлса ёки ҳужжатдаги имзолар, муҳр изи ёки ёзувлар бўйича шубҳалар юзага келса, банк ушбу ҳужжатни ижрога қабул қилмаслиги мумкинлиги аниқлаштирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан берилган бюджет ссудаси, кредит линияси, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳисобидан берилган кредитлар бўйича қарзлар ва улар бўйича тўловларни ўз вақтида ундириш мақсадида ушбу тўловларни, солиқлар ва иш ҳақи билан боғлиқ тўловлардан кейин иккинчи навбатда ундириш амалиёти жорий қилинди.

Банк жараёнларини автоматлаштириш ҳамда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган тижорат ташкилотлари бўйича солиқ органлари томонидан тегишли чоралар кўрилишини таъминлаш мақсадида ушбу ташкилотлар бўйича маълумотларни электрон равишда Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали тақдим этиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Микрокредит ташкилотларида ва ломбардларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш, шунингдек, Ипотекани қайта молиялаш компанияларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш мақсадида ушбу соҳани тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар унификация қилиниб, ягона “Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ишлаб чиқилди.

V. МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ФАОЛИЯТ

5.1. Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш

2020 йилда молиявий хизматлар оммабоплигини оширишда асосий эътибор, банк ва нобанк кредит ташкилотлари инфратузилмасини кенгайтириш, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш орқали молиявий хизматлар билан қамраб олинмаган аҳоли қатламини (кам даромадга эга аҳоли қатлами ва узоқ ҳудудлардаги қишлоқ аҳолисини) молиявий хизматлар билан қамраб олишга, кичик бизнес субъектларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.

Хусусан, 2020 йилда тижорат банклари томонидан базавий банк хизматларини кўрсатувчи **409 та янги банк хизматлари офислари** ташкил этилиб, уларнинг сони **866** тага етди. Бу эса ўз навбатида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун мазкур банк хизматлари офислари орқали зарур бўлган банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш мақсадида 2020 йилда банклар томонидан **691 та 24/7** режимида ишловчи **ўзига-ўзи банк хизматларини кўрсатиш марказлари** ташкил этилиб, уларнинг сони **1 452** тага етказилди.

Микромолиявий хизматлар бозорини ривожлантириш, кўрсатилаётган микромолиявий хизматларнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эҳтиёжларига янада мослаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритилиб, банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга ажратиладиган микроқарз миқдори – **50** миллион сўмгача, микрокредит миқдори – **300** миллион сўмгача, микролизинг миқдори эса **600** миллион сўмгача этиб белгиланди.

Ҳисобот даврида Марказий банк томонидан Италиянинг CRIF компаниясига Ўзбекистонда кредит бюро фаолияти билан шуғулланишига лицензия берилди. Бу ўз навбатида, мамлакатда кредит ахбороти алмашинуви соҳасида рақобатни кучайтириш билан бирга, кредит бозорида ахборот асимметриясини камайтириш, потенциал мижозларни сифатли скоринг қилиш, ортиқча ҳужжатлар талаб этилишининг олдини олиш орқали кредитлар ажратиш жараёнини осонлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, банк тизимида олиб борилаётган трансформация жараёнларида банклар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш, мижозларга хизмат кўрсатишда янгича ёндашувларни кенгайтириш орқали янги банк хизматлари ва маҳсулотлари таклифи кўпайтириб борилмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан:

- аҳоли учун 24 та ва тадбиркорлар учун 65 та **янги модулли кредит маҳсулотлари** яратилди;

- истеъмол товарларини кредит ҳисобига масофадан сотиб олиш имкониятини берувчи махсус платформа, яъни электрон савдо майдончалари (market place) ишга туширилди;

- халқаро пул ўтказмалари орқали келиб тушадиган пулларни банкка бормасдан мобил илова орқали ёки тўғридан-тўғри банк картасига қабул қилиш имконияти яратилди;

- тўловларни QR-код, Touch to Phone ва NFC технологиялари орқали қабул қилиш тизими жорий қилинди;

- банк карталарига онлайн ариза қабул қилиш ва уни мижозга етказиб бериш хизмати йўлга қўйилди.

Ушбу хизматлар коронавирус пандемияси натижасида ҳаракатлар чекланган шароитда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига банк хизматларидан масофадан туриб, қулай тарзда фойдаланиш имконини берди.

2020 йилда Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда аҳолининг молиявий саводхонлиги ва мамлакатдаги молиявий оммабоплик даражасини холисона баҳолаш мақсадида ҳудудлар аҳолиси ўртасида кенг қамровли сўровлар ўтказиб борилмоқда.

Сўров натижалари таҳлили асосида Жаҳон банки билан ҳамкорликда аҳолининг барча қатламлари ва кичик бизнес субъектлари учун арзон ва юқори сифатли молиявий маҳсулотлар ва хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган динамик, инновацион ва инклюзив молия тизимини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **2021–2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси** лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур стратегия лойиҳасида базавий молиявий хизматлар қамровини ошириш, рақамли молиявий хизматларни ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришни такомиллаштириш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш ҳамда аҳоли ва тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Хусусан, 2021 йилда банк хизматларининг ҳудудий қамровини ошириш мақсадида банк инфратузилмасини янада кенгайтириш ҳамда банк хизматларини кўрсатишнинг муқобил каналларидан фойдаланиш, тижорат банкларининг айрим хизматларини агентлик шартномаси асосида почта тармоқлари орқали кўрсатиш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, халқаро тажриба асосида янги молиявий маҳсулот ва хизматларни синов тарзида жорий этиш имконини яратиш мақсадида **“тартибга солиш қумдони”** махсус ҳуқуқий режимдан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилади.

5.2. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш

Ҳисобот йилида банк хизматлари моделларининг ўзгариши, рақамли молиявий хизматлар қамрови ва имкониятларининг кенгайиб бориши шароитида аҳолининг молиявий хизматлардан кенг ва самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида молиявий саводхонлик даражасини ошириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда, асосий эътибор, фундаментал таянч йўналишларни белгилаш, халқаро талаб ва стандартларни қўллаш, манфаатдор ташкилотлар билан институционал механизмни яратиш, қизиқарли тарзда ўқитиш (edutainment) шаклидан фойдаланишга қаратилди.

Молиявий оммабопликни ошириш миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича техник кўмак кўрсатиш доирасида 120 минг АҚШ доллари миқдоридagi Молиявий оммабоплик иттифоқи грант маблағлари жалб қилинди ва ушбу маблағларнинг 20 минг АҚШ доллари молиявий саводхонликни ошириш бўйича тадбирларга йўналтирилиши режалаштирилган.

Марказий банк аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида кредит ташкилотлари ва молия бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари, таълим муассасалари, давлат ва нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада кенгайтирмоқда.

Хусусан, ҳисобот йилининг март ва октябрь ойларида аҳолининг, шунингдек, болалар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича **“Бутунжаҳон пул ҳафталиги”** ҳамда **“Бутунжаҳон жамғариш куни”** каби оммавий тадбирлар ўтказилди.

Тадбирлардан кўзланган асосий мақсад аҳолида молиявий саводхонлик бўйича рационал тушунчани шакллантириш, молиявий таълимга қизиқишни орттириш, шунингдек, молиявий хизматлар тўғрисида (банк, суғурта, қимматли-қоғозлар бозори) хабардорлигини ошириш ҳамда молиявий саводхонликнинг молиявий барқарорликка эришишдаги аҳамиятини тушунтириш ҳисобланади.

“Бутунжаҳон пул ҳафталиги” доирасида 16 та тижорат банклари, 8 та манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 11 та тадбир ташкил этилди. Хусусан, мазкур халқаро кампания доирасида молиявий саводхонлик мавзусида очик дарслар, иншолар танлови, видеолавҳа яратиш бўйича танловлар ўтказилди.

Шунингдек, болалар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини оширишга йўналтирилган **“Банкларда очик эшиклар куни”** тадбири уюштирилиб, унда 3 та меҳрибонлик уйлари ва 14 худуддаги 110 та умумтаълим муассасаларидан қарийб 12 минг нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Банк соҳасидаги иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бутунжаҳон пул ҳафталиги”га бағишланган **“Zakovat”** интеллектуал ўйинининг махсус сони ташкил этилди.

Шу жумладан, молиявий саводхонлик мавзусини оммавий ахборот воситаларида ёритилиши орқали аҳолининг бу борадаги билим доирасини кенгайтириш мақсадида журналист ва блогерлар учун молиявий саводхонлик мавзусини энг яхши ёритиш бўйича танловлар ўтказилди.

“Бутунжаҳон жамғариш куни” доирасида Марказий банк ташаббуси билан 10 та тижорат банклари ва 9 та манфаатдор ташкилотлар жалб этилган ҳолда 10 та тадбир ўтказилди.

Шу жумладан, Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн олимпиада мактабининг khiso.uz платформасида **“Молиявий математика”** йўналиши бўйича янги онлайн тест жорий этилди ва молиявий саводхонлик бўйича беллашувлар ўтказилди.

Шунингдек, мутасадди ташкилотлар (Капитал бозори ва суғурта бозорини ривожлантириш агентликлари, IT park, финтех компаниялари: Click, Oson) билан биргаликда талабалар учун **“Молиявий саводхонлигимизни биргаликда оширамиз”** мавзусида онлайн конференция ташкил этилди. Ташкил этилган онлайн тадбирларга республика бўйича жами 4,6 мингдан ортиқ мактаб ўқувчилари ва талабалар қатнашди.

Шунингдек, мактабларда молиявий таълимни синфдан ташқари машғулотлар орқали ўқитиш йўлга қўйилди. Хусусан, ёзги оромгоҳларда болаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича тренерлар учун ўқув-методик қўлланма ишлаб чиқилиб, улар учун махсус тренинглари ўтказилди. Болаларда базавий молиявий тушунчалар бўйича минимал молиявий билимни шакллантириш мақсадида дастурда интеллектуал ва жисмоний ривожланишни умумлаштирган ҳолда молиявий саводхонлик компоненти киритилган актив ўйинлар жамланган.

Бундан ташқари, меҳнат мигрантларининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида молиявий саводхонликни ошириш ва тадбиркорлик асослари бўйича назарий ва амалий ўқув материалларни ўз ичига олган дастур ишлаб чиқилиб, қисқа ўқув курси шаклида татбиқ этилиши учун Ташқи миграция агентлигига тақдим этилди.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва банк хизматларидан тўғри фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган “Истеъмолчи эслатмаси” буклети ишлаб чиқилди ҳамда 57,1 минг дона тиражда чоп этилиб, тижорат банклари орқали аҳолига тарқатилди.

Интернет тармоғи ёрдамида аҳолини кенг қамраб олиш мақсадида **Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича “Finlit.uz” ахборот-таълим ресурси** ишга туширилди. Молиявий саводхонликни оширишга доир таълим-ахборот материалларини қизиқарли тарзда ўқитиш (edutainment шакли асосида) кўламини кенгайтириш ҳамда молия ва иқтисодиёт соҳасидаги асосий билимларни ўргатиш мақсадида веб-сайтда жами 9 та бўлим, 220 тадан ортиқ атамадан иборат луғат, интерактив хизматлар (депозит/кредит калькуляторлари, кўп бериладиган саволлар, сўровлар) базаси яратилди.

Бундан ташқари, аҳолини молиявий хизматларни танлашда масъулиятли қарор қабул қилишга ўргатиш, молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқлари бўйича хабардорлигини ошириш мақсадида теле ва радио компаниялар билан ҳамкорликдаги тегишли саводхонлик лойиҳалари амалга ошириб борилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет сайтлари (ОАВ) орқали жами 2 865 минг нафар аҳоли қамраб олинди.

Шунингдек, молиявий саводхонлик мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган 15 та турли мавзудаги (банк-молия тизими, бюджетлаштириш, кредит, депозит, фонд бозори, молиявий хавфсизлик, суғурталаш,

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, пул-кредит сиёсати) анимацион видеороликлар тайёрланди. Видеороликлар телеканалларда мавзунини ёритиш ва интернетга (finlit.uz) жойлаштириш орқали аҳолига етказилиши мўлжалланган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг молиявий таълим халқаро тармоғига аъзолик доирасида молиявий таълим соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш бўйича ташкил этилган тажриба алмашиш семинарларида иштирок этиш орқали уларнинг энг муваффақиятли амалиётлари мамлакатга татбиқ этилиши йўлга қўйилди.

Марказий банк аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича “Стратегияда” белгиланган чора-тадбирларни алоҳида мақсадли гуруҳларнинг устувор эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда мунтазам равишда ташкил этишда давом этади.

5.3. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

2020 йилда Марказий банкнинг банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятини тизимли назорат қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банклар ва нобанк кредит ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

Хусусан, қарз олувчиларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низомга қарз олувчиларга кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш тартибига аниқлик киритувчи ҳамда банкларнинг қарз олувчилар олдидаги мажбуриятларини белгиловчи қоидалар киритилди.

Нобанк кредит ташкилотлари ва уларнинг хизматлари истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш мақсадида “Молиявий хизматлар истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда микрокредит ташкилотлари ва ломбардларнинг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги низом ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, банк хизматлари истеъмолчилари орасида даврий сўровлар ўтказиш орқали банкларда хизмат кўрсатиш сифатини баҳолаб бориш ва уларнинг натижалари асосида банкларнинг рейтингини шакллантириш мақсадида “Тижорат банкларида банк хизматларини кўрсатиш

сифатини баҳолаш услубиёти” амалиётга жорий этилди. Сўров натижалари асосида шакллантирилган банклар рейтинги Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали эълон қилиб борилмоқда.

Бу ўз навбатида, банкларнинг хизмат кўрсатиш борасидаги камчиликларини аниқлашга, уларни бартараф этишга ва банкларнинг ўз мажбуриятларига бўлган жавобгарлик ҳиссини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни ташкил қилиш, тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида келишув битими тузилди.

Ҳисобот йилида банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шу орқали банклар ва нобанк кредит ташкилотларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида кредит ташкилотлари фаолиятини доимий назорат қилиш чоралари кўриб борилмоқда.

Хусусан, 2020 йилда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузилишига йўл қўйган 30 та тижорат банкларидан жами **730 млн.** сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Банк хизматлари истеъмолчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш борасида кўрилган чоралар натижасида Халқ банки томонидан жисмоний шахсларнинг банк карталарига маблағларни кирим қилганлиги учун асоссиз ундирилган **445,6 млн.** сўм миқдоридаги комиссия маблағларнинг фуқароларга қайтариб берилиши таъминланди.

Шунингдек, банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда йўл қўйилган тартиббузарликларни бартараф этиш юзасидан тижорат банкларига Марказий банкнинг жами **14** та кўрсатма хатлари юборилди.

2020 йилда Хизмат томонидан Халқ банки, Микрокредитбанк, Миллий банк, Асака банк, Ипотека-банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоқ қурилиш банк, Алоқабанк, Туронбанк ва Агробанкда ижро интизомининг аҳволи ҳамда жорий этилган банк хизматлари ва уларнинг шартлари тўғрисидаги ахборотларни банкнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши масалалари жойига чиқиб ўрганилди.

Ўрганишлар давомида тижорат банклари томонидан банкларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштирилмаган жами **387 та** банк хизматларининг шартлари тўғрисидаги ахборотларни жойлаштирилиши таъминланди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг **320 та** мурожаатлари Хизмат томонидан бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибда кўриб чиқилди ва ҳуқуқлари бузилган **52 та** банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланишига кўмаклашилди.

Коронавирус пандемияси даврида иқтисодий фаоллик қисқариши оқибатида молиявий қийинчиликка дуч келган тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммо ва эҳтиёжларини бевосита жойларда ўрганиш мақсадида тижорат банклари республика аппарати масъул ходимларини ҳар бир филиалларга бириктирган ҳолда жойларда банк ходимларини “мижозбай” ишлаш тизимига ўргатиш ишлари ташкил қилинди.

Маҳаллий ҳокимликлар билан амалга оширилган ишлар натижасида 2021 йил 1 январь ҳолатига коронавирус пандемияси даврида пул тушуми камайган **217** мингта тадбиркорлик субъектларидан **204** мингта корхоналар (ёки 94 фоиз) пул тушумлари карантин чекловлари жорий қилинишига қадар бўлган даврдаги ҳажмга етказилиши орқали фаолияти тикланди.

Ўз навбатида, 2020 йилнинг март-декабрь ойларида банклар томонидан **59 235 та** хусусий сектор корхоналарига айланма маблағларни тўлдириш учун **26,8 трлн. сўм** револьвер кредитлари ажратилиши ҳам мазкур корхоналарнинг молиявий ҳолати яхшиланишига ўз ҳиссасини қўшди.

5.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

Марказий банк республика аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларида Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабларига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг яхлит тизими яратилган.

Мурожаатларнинг ўз вақтида сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш билан бирга, аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда юзага келаётган тизимли камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш Марказий банкнинг ушбу соҳадаги фаолиятини асосий мезонларидан бўлиб қолмоқда.


2020 йилда карантин чекловларининг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда жисмоний ва юридик шахслар билан электрон шаклда мулоқотни кенгайтириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан аниқ ва тезкор чоралар кўриш мақсадида Марказий банкнинг

расмий веб-сайтида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудий бош бошқармалари томонидан тўғридан-тўғри мурожаатларни қабул қилиш ва тезкорлик билан кўриб чиқиш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг мобиль илова дастури ҳамда “Ишонч телефони” орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини 24/7 режимида қабул қилиш тизими йўлга қўйилиб, мурожаатларнинг масъул ходимлар томонидан “Ишонч телефони” орқали иш кунлари 9:00 дан 18:00 гача қабул қилиниши ҳамда иш вақтларидан ташқари эса овозли хабар орқали қабул қилиш тизими жорий этилди.

5.4.1-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони, *дона*




2020 йилда Марказий банк аппаратида келиб тушган мурожаатлар сони 2019 йилга нисбатан **48** фоизга камайиб, 2 625 тани ташкил этди. Бунда мурожаатларнинг 346 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 532 таси Марказий банк электрон почтаси, 1 223 таси Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик, идоралар орқали келиб тушган ёзма мурожаатлар, 250 таси “ишонч телефони” орқали ҳамда 274 таси шахсий ва сайёр қабуллар давомида келиб тушган.

Коронавирус пандемияси муносабати билан жорий этилган карантин чекловлари шароитида жами мурожаатлар 2 422 тага камайган бўлсада, электрон (виртуал портал, электрон почта) мурожаатлар сонининг ошиши кузатилди.

5.4.2-чизма


Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони, дона



Ҳисобот йилида жисмоний ва юридик шахслардан келган жами 2 625 та мурожаатларнинг 723 тасига амалий ёрдам кўрсатилди, 1 807 тасига амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тушунтиришлар берилди, 35 та мурожаат тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш учун бошқа вазирлик ва идораларга юборилди, 4 таси аноним мурожаат бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмади ҳамда 56 та мурожаатни кўриб чиқиш жараёни давом этмоқда.

5.4.3-чизма

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ижроси



Мурожаатларнинг 1 622 таси (61,8 фоиз) банк кредитлари ва кредит операциялари, 230 таси (8,8 фоиз) банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари,

173 таси (6,6 фоиз) банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар, 155 таси (5,9 фоиз) банк ҳисоб рақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳамда 445 таси (16,9 фоиз) бошқа масалалар ҳиссасига тўғри келади.

Банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда ноқулайликлар ва қийинчиликлар туғдириб келган кўплаб муаммоларнинг босқичма-босқич ҳал қилиб борилаётганлиги ҳисобот йилида аксарият масалалар бўйича мурожаатлар сонининг камайишига бевосита таъсир кўрсатди.

5.4.1-жадвал

Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларда кўтарилган масалалар таркиби

№	Мурожаат масаласи	Мурожаатлар сони	
		2019 йил	2020 йил
1	Банк кредитлари ва кредит операциялари масаласида	3 483	1 622
2	Банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласида	427	230
3	Банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар масаласида	207	173
4	Банк ҳисобрақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб китоблар масаласида	169	155
5	Валюта йўналишида	181	100
6	Банк карталари ва терминаллар масаласида	101	83
7	Ишга жойлашиш масаласида	117	53
8	Банк омонати ва бошқа депозит операциялари масаласида	104	51
9	Банклар ва кредит ташкилотларни ташкил этиш ва тугатиш масаласида	71	32
10	Нафақа пулларини олиш масаласида	29	27
11	Бошқа масалалар	158	99
	Жами	5 047	2 625

Хусусан, 2020 йилда банк кредитлари ва кредит операциялари масаласида келган мурожаатлар ўтган йилга нисбатан 1861 тага, банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари масаласида 197 тага, банк фаолияти бўйича маълумотлар олиш ва таклифлар масаласида 34 тага, банк ҳисоб рақамларини очиш, тўлов тизими ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар масаласида 14 тага ҳамда бошқа масалаларда 316 тага камайган.

VI. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

2020 йилда Марказий банк халқаро молия институтлари, хорижий банклар, халқаро рейтинг агентликлари ҳамда бошқа марказий банклар билан ҳамкорлик ишларини давом эттирди.

Хусусан, мазкур ташкилотлар билан пул-кредит сиёсати, валюта сиёсати ва кредит ташкилотларининг пруденциал назорати каби долзарб масалалар юзасидан жами 150 дан ортиқ учрашувлар ўтказилди. Бунда пандемия таъсирида мамлакатлараро қатновларнинг тўхтатилиши муносабати билан учрашувларнинг аксарият қисми онлайн тарзда ташкил этилди.

Бундан ташқари, Марказий банк вакиллари хорижий марказий банклар билан англашув меморандумлари имзоланишида, давлатлараро ва халқаро интеграцион бирлашмалар фаолияти доирасида бўлиб ўтган учрашувларда фаол иштирок этди.

6.1. Халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклар билан ҳамкорлик

Ҳисобот йилида Марказий банкка юклатилган вазифаларни халқаро экспертларнинг кўмаги ҳамда хулосалари асосида самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармасининг 4 та ҳамда Жаҳон банкининг 3 та техник кўмак миссиялари жалб этилди.

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) техник кўмак миссиялари молия сектори барқарорлигини баҳолаш, ички валюта бозорини ҳамда монетар ва валюта операцияларини ривожлантириш, ташқи сектор статистикасини (тўлов баланси) такомиллаштириш йўналишларида амалга оширилди.

ХВЖнинг Молия сектори барқарорлигини баҳолаш бўйича дастлабки ва асосий онлайн миссиялари давомида банк ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш, молиявий инқирозга қарши чоралар, стресс-тестинг механизмини такомиллаштириш, молиявий барқарорлик ва макропруденциал сиёсат, молиявий сектор инфратузилмасини тартибга солиш, молиявий оммабоплик ва рақамли иқтисодиёт йўналишлари бўйича муҳокамалар олиб борилди.

Мазкур миссия натижаларидан келиб чиқиб, “Молия сектори барқарорлигини баҳолаш бўйича техник кўмак кўрсатиш йўл харитаси” ишлаб чиқилмоқда ҳамда уни амалга ошириш юзасидан 3 йиллик техник ёрдам жалб этиш чоралари кўрилмоқда.

Ички валюта бозорини ҳамда монетар ва валюта операцияларини ривожлантириш бўйича онлайн тарзда ташкил этилган миссия давомида Марказий банкнинг ички валюта ва пул бозоридаги операциялари, банк тизимида ликвидликни бошқариш ҳамда самарали пул-кредит сиёсати юритилиши юзасидан ўрганишлар олиб борилди.

Ташқи сектор статистикаси миссияси давомида статистик маълумотларни тарқатишнинг махсус стандарт тизимига (SDDS) ўтиш ҳамда тўлов баланси ва халқаро инвестицион позициянинг статистик маълумотларини такомиллаштириш каби масалалар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари, ХВЖ ва Марказий банк ўртасидаги келишувга асосан Ўзбекистон Республикаси ХВЖнинг Қозоғистоннинг Олмаота шаҳридаги янги ташкил этилган Кавказ, Марказий Осиё ва Мўғулистон мамлакатлари учун **Минтақавий салоҳиятни ошириш марказининг** таъсисчи-бенефициарларидан бирига айланиб, дастлабки аъзолик бадали тўлови амалга оширилди.

Ушбу марказ билан яқин ҳамкорлик мамлакатимизда вазирлик ва идоралар мутахассисларининг салоҳиятини, хусусан, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ҳамда тажрибаларини ошириш ва иқтисодий янада либераллаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мазкур марказ экспертлари томонидан фискал ва пул-кредит сиёсати, молиявий назорат ва статистика каби йўналишларда диагностика миссиялари орқали мамлакатимизга техник кўмак кўрсатилади.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси билан ўзаро ҳамкорликнинг янги босқичида ХВЖ томонидан мамлакатимизга **доимий вакили** тайинланиши бўйича келишувга эришилди.

Мазкур доимий вакил иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишлари бўйича таҳлилий ишларда Ҳукуматга маслаҳат бериш, ХВЖнинг техник кўмак дастурларини мувофиқлаштириш, ислохотларнинг кейинги устувор йўналишларини аниқлаш каби масалаларда ўз амалий кўмагини кўрсатиб боради.

Ҳисобот йилида **Жаҳон банкининг** молия секторидаги ислохотларга кўмаклашиш, кредит ташкилотларини лицензиялаш, тартибга солиш ва пруденциал назорат ҳамда халқаро захираларни бошқариш йўналишларда техник кўмак миссияси амалга оширилди.

Бунда молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш бўйича миллий стратегияси ишлаб чиқилди. Шунингдек, Жаҳон банки экспертлари

кўмагида 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ – 5992-сонли Фармони билан тасдиқланди.

Кредит ташкилотларини лицензиялаш, тартибга солиш ва пруденциал назорати бўйича техник кўмак миссиясида пруденциал назорат бўйича илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш, Марказий банкнинг ҳисобот тизимини баҳолаш ва илғор назорат механизмларини (SupTech) татбиқ этиш масалалари кўриб чиқилди.

Халқаро захираларни бошқариш бўйича миссияси давомида халқаро захираларнинг таркиби, захиралар бошқарув жараёнини автоматлаштириш ва халқаро захираларни бошқаришда юзага келадиган муаммолар ва сценарийлар бўйича зарур тавсиялар олинди.

Шунингдек, **Осиё тараққиёт банки** билан ҳамкорлик доирасида рискка асосланган банк назоратини йўлга қўйиш мақсадида Марказий банкка халқаро эксперт жалб этилиши бўйича келишувга эришилиб, мазкур эксперт кўмагида кредит ташкилотларини инспекция қилиш тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб бориш, бунда инспекция жараёнини рискка асосланган йўналиш ва услубда ташкил қилиш каби ишларда яқиндан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йил давомида Марказий банк ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий марказий банклари ўртасида бир қатор соҳалар бўйича ўзаро англашув **меморандумлари** имзоланди. Хусусан:

- Халқаро молия корпорацияси билан молиявий саводхонликни ошириш бўйича ҳамкорлик келишуви;

- Россия Федерациясининг Марказий банки (Россия банки) билан компьютер (кибер фазода) ҳужумларига қарши таъсир кўрсатиш бўйича меморандум;

- Россия Федерациясининг “Газпромбанк”и билан банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш бўйича меморандум;

- Грузия Миллий банки билан банк назорати бўйича меморандум;

- Корея Республикаси Марказий банки билан кадрлар малакасини ошириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлик дастури бўйича келишувларга эришилди.

Шунингдек, давлатлараро ва халқаро интеграцион бирлашмалар, ҳукуматлараро ва идоралараро комиссиялар (қўмиталар) фаолияти

доирасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича тузилган ишчи гуруҳлар аъзоси сифатида Марказий банк вакиллари фаол иштирок этди.

Хусусан, Марказий банк ҳамраислигида Россия банки билан биргаликда Россия Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги **Банкларо ҳамкорликни ривожлантириш кичик комиссиясининг** навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида ташкил этилиб, унда банк соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, халқаро интеграцион ташкилотларга, жумладан, **Жаҳон савдо ташкилоти** ва **Евроосиё иқтисодий иттифоқига** аъзолик доирасида ҳамда **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти**, **Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги** ҳамда **Европа Иттифоқи** ўртасидаги идораларо онлайн учрашувларида иқтисодий интеграция, банк хизматларини кўрсатиш масалалари юзасидан Марказий банк вакиллари батафсил маълумотлар тақдим этдилар.

6.2. Халқаро рейтинг компаниялари, хорижий инвесторлар ва бошқа молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик

2020 йилда халқаро рейтинг агентликлари, жумладан, Fitch Ratings, Moody's, S&P Global Ratings томонидан Ўзбекистон Республикасининг суверен рейтингини янгилаш мақсадида уларга мамлакат иқтисодиёти ва банк тизимининг жорий ривожланиш ҳолати, пандемия шароитида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида олиб борилган пул-кредит сиёсати ҳамда қабул қилинган қарорлар, шунингдек, ташқи сектор статистикаси тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегиясига асосан давлат улушига эга банкларни трансформация қилиш орқали хусусийлаштириш жараёни тўғрисида хорижий инвесторларга маълумотлар берилди.

Шунингдек, **Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг** жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ўзаро баҳолашнинг иккинчи босқичида Ўзбекистон Республикасининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш миллий тизимини дастлабки баҳолаш онлайн тарзда амалга оширилди.

Бугунги кунда ушбу баҳолаш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

VII. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ

7.1. Ташкилий тузилма

Ҳисобот йилида иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар, Марказий банк фаолиятидаги таркибий ўзгаришларга мувофиқ ҳолда Марказий банкнинг ташкилий тузилмаси ҳам такомиллаштириб борилди.

Хусусан, давлат ташкилотларида коррупцияга қарши кураш тизимини такомиллаштириш доирасида комплаенс назорат тизимининг кенг жорий қилиниши муносабати билан Ички аудит департаменти фаолияти кенгайтирилиб, **Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти** сифатида қайта ташкил этилди.

Бугунги кунда Марказий банк марказий аппарати 33 департамент, хизмат ва бўлимлардан ташкил топган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий бош бошқармалар фаолият юритмоқда.

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банк тизимида олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар билан бутланиш даражаси 100 фоизни, шу жумладан, олий маълумотли мутахассислар 96 фоизни ташкил этади.

7.2. Ходимлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш

Ҳисобот йилида Марказий банкда ёш, билимли мутахассисларни танлов асосида саралаб олиш жараёнини соддалаштириш ва шаффофлигини ошириш, ходимларни хорижда ўқитиш, халқаро молиявий ташкилотлари ва нуфузли марказий банклар томонидан ташкил этилган ўқув семинарларда иштирок этишини таъминлаш орқали малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасидаги ишлар давом эттирилди.


Вакант лавозимларни бутлашда шаффофликни таъминлаш ва тенг имкониятлардан фойдаланган ҳолда номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида вакант лавозимларга номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисида”ги низом янги тартибда ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Хусусан, Марказий банкдаги вакант лавозимлар мавжудлиги тўғрисида ва мазкур лавозимларга малакавий талаблар ҳақидаги маълумотлар Марказий банкнинг веб-сайтида, шунингдек, ижтимоий тармоқларда тизимли равишда жойлаштирилиб борилмоқда.

Вакант лавозимларга ёш, билимли мутахассисларни танлов асосида саралаб олиш жараёнини янада осонлаштириш мақсадида тест синовларини онлайн шаклда топшириш имконини берувчи **дастурий таъминот (телеграм бот) ишга туширилди**, бу эса номзодларга вакант иш ўринлари билан танишиш, ўз резюмеларини юбориш, масофадан туриб тест-синовларидан ўтиш ва тезкор қайта алоқага киришиш имкониятини яратди.

2020 йилда Марказий банк бўйича жами **222** нафар ходим, шу жумладан, марказий аппарат бўйича **108** нафар ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари бўйича **114** нафар ходим ишга қабул қилинди.

Бунда Марказий аппаратда мавжуд бўш иш ўринларига талабгор сифатида Марказий банкнинг веб-сайти орқали **572** нафар резюме келиб тушди ҳамда уларнинг **82** нафари (Марказий аппаратга янги қабул қилинган жами ходимларнинг **76** фоизи), шунингдек, **Марказий банкнинг махсус стипендияси** стипендиантларининг **11** нафари ишга қабул қилинди.



Марказий банк тизимида раҳбар кадрлар учун юқори салоҳиятли ва малакали ўриндошлар тайёрлаб бориш мақсадида Марказий банк марказий аппарат бўйича раис ўринбосарлари, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналар раҳбарлари лавозимларига **110** нафар, таркибий бўлинмалар раҳбар ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари лавозимларига **102** нафар номзодлар тест синовлари орқали саралаб олиниб, раҳбар кадрлар захираси таркибига киритилди.

Истеъдодли ва истиқболли ходимларни хорижда малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш борасида ҳам тегишли ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Халқаро валюта жамғармаси ва Япония ҳукумати ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (KOICA) дастурлари доирасида Марказий банкнинг **8** нафар ходими Буюк Британия, Япония ва Кореянинг етакчи университетларида магистратура йўналиши бўйича грант асосида таълим олмоқдалар.

Шунингдек, Марказий банкнинг 22 нафар ходими (18 нафар раҳбар ва 4 нафар мутахассис) Швейцария, Хитой Халқ Республикаси, Австрия, Малайзия, Россия Федерацияси, Грузия, Украина давлатлари Марказий (Миллий) банкларида ўз малакаларини ошириб тажриба алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан малака ошириш ва стажировка ўташ дастурида голиб бўлган Марказий банкнинг бир нафар ходими 2020 йилнинг 24 январь – 30 март кунлари Польша Марказий банки томонидан ташкил этилган ўқув курсда иштирок этди.

Шунингдек, 2020-2021 ўқув йилида Банк-молия академиясига Марказий банкнинг 21 нафар ходимлари, шу жумладан, 11 нафари грант асосида ўқишга қабул қилинди ҳамда ҳудудий бош бошқармаларининг 3 нафар раҳбарлари Давлат бошқаруви академияси ўқув курсида қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Абу Райҳон Бериуний номидаги Бизнес ва бошқаруви Олий мактабида “Ходимлар бўйича менежер (HR-менежер)” ва “Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари” мавзуларида ташкил этилган ўқув курсларда 2 нафар ходим ҳамда “Ўзархив” агентлиги Ўзбекистон Кинофотофоно ҳужжатлари Миллий архивида “Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати” мавзусида ташкил этилган ўқув курсда 2 нафар ходим малакасини оширди.

Марказий банкнинг 8 нафар мутахассислари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида ташкил этилган онлайн ўқув курсларда иштирок этиб, давлат тилида иш юритиш асослари бўйича назарий, амалий билимларини кенгайтirdи.

Марказий банк тизимида маънавий-маърифий соҳада ташкил этилган тадбирларда “Ватанимга таянчман”, “Буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди”, “Буюк алломалар ижоди – миллий маънавий хазинамиз”, “Аёл борки, олам мунаввар”, “Жонажон Ўзбекистоним мангу бўл омон”, “Қадринг баланд бўлсин, она тилим”, “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш” каби мавзулар бўйича даврий равишда семинар-мулоқотлар ўтказиб борилмоқда.

Соғлом турмуш тарзини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун зарур кичик спорт заллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ – 5812-сонли Фармони ижросини

таъминлаш мақсадида меҳнат бозорида янги касблар ва лавозимлар пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида банк фаолиятига доир бўлган касблар бўйича **“касбий стандартлар”**, **“тармоқ малакалар доиралари”** ва **малака талаблари** ишлаб чиқилиб, мазкур Фармон ижросини мониторинг қилиб бориш мақсадида яратилган махсус 5812.e-edu.uz сайтида жойлаштирилди.

7.3. Банк мутахассисларини қайта тайёрлаш корпоратив маркази фаолиятини ривожлантириш

Банк секторини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар илғор халқаро амалиётни инобатга олган ҳолда банк соҳасидаги кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида банк тизими мутахассисларининг билим ва малакасини оширишни тақозо этмоқда.

Шу муносабат билан, замонавий билимларга эга юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ўқитиш тизими сифатини юқори даражага кўтариш ва такомиллаштириш, халқаро амалиётга таянган ҳолда ўқитишнинг инновацион шакли ва услубларини жорий этиш банк тизимини трансформация қилиш жараёнида ижобий натижаларга эришишнинг устувор йўналишлари сифатида қаралмоқда.

Ушбу мақсадларда 2020 йилда юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилган ва ўқитиш жараёнида энг яхши амалиётни қўллаган ҳолда Корпоратив марказ томонидан банк ходимларининг касбий (hard) ва шахсий (soft) кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор ўқув тадбирлари ташкил этилди. Хусусан:

- банк тизимига самарали назорат ва тартибга солишнинг замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, банк хизматларини модернизациялаш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш мақсадида назорат технологиялари (RegTech ва SupTech), молиявий технологиялар (FinTech), тўлов тизимлари ва хавфсизлик (киберхавфсизлик);

- банкларда кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун юқори технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида таваккалчиликларни бошқариш;

- банк хизматлари оммабоплиги ва сифатини ошириш учун банк секторини тубдан трансформация қилиш мақсадида молиявий оммабоплик ва молиявий таълим;

- мамлакатимизда 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини инобатга олиб, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги банк мутахассисларни МҲХС бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш мақсадида МҲХС-9;

- банк ходимларини иш жараёни самарадорлигига янгича ёндашишлари, жамоавий ишлаш ва жамоани тўғри бошқаришни ўрганишлари учун шахсий ва бошқарув кўникмаларини ошириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Марказий банк ва тижорат банклари ходимларининг юқорида келтирилган долзарб йўналишлар бўйича билим салоҳиятларини ошириш мақсадида жами 24 та (18 та халқаро ва 6 та маҳаллий) молия институтлари, чет эл марказий банклари, хорижий ва маҳаллий ўқув марказлари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Коронавирус пандемияси шароитида Корпоратив ўқув маркази ўз ҳамкорлари билан биргаликда ўқув тадбирларини онлайн форматда ўтказди, бу эса, ўз навбатида, ўқув тадбирларининг сонини ва уларга иштирокчиларни жалб қилиш имконини сезиларли даражада кенгайтди.

Хусусан, ҳисобот йилида ҳамкор ташкилотлар билан жами 110 га яқин тренинг ва онлайн ўқув тадбирлари ўтказилиб, ушбу ўқув тадбирларида жами 4 300 га яқин банк ходимлари иштирок этди.

Бундан ташқари, Марказий банк 2 нафар ходими Германиянинг Франкфурт молия ва менежмент мактабида “Молиявий оммабоплик эксперти” йўналишида 6 ойлик онлайн курсни муваффақиятли тамомлаб, тегишли сертификатга эга бўлди.

Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги банк мутахассисларини МҲХС бўйича ўқитиш ва малакаларини ошириш мақсадида “Mazars” аудиторлик консалтинг компанияси томонидан “МҲХСнинг асосий стандартлари” мавзусида ва SESRIC ҳамда Индонезия Марказий банки ҳамкорлигида “Исломиё молиявий воситалар” мавзуларида ўтказилган ўқув тадбирларида 18 нафар ходим сертификатларга эга бўлди.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки Молиявий барқарорлик институтининг FSI Connect платформасида Марказий банкнинг 25 нафар ходимлари “Банк фаолияти бизнеси”, “Банкларни назорат қилиш асослари”, “Basel III ислохотлари”, “Макропруденциал сиёсат ва тизимли таваккалчиликлар”, “Тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар”, “Кредит таваккалчилиги сиёсати ва назорати асослари”, “Ликвидлик таваккалчилиги сиёсати ва назорати”, “Бозор таваккалчилиги сиёсати ва назорати” каби

мавзулар бўйича онлайн курсларда иштирок этишди ва 160 га яқин мутахассислар тегишли сертификат олишди.

Пандемия шароитида Марказий банк ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ўз устида ишлашлари ҳамда билим ва кўникмаларини мустақил оширишлари учун халқаро етакчи университетлар (Йель университети, Колумбия университети, Мичиган университети, Вашингтон университети, Нью-Йорк университети, Калифорния университети, Москва давлат халқаро алоқалар институти ва бошқалар) томонидан таклиф этилган макроиқтисодиёт, молиявий таҳлил, статистика, молиявий технология, хавфсизлик, коммуникация, нотиклик ва хорижий тилларни ўрганиш йўналишлари бўйича 100 дан ортиқ бепул онлайн ўқув курсларида 38 нафар ходимлар ўз касбий билимларини, бошқарув кўникмаларини ва хорижий тилларни янада мукаммал ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

Ҳар бир раҳбар ходим учун ўз вақтида тўғри қарорларни қабул қилиш, ходимларни тўғри бошқариш ва жамоавий ишни самарали ташкил қилишнинг муҳимлигини инобатга олган ҳолда, Марказий банк раҳбар ходимлари учун бошқарув кўникмаларини (soft skills) ривожлантириш йўналишида Россия Марказий банкининг корпоратив университети ҳамкорлигида 5 та мавзу бўйича ва Банк молия академияси ҳамкорлигида 4 та мавзу бўйича ўқув тренинглари ўтказилди.

7.4. Пул-кредит ва молиявий статистикани такомиллаштириш

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан пул-кредит ва молиявий статистикани халқаро стандартлар асосида ягона форматда тўлиқ шакллантириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, суғурта, лизинг ва банк фаолияти билан шуғулланмайдиган бошқа молиявий ташкилотлар бўйича статистик маълумотларни ўзида акс эттирувчи янги шарҳ – “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни шакллантириш юзасидан зарурий тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Мазкур шарҳни шакллантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш мақсадида Марказий банк бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси томонидан “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳини шакллантириш бўйича статистик ҳисоботларни юритиш қоидалари”ни тасдиқлаш ҳақидаги қўшма қарори қабул қилиниб, Адлия вазирлигида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилди.

Тажриба (эксперимент) тариқасида Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) экспертлари тавсиялари асосида ишлаб чиқилган шаклларга мувофиқ,

Республикадаги суғурта бозорининг барча иштирокчилари, Ўзбекистон лизинг уюшмасига аъзо бўлган энг йирик 22 та лизинг ташкилотлари ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг 2020 йилнинг II ва III чорак ҳамда йил якунлари бўйича статистик маълумотлари шакллантирилди.

Шунингдек, 2020 йилнинг ноябрь - декабрь ойларида жалб этилган ХВЖнинг “Молиявий сектор барқарорлигини баҳолаш” бўйича техник кўмак миссияси доирасида тажриба тариқасида шакллантирилган ушбу статистик ҳисоботларнинг сифатини ошириш ва фойдаланувчиларга тақдим этишни йўлга қўйиш борасидаги ишлар амалий жиҳатдан такомиллаштирилди.

ХВЖ экспертлари тавсияси асосида 2021 йилнинг I чорагида “Бошқа молиявий ташкилотлар шарҳи”ни шакллантиришни такомиллаштириш бўйича ХВЖнинг онлайн техник кўмак миссиясини жалб этиш режалаштирилган.

2021 йилнинг I ярим йилида ушбу шарҳни шакллантириш бўйича тайёргарлик ишларини якунига етказиш ҳамда эълон қилиш режалаштирилган бўлиб, мазкур шарҳни шакллантириш амалиётининг жорий этилиши Марказий банк томонидан шакллантириб келинаётган пул-кредит шарҳлари билан биргаликда “Молия тизими шарҳи”ни юритишнинг йўлга қўйилишини ҳамда республика банк-молия тизими статистикасининг ягона халқаро форматда тўлиқ қамраб олинишини таминлайди. Бу эса пировардида, молия тизимининг шаффофлиги ва очиқлигини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, 2020 йилда Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси бўйича статистик маълумотлар очиқлиги ва маълумотларни тарқатиш кўламини янада ошириш йўналишидаги ишлар доирасида халқаро молия бозорида асосий маълумотлар базаларидан бири ҳисобланган **Блумберг платформасида** Марказий банкнинг саҳифаси очилди.

Блумберг ташкилоти экспертлари билан ҳамкорликда Марказий банк саҳифасида статистик ва бошқа маълумотларни тизимли равишда жойлаштиришни йўлга қўйиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу платформадаги маълумотлар халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий инвесторлар ва тадқиқотчиларни республика банк-молия тизимининг ривожланиш ҳолати бўйича тўлиқ ва кенг қамровли статистик ва бошқа турдаги маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан ХВЖнинг “Баланс ёндашуви” методологияси асосида ўзида иқтисодиёт секторларининг ўзаро

боғлиқлиги даражасини акс эттирувчи мамлакатнинг Баланс матричасини шакллантириш бўйича ишлар бошланди.

Хусусан, 2020 йилнинг ноябрь - декабрь ойларида жалб этилган ХВЖнинг “Молиявий сектор барқарорлигини баҳолаш” бўйича техник кўмак миссияси доирасида Марказий банк ҳамда ХВЖнинг мутахассислари билан биргаликда мамлакат Баланс матричасининг бирламчи шакли шакллантирилиб, унинг сифатини ошириш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

7.5. Марказий банкнинг таҳлилий ва тадқиқотлар базасини ривожлантириш

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсати бўйича қарорлар қабул қилиш сифатини ошириш мақсадида Марказий фаолиятига оид долзарб мавзулар юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаштириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилди.

Хусусан, инфляциянинг номонетар омилларини таҳлил қилиш доирасида **“Ўзбекистонда транспорт харажатларининг нархлар шаклланишига таъсири”** мавзусида тадқиқот иши амалга оширилди.

Мазкур тадқиқот иши доирасида Ўзбекистонда юк ташиш транспорти соҳаси ва инфратузилмасининг ривожланиш ҳолати, транспорт хизмати тарифларининг ўсишига таъсир қилаётган асосий омиллар ҳамда транспорт харажатларининг ички бозордаги нархлар шаклланишига таъсири ўрганилди.

Сўнгги йилларда валюта бозорининг эркинлаштирилиши шароитида мамлакатда амалга оширилган фаол инвестицион сиёсат, давлат бюджети харажатларининг ҳамда ташқи қарз суръатларининг сезиларли ошиб бораётганлиги тўлов баланси барқарорлиги юзасидан хавотирларни пайдо қилди.

Шу муносабат билан, мамлакатда тўлов баланси борасидаги хатарларини аниқлаш ҳамда жорий операциялар ҳисоби барқарорлигини таҳлил қилиш мақсадида **“Эрта огоҳлантириш тизими асосида тўлов баланси барқарорлиги таҳлили”** мавзусида тадқиқот ишлари якунига етказилди.

Хусусан, тўлов баланси барқарорлигини таҳлил қилишда Халқаро валюта жамғармаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган Эрта огоҳлантириш тизими (Early warning system) ёндашуви асосида 8 та кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишида сўнги 30 йилда тўлов баланси инқирози юз берган мамлакатларда инқироз юз беришидан олдинги макроиқтисодий кўрсаткичларининг шаклланиши ҳамда уларда жорий операциялар ҳисоби дефицитини келтириб чиқарувчи омиллар ва дефицитнинг молиялаштириш манбалари ўрганилди ҳамда Ўзбекистоннинг жорий кўрсаткичлари билан солиштирилди.

Шунингдек, молиявий ресурсларнинг, хусусан, инвестициялар, технологиялар импорти ҳамда ажратилган кредитларнинг ишлаб чиқариш ўсишига таъсирини аниқлаш мақсадида **“Қайта ишлаш саноати ва молиявий ресурслар самарадорлиги таҳлили”** мавзусида тадқиқот иши ўтказилди.

Тадқиқот натижалари юқори технологияли саноатга киритилган инвестициялар, технологиялар импорти ҳамда ажратилган кредитларнинг ишлаб чиқариш ўсишига ижобий таъсири ўрта ва қуйи технологияли саноатларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилининг май ойидан иқтисодиётдаги ўзгаришларни тезкор мониторинг ва таҳлил қилиб бориш ҳамда Марказий банк пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иқтисодиётдаги ўзгариш ва кутилмаларни инобатга олинишини таъминлаш мақсадида Халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) реал сектор корхоналари билан сўровлар ўтказиш бўйича методологик тавсияларини инобатга олган ҳолда иқтисодиётнинг саноат, хизмат кўрсатиш, қурилиш ишлари ҳамда савдо соҳаси корхоналари билан ойлик сўровлар ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Сўров натижалари асосида халқаро амалиётда иқтисодиётдаги тенденцияларни баҳолашда кенг қўлланиладиган иқтисодиёт ҳамда унинг тармоқлари бўйича алоҳида **иқтисодий фаоллик индекслари** ҳамда **ишбилармонлик кайфияти индекслари** ҳисобланиб, Марказий банкнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги каналлари орқали даврий равишда эълон қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, Марказий банкнинг макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш борасидаги салоҳиятини ошириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг техник кўмаги доирасида Чехиянинг “OGRsearch” консальтинг компанияси билан ҳамкорликда ўрта муддатли макроиқтисодий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқишда қўлланиладиган **Чораклик прогнозлаштириш моделини** (QPM) янада такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Иқтисодийнинг 4 та ўзаро боғланган секторларидаги, яъни пул-кредит, солиқ-бюджет, ишлаб чиқариш ва ташқи секторлардаги жараён ва ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш имкониятини берувчи **Макроиқтисодий дастурлаш моделининг (FPP)** яқуний модификациялашган шакли ишлаб чиқилди ва амалий тадқиқотларда қўлланилмоқда.

7.6. Комплаенс-назорат ва ички аудит фаолияти

2020 йилда Марказий банкнинг Аудиторлик қўмитаси томонидан ички назорат тизими, ички аудитни ҳамда молиявий ҳисоботлар юритилишини халқаро талаблар даражасига мослаштириш ва ташқи аудиторлик ташкилотлари билан муносабатларни йўлга қўйиш бўйича ишларни самарали ташкил этишга доир жами 11 та масала кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, Аудиторлик қўмитаси томонидан 2020 йил яқуни бўйича Марказий банк фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун танлов комиссияси ҳамда ишчи гуруҳ мутахассислари хулосаси асосида аудиторлик компанияси танлаб олинди. Бунда техник топшириқни ишлаб чиқиш жараёнларига, аудиторлик компаниясининг таклифлари ҳамда аудиторларнинг малакавий кўрсаткичларига эътибор қаратилди.

Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти зиммасига юклатилган вазифаларни 2021 йилда ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида 2021 йилда ўтказиладиган комплаенс-назорат ва ички аудитни ташкил этиш режаси” лойиҳаси Аудиторлик қўмитада кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Ҳисобот йилида Марказий банк тизимида, жумладан, ҳудудий бош бошқармалар ҳамда тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини ички аудитдан ўтказиш бўйича ишлар Марказий банк бошқаруви томонидан тасдиқланган йиллик режа асосида ташкил этилди.

Хусусан, Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари, Ҳисоб-китоб касса марказлари ва Марказий банк тасарруфидаги корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг тўғри юритилиши, активлар ҳолати, қимматликларнинг бут сақланиши, банк операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан ички аудитдан ўтказилди.

Ички аудит натижасида аниқланган хато-камчиликларнинг тўлиқ бартараф этилиши таъминланди ҳамда келгусида такрорланишининг олдини

олиш мақсадида тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилиб, уларнинг ижроси назоратга олинди. Шу билан бирга, бу борада камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўриш юзасидан тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 29 июндаги ПФ – 6013-сонли Фармони талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш бўйича 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” доирасида Ички аудит департаменти негизида Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти қайта ташкил этилиб, мазкур департамент тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Бунда департамент зиммасига ички аудитни амалга ошириш билан биргаликда Марказий банк, унинг ҳудудий бош бошқармалари ҳамда тасарруфидаги корхоналарда коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тизимини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси ҳам юклатилди.

Шунингдек, Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бошқариш сиёсати, Коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими тўғрисида низом, Одоб-ахлоқ қоидаларининг янги таҳрири ҳамда Вазирлик ва идоралар билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

2020 йилда ички аудитни янги йўналишда тизимли ҳамда самарали йўлга қўйиш мақсадида ходимларнинг соҳага оид онлайн ўқув курслари ва семинарларда иштирок этиши таъминланиб, уларнинг билим ва малакаси ошириб борилди.

VIII. ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари*
(жорий нархларда)

Кўрсаткичлар	2020 йил	
	ҳажми, млрд.сўмда	реал ўсиши, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	580 203,2	101,6
Саноат маҳсулоти ҳажми	367 078,9	100,7
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	119 159,8	103,6
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	260 300,0	116,1
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	202 000,1	91,8
Қурилиш ишлари ҳажми	87 823,8	109,1
Чакана савдо айланмаси	194 843,5	103,2
Хизматлар, жами	218 853,5	102,3
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	36 299,2	86,9
Экспорт	15 127,7	86,6
Импорт	21 171,5	112,8
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн. АҚШ доллари	-6 043,8	х

* Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида

2-жадвал

МДХ давлатларининг 2020 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари*

(Ўтган йилга нисбатан)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Россия	Украина	Қозоғистон	Қирғизистон	Хитой	Арманистон	Туркия
Ялли ички маҳсулот, фоизда	101,6	96,9	95,6	97,4	96,6	102,3	92,4	101,8
Саноат маҳсулоти ҳажми, фоизда	100,7	95,8	95,5	99,3	87,4	102,8	99,1	102,0
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми, фоизда	103,0	100,0	88,5	105,6	101,1	102,3	101,4	104,8
Инфляция, фоизда	111,1	104,9	105,0	107,5	109,7	102,5	101,2	114,6
Ташқи савдо айланмаси, млрд. АҚШ доллари	36,3	571,4	123,0	85,0	5,6	4 650,0	7,1	389,2
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	15,1	331,7	60,6	46,9	2,0	2 590,0	2,5	169,7
Импорт, млрд. АҚШ доллари	21,2	239,7	62,4	38,1	3,7	2 060,0	4,5	219,5

* Миллий статистика хизматлари кўрсаткичлари асосида

3-жадвал

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари билан амалга оширган экспорт-импорт операциялари*

Давлатлар	Экспорт		Импорт		Ташқи савдо айланмаси	
	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда
Жами	15 127,7	100,0	21 171,5	100,0	36 299,3	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Хитой	1 930,9	12,8	4 501,3	21,3	6 432,2	17,7
Россия	1 470,1	9,7	4 170,6	19,7	5 640,7	15,5
Қозоғистон	903,0	6,0	2 115,5	10,0	3 018,5	8,3
Корея	45,5	0,3	2 096,8	9,9	2 142,3	5,9
Туркия	1 016,2	6,7	1 085,3	5,1	2 101,5	5,8
Германия	70,5	0,5	758,5	3,6	829,0	2,3
Қирғизистон	756,6	5,0	146,5	0,7	903,1	2,5
Афғонистон	774,6	5,1	2,3	0,01	776,9	2,1
АҚШ	26,7	0,2	248,3	1,2	275,0	0,8
Тожикистон	404,5	2,7	97,3	0,5	501,8	1,4
Япония	7,5	0,0	199,6	0,9	207,1	0,6
Украина	122,8	0,8	315,2	1,5	438,0	1,2
Латвия	35,5	0,2	332,2	1,6	367,7	1,0
Беларусь	41,5	0,3	218,4	1,0	259,9	0,7

* Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотлари асосида

4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси кредит ташкилотлари
таркибий бўлинмалари сони**

	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
1. Кредит ташкилотлари, жами*	147	159
<i>шу жумладан:</i>		
Тижорат банклари, шундан:	30	32
Давлат улуши мавжуд банклар	13	13
Бошқа банклар	17	19
Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:	117	127
Микрокредит ташкилотлари	56	63
Ломбардлар	61	64
2. Тижорат банклари филиаллари, жами	850	861
3. Банк хизматлари марказлари (хизмат офислари ва мини-банклар)	1 050	1 222
4. 24/7 шохобчалари	902	1 452

* Тижорат банклари ҳамда нобанк кредит ташкилотларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(2021 йил 1 январь ҳолатига)

Банклар	Актив		Кредит қўйилмалари қолдиғи		Капитал		Депозитлар қолдиғи		млрд. сўм
	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	
Жами	366 121,1	100,0	276 974,8	100,0	58 351,3	100,0	114 746,9	100,0	
Давлат улуши мавжуд банклар	310 729,5	84,9	244 483,9	88,3	48 995,3	84,0	82 460,8	71,9	
Давлат улуши бўлмаган банклар	55 391,6	15,1	32 490,9	11,7	9 356,0	16,0	32 286,0	28,1	

6-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари ўзгариши**

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.			01.01.2021 й.			Номинал ўсиш, фоизда	Ўсиши (алмашув курси таъсири чиқариб ташланганда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Активлар	272 726,9	129 076,7	47,3	366 121,1	183 927,2	50,2	34,2	28,0
Кредит қўйилмалари қолдиғи	211 580,5	100 947,3	47,7	276 974,8	138 106,4	49,9	30,9	24,9
Депозитлар қолдиғи	91 009,0	39 969,0	43,9	114 746,9	49 428,5	43,1	26,1	21,1
Капитал	51 030,7	304,5	0,6	58 351,3	335,3	0,6	14,3	14,3

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.				01.01.2021 й.			
	Жами	шундан:			Жами	шундан:		
		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	давлат улуши бўлмаган банклар		давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда	123,0	123,8	118,9	119,0	118,7	120,3		
Активлар	272 726,9	230 126,4	42 600,5	366 121,1	310 729,5	55 391,6		
Мажбуриятлар	221 696,0	185 859,4	35 836,6	307 769,9	261 734,2	46 035,6		
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда	232,5	283,9	98,7	241,4	296,5	100,6		
Кредитлар	211 580,5	186 630,3	24 950,2	276 974,8	244 483,9	32 490,9		
Депозитлар	91 009,0	65 739,5	25 269,5	114 746,9	82 460,8	32 286,0		

млрд. сўм

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал миқдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар	Жами		шулардан:													
			100 млрд. сўмгача		100 дан 300 млрд. сўмгача		300 дан 500 млрд. сўмгача		500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача		1 трлн. сўмдан 2 трлн. сўмгача		2 трлн. сўм ва ундан юқори			
	банклар сони	миқдори, млрд. сўм	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда	банклар сони	улуши, фоизда
01.01.2020 йил ҳолатига																
Жами капитал	30	51 030,7	1	0,2	11	3,5	1	0,6	6	7,6	5	13,1	6	74,9		
шундан, устав капитали	30	41 877,0	5	1,1	10	3,6	4	3,4	3	5,7	2	6,5	6	79,6		
01.01.2021 йил ҳолатига																
Жами капитал	32	58 351,3	1	0,1	9	2,3	5	2,9	4	5,1	6	14,2	7	75,3		
шундан, устав капитали	32	44 655,8	1	0,2	14	4,3	5	3,9	4	7,0	2	7,8	6	76,7		

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлар миқдори бўйича гуруҳланиши
(2021 йил 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган тижорат банклари тақсимооти										млрд. сўм
	банклар сони	сумма	3 трлн. сўмгача		3 дан 10 трлн. сўмгача		10 дан 30 трлн. сўмгача		30 трлн. сўмдан юқори				
			банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма	банклар сони	сумма			
Активлар													
Активлар	32	366 121,1	15	13 154,9	8	51 841,8	4	63 079,5	5	238 044,9			
Кредитлар	32	276 974,8	15	8 138,4	8	31 513,3	4	48 404,0	5	188 919,1			
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	32	54 887,7	15	1 869,6	8	5 483,4	4	18 391,6	5	29 143,1			
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	32	222 087,1	15	6 268,8	8	26 029,8	4	30 012,4	5	159 776,1			
Қисқа муддатли кредитлар	32	28 249,6	15	1 129,4	8	4 728,4	4	4 355,7	5	18 036,1			
Узоқ муддатли кредитлар	32	248 725,2	15	7 009,0	8	26 784,8	4	44 048,3	5	170 883,1			
Миллий валютадаги кредитлар	32	138 868,5	15	5 286,3	8	17 668,5	4	34 818,4	5	81 095,2			
Чет эл валютасидаги кредитлар	32	138 106,4	15	2 852,1	8	13 844,7	4	13 585,6	5	107 823,9			
Капитал ва молиявий натижалар													
Капитал	32	58 351,3	15	3 131,9	8	8 072,1	4	10 498,8	5	36 648,4			
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	32	18,4	15	25,8	8	17,3	4	15,5	5	19,1			
Соф фойда	32	5 642,2	15	289,9	8	1 402,9	4	1 167,6	5	2 781,8			
Активлар даромадлиги, фоизда	32	2,2	15	3,4	8	3,9	4	2,5	5	1,7			
Капитал даромадлиги, фоизда	32	10,3	15	10,7	8	19,5	4	11,9	5	7,9			
Мажбуриятлар													
Аҳоли омонатлари	32	27 403,5	15	2 220,2	8	7 512,6	4	5 067,0	5	12 603,8			
Юридик шахслар депозитлари	32	87 343,4	15	4 675,6	8	23 604,8	4	14 793,6	5	44 269,4			

10-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

млрд. сўм

Асосий кўрсаткичлар	2019 йил декабрь	2020 йил декабрь
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	23,5	18,4
Жами регулятив капитал	52 466,8	58 164,3
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	223 041,1	316 811,3
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	19,6	15,2
I даражали капитал	43 659,2	48 143,4
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	223 041,1	316 811,3
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг регулятив капиталга нисбати, фоизда	2,6	3,6
Захиралар чегирилган ҳолдаги муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	1 373,8	2 098,2
Жами регулятив капитал	52 466,8	58 164,3
Муаммоли кредитлар ва микроқарзларнинг жами кредитлар ва микроқарзларга нисбати, фоизда	1,5	2,1
Муаммоли кредитлар ва микроқарзлар	3 169,1	5 784,8
Жами кредитлар ва микроқарзлар	214 344,3	280 727,9
Активлар рентабеллиги, фоизда	2,2	2,2
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	5 693,2	6 960,6
Активларнинг умумий суммаси (давр учун ўртача)	254 942,6	315 322,0
Капитал рентабеллиги, фоизда	13,8	10,3
Соф фойда	4 680,7	5 642,2
Жами капитал (давр учун ўртача)	34 039,3	54 819,7
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	50,7	54,3
Фоизли маржа	9 898,4	14 048,4
Ялпи даромад	19 517,9	25 849,9
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	49,5	45,1
Фоизсиз харажатлар	9 670,1	11 661,9
Ялпи даромад	19 517,9	25 849,9
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	13,9	15,4
Ликвид активлар	37 887,2	56 264,3
Активларнинг умумий суммаси	272 726,7	366 121,1
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда	40,3	39,9
Ликвид активлар	37 887,2	56 264,3
Қисқа муддатли мажбуриятлар	93 962,0	141 169,4
Жами I даражали капиталнинг активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	16,0	13,1
I даражали капитал	43 659,2	48 143,4
Активларнинг умумий суммаси	272 726,7	366 121,1

11 -жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг муаммоли кредитлари

шундан:

Сана	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда								
	Кредитлар			Муаммоли кредитлар					
	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар	Жами	давлат улуши мавжуд банклар	давлат улуши бўлмаган банклар			
01.01.2020 й.	211 580,5	186 630,3	24 950,2	3 169,1	2 809,0	360,1	1,5	1,5	1,4
01.01.2021 й.	276 974,8	244 483,9	32 490,9	5 784,8	5 167,6	617,2	2,1	2,1	1,9

млрд. сўм

12-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг
даромадлилик кўрсаткичлари**

млрд. сўм

Банк тизими даромад ва харажатлари	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
Фоизли даромадлар	25 500,2	37 066,9
Фоизли харажатлар	15 601,8	23 018,5
Фоизли маржа	9 898,4	14 048,4
Фоизсиз даромадлар	9 619,5	11 801,4
Фоизсиз харажатлар	2 855,8	3 516,4
Операцион харажатлар	6 814,3	8 145,5
Фоизсиз даромад (зарар)	-50,7	139,5
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	3 855,7	6 354,4
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	298,9	873,0
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	5 693,2	6 960,6
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	1 012,5	1 318,4
Соф фойда (зарар)	4 680,7	5 642,2

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари	2019 йил	2020 йил
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,2	2,2
Соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	16,7	10,3
Соф фоизли даромадларнинг жами активларга нисбати	3,6	3,8
Кредитлар бўйича олинган соф фоизли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	4,7	5,1
Соф фоизли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	4,5	4,6
Соф фоизли маржанинг жами активларга нисбати	3,9	4,5

13-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг капитал етарлилиги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
I даражали капитал	43 659,2	83,2	48 140,5	82,8
Асосий капитал	43 621,6	83,1	48 027,7	82,6
Кўшимча капитал	37,6	0,1	112,8	0,2
II даражали капитал	8 807,5	16,8	10 021,5	17,2
Жами регулятив капитал	52 466,8	100,0	58 162,0	100,0
<i>Капитал монандлик даражаси, фоизда</i>	23,5		18,4	
<i>I даражали капитал монандлилик даражаси, фоизда</i>	19,6		15,2	

14-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати (жами), фоизда	11,3	14,2
<i>миллий валютада, фоизда</i>	7,8	11,06
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	15,3	16,56
Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиенти (жами), фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	208,5	224,5
<i>миллий валютада, фоизда</i>	147,4	157,0
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	267,7	309,9
Соф барқарор молиялаштириш меъёри (жами), фоизда (минимал талаб - 100 фоиз)	112,8	109,9
<i>миллий валютада, фоизда</i>	118,4	113,0
<i>хорижий валютада, фоизда</i>	107,2	107,2
Лаҳзали ликвидлилик коэффиенти, фоизда (минимал талаб - 25 фоиз)	47,8	67,4

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича таснифи

Кўрсаткичлар	01.01.2020 й.		01.01.2021 й.		Ўтган йилга нисбаган, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	211 580,5	100,0	276 974,8	100,0	30,9
Саноат	75 636,4	35,7	102 162,4	36,9	35,1
Қишлоқ хўжалиги	17 205,2	8,1	28 080,5	10,1	63,2
Қурилиш соҳаси	5 930,4	2,8	7 380,3	2,7	24,4
Савдо ва умумий хизмат	14 480,2	6,8	19 916,2	7,2	37,5
Транспорт ва коммуникация	23 515,9	11,1	26 626,0	9,6	13,2
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3 301,9	1,6	3 962,1	1,4	20,0
Уй-жой коммунал хизмати	2 511,6	1,2	3 759,0	1,4	49,7
Жисмоний шахслар	39 933,6	18,9	54 887,7	19,8	37,4
Бошқа соҳалар	29 065,3	13,7	30 200,5	10,9	3,9

16-жадвал
2020 йилда тижорат банклари томонидан худудларда экспортёр корхоналарга ажратилган кредитлар

Худудлар	шундан,						млрд. сўм
	Ажратилган кредитлар		Айланма маблағлар учун		Узоқ мuddатли		
	соли	суммаси	соли	суммаси	соли	суммаси	
Жами	4 451	24 695,0	1 590	7 679,0	2 861	17 016,0	
Қорақалпоғистон Республикаси	62	135,0	18	37,0	44	98,0	
Андижон вилояти	353	1 126,0	124	506,0	229	620,0	
Бухоро вилояти	258	1 676,0	87	924,0	171	752,0	
Жиззах вилояти	104	683,0	34	145,0	70	538,0	
Кашкадарё вилояти	141	444,0	51	265,0	90	179,0	
Навоий вилояти	97	219,0	16	96,0	81	123,0	
Наманган вилояти	383	888,0	144	503,0	239	385,0	
Самарканд вилояти	285	1 368,0	87	313,0	198	1 055,0	
Сурхондарё вилояти	163	623,0	51	196,0	112	427,0	
Сирдарё вилояти	88	881,0	33	142,0	55	739,0	
Тошкент вилояти	160	1 150,0	48	246,0	112	904,0	
Фарғона вилояти	322	831,0	120	189,0	202	642,0	
Хоразм вилояти	201	1 030,0	78	281,0	123	749,0	
Тошкент шаҳри	1 834	13 641,0	699	3 836,0	1 135	9 805,0	

17-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижрат банкларининг депозитлари ва депозит сертификатлари таснифи

Сана	Жами	муддаг бўйича:				1 йилдан юқори	млрд. сўм
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	31 кундан 180 кунгача	181 кундан 365 кунгача		
01.01.2020 й.	91 009,0	35 189,0	3 133,0	11 654,0	11 523,0	29 511,0	
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	38,7	3,4	12,8	12,7	32,4	
01.01.2021 й.	114 746,9	49 152,8	6 081,3	14 207,4	13 749,2	31 556,1	
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	42,8	5,3	12,4	12,0	27,5	

18-жадвал

Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2020 йил		01.01.2021 йил		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Пул массаси (M2), жами	91 266,1	100,0	107 603,9	100,0	117,9
<i>шу жумладан:</i>					
муомаладаги нақд пуллар (M0)	24 246,0	26,6	24 920,3	23,2	102,8
нақд пулсиз маблағлар	67 020,1	73,4	82 683,5	76,8	123,4
<i>шундан:</i>					
миллий валютада	38 539,8	42,2	48 177,9	44,8	125,0
чет эл валютасида	28 480,3	31,2	34 505,6	32,1	121,2

19-жадвал

Резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар	01.01.2020 йил		01.01.2021 йил		Ўтган йилга нисбатан, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Резерв пуллар, жами	40 607,1	100,0	46 876,8	100,0	115,4
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	26 310,3	64,8	27 798,8	59,3	105,7
банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	9 817,9	24,2	17 253,1	36,8	175,7
банкларнинг мажбурий захиралардаги маблағлари	4 187,1	10,3	1 546,8	3,3	36,9
Марказий банк мижозларининг депозитлари	291,7	0,7	278,2	0,6	95,4

20-жадвал

**Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган
банк пластик карталари сони**

Худудлар	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	20 547 366	25 775 662	125,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1 141 175	1 524 363	133,6
Андижон вилояти	1 311 134	1 701 230	129,8
Бухоро вилояти	1 168 663	1 381 460	118,2
Жиззах вилояти	562 793	724 339	128,7
Қашқадарё вилояти	1 732 128	2 134 958	123,3
Навоий вилояти	757 761	915 136	120,8
Наманган вилояти	1 200 929	1 374 199	114,4
Самарқанд вилояти	1 647 803	2 195 561	133,2
Сурхондарё вилояти	1 164 126	1 369 827	117,7
Сирдарё вилояти	499 064	658 333	131,9
Тошкент вилояти	1 245 267	1 424 985	114,4
Фарғона вилояти	1 705 804	2 123 529	124,5
Хоразм вилояти	806 507	1 076 919	133,5
Тошкент шаҳри	5 604 212	7 170 823	128,0

21-жадвал

**Савдо ва хизмат кўрсатиш субъектларига
ўрнатилган тўлов терминаллари сони**

Худудлар	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	392 361	438 410	111,7
Қорақалпоғистон Республикаси	23 411	26 699	114,0
Андижон вилояти	22 006	24 873	113,0
Бухоро вилояти	30 886	32 092	103,9
Жиззах вилояти	11 964	14 789	123,6
Қашқадарё вилояти	21 963	27 920	127,1
Навоий вилояти	14 453	19 029	131,7
Наманган вилояти	20 533	22 639	110,3
Самарқанд вилояти	34 704	33 345	96,1
Сурхондарё вилояти	16 941	20 692	122,1
Сирдарё вилояти	11 346	12 093	106,6
Тошкент вилояти	38 651	40 877	105,8
Фарғона вилояти	29 748	35 079	117,9
Хоразм вилояти	19 094	22 290	116,7
Тошкент шаҳри	96 661	105 993	109,7

22-жадвал

**Республика ҳудудларида ўрнатилган банкомат
ва инфокиосklar сони**

Ҳудудлар	01.01.2020 й.	01.01.2021 й.	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	9 203	11 800	128,2
Қорақалпоғистон Республикаси	316	490	155,1
Андижон вилояти	388	531	136,9
Бухоро вилояти	507	675	133,1
Жиззах вилояти	195	286	146,7
Қашқадарё вилояти	361	573	158,7
Навоий вилояти	242	384	158,7
Наманган вилояти	435	589	135,4
Самарқанд вилояти	671	894	133,2
Сурхондарё вилояти	450	611	135,8
Сирдарё вилояти	209	274	131,1
Тошкент вилояти	458	564	123,1
Фарғона вилояти	825	1 080	130,9
Хоразм вилояти	337	454	134,7
Тошкент шаҳри	3 809	4 395	115,4

23-жадвал

**2019-2020 йилларда тўлов терминаллари орқали
амалга оширилган тўловлар суммаси**

млрд. сўм

Худудлар	2019 йил давомида	2020 йил давомида	Ўтган йилга нисбатан, фоизда
Жами	71 020,2	81 000,0	114,1
Қорақалпоғистон Республикаси	3 379,3	3 635,7	107,6
Андижон вилояти	4 028,3	4 170,2	103,5
Бухоро вилояти	3 812,6	3 971,3	104,2
Жиззах вилояти	1 642,4	1 738,4	105,8
Қашқадарё вилояти	4 570,1	4 891,1	107,0
Навоий вилояти	2 536,9	3 009,8	118,6
Наманган вилояти	3 227,8	3 081,5	95,5
Самарқанд вилояти	4 560,1	4 671,5	102,4
Сурхондарё вилояти	2 651,8	2 896,5	109,2
Сирдарё вилояти	1 357,9	1 478,1	108,9
Тошкент вилояти	4 626,7	5 125,1	110,8
Фарғона вилояти	4 858,8	4 897,0	100,8
Хоразм вилояти	3 173,5	2 913,9	91,8
Тошкент шаҳри	26 594,0	34 519,7	129,8